

Сайфиддин Жўраев

**ХАЛҚАРО
МУНОСАБАТЛАР ВА
ХАЛҚАРО
ТАШКИЛОТЛАР**

Тошкент 2008

ЖИДУ

Таҳрир ҳайъати

Назаров Қ.Н., Иргашев Ф.Р., Холбеков А.,
Пахрутдинов Ш.И., Абулқосимов Ҳ.П., Аҳмедов О.М.,
Раҳимова Д.Н., Умарова Н.Т., Ҳасанов Р.Р., Умаров Б.З.

С.Жўраев. Замоनावий халқаро муносабатлар. Тошкент,
Akademiya, 2007 й.

Ушбу ўқув қўлланмада замоनावий халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг долзарб масалалари кенг ёритилган. Муаллиф глобаллашув жараёни моҳиятини, унинг халқаро муносабатларга таъсирини, дунёнинг турли минтақалари учун ҳам ижобий, ҳам зиддиятли жиҳатларини очиқ беришга ҳаракат қилган.

Китобда миллий ва минтақавий манфаатларга, халқаро хавфсизликни таъминлашга анъанавий ва замоनावий ёндашувлар таҳлил қилинган. Халқаро ташкилотлар, ҳукуматлараро ташкилотлар, ноҳукумат ташкилотлар, трансмиллий корпорацияларнинг халқаро муносабатлардаги роли кўрсатиб берилган. Шунингдек, глобал ва ҳудудий ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларига эътибор қаратилган.

Қўлланма ихтисослашган олий ўқув юртли ва факультетлар талабаларига, шунингдек, халқаро муносабатлар муаммоси билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-300-26-2 © «Akademiya» нашриёти. Тошкент 2007 й.

КИРИШ

Халқаро муносабатлар – хавфсизлик, барқарорлик ва ривожланишни таъминлаш мақсадида давлатлар, халқлар, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шакли ва услублари, сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар, боғлиқликлар тизимидир. Бу давлат фаолиятининг муҳим соҳаси бўлиб, бусиз ҳозирги цивилизацияни, унинг ривожланишининг асосий тенденциялари ва келажак истиқболини тасаввур этиш қийин. Бундан ташқари, ҳар бир инсоннинг ҳаёти муайян даражада халқаро муносабатларга боғлиқдир.

Ҳарбий хавфсизликни мустаҳкам таъминлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, таҳдид ва қарши чиқишларга давлатлараро биргаликда қарши курашишни кучайтириш, халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар, одам савдосига қарши курашиш, буларнинг олдини олиш ва бошқалар миллий хавфсизликни таъминлайди, фуқароларда эртанги кунга ишонч уйғотади. Шу билан бирга, фуқаролар демократик институтлар орқали давлатни мустаҳкамлаш ишида иштирок этиб, халқаро муносабатлар тизимида давлатнинг сиёсий йўлига билвосита таъсир кўрсатади. Сиёсат билан қизиқувчи фаол шахс давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятида ўз эҳтиёжлари, қадриятлари, мафкуравий қарашларини давлат унинг манфаатларини қўриқлаб турганининг исботи сифатида кўришни хоҳлайди. Шунинг учун халқаро муносабатлар янгиликларнинг, ахборот-таҳлилий хабарларнинг энг оммабоп мавзуларидан бири десак, янглишмаган бўламиз.

Қайд этиш лозимки, «халқаро муносабатлар» категориясини белгилаш борасидаги ҳар қандай уриниш нафақат тушунчани осонлаштиришни, балки халқаро ҳам-

жамиятнинг долзарб муаммоларини ечиш йўллари топишни ҳам мақсад қилади. Бу осон эмас, чунки халқаро муносабатлар тизими мослашувчан, ўзгарувчан, мураккаб структурали, турли элементларга эга бўлиб, ўз навбатида, ўзига хос тизими билан фарқланади. Турли давлат тизимига эга бўлган халқаро сиёсат субъектлари хулқ-атворининг универсал ўлчамларини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнини таърифлаб бериш, аниқса, қийин. Халқаро муносабатлар жараёнлари ва ҳодисаларини фалсафий, социологик, психологик, иқтисодий, тарихий ва ривожланишнинг бошқа релевант аниқловчилари таҳлилисиз нисбатан тўлиқ тушуниш мумкин эмас. Ушбу ҳолат сиёсий жараённинг амалиётчиси, таҳлилчиси, тадқиқотчисини кўпинча комплекс ёндашувдан фойдаланган ҳолда далил ва ҳодисаларнинг чекланган ҳажмига асосланиб, халқаро муносабатлар ҳолатини ўрганишга киришишга мажбур қилади. Шунинг учун халқаро муносабатларнинг долзарб масалаларига тўхталиб, муаллифлар халқаро сиёсат назариясининг асосий қоидаларига эътиборни кучайтиришга ва ҳозирги ривожланиш босқичида Ўзбекистон Республикаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга урғу беришга ҳаракат қиладилар.

I. ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ ВА ОМИЛЛАРИ

1.1. Замонавий халқаро муносабатларнинг умумий таснифи

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида, одатда, миллий, диний, минтақавий, глобал, шунингдек, хусусий манфаатлар халқаро муносабатларнинг предмети бўлиб майдонга чиқмоқда. Шу билан бирга, манфаатлар тизимида иқтисодий ташкил этувчи қисм ва хавфсизлик манфаатлари нуфузли ўрин тутади. Бир қатор мамлакатларнинг манфаатлари жамиятдаги ҳукмрон қадриятлар ва мафкуравий кўрсатмалар билан белгиланиши кам учрайдиган ҳодиса эмас. Шундай давлатлар борки, уларда дин бош мавқега эга, шунга мувофиқ диний ва мафкуравий омилларнинг таъсири ташқи сиёсатда анча юқори бўлади.

Одатда, миллий манфаатлар тўқнашуви натижасида давлатлар ўртасида юз берадиган можароларни ҳал қилиш усул ва йўллари излаб топиш ҳозирги халқаро муносабатларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Можароларнинг сўнгги кўриниши уруш ҳисобланади. Ҳарбий куч ишлатмасдан можароларни ҳал қилиш халқаро ҳуқуқ ва дипломатиянинг фаолият доирасига киради. Можарони ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкинлигига субъектив ва объектив омиллар таъсир қилади. Объектив омиллар ижтимоий ва сиёсий кучларнинг муайян тақсимланишини, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа шароитларни, детерминациянинг хусусий тизими ва воқеалар ривожининг тегишлича кўринишини юзага келтирган жаҳондаги мавжуд вазиятдан келиб чиқади. Бу сценарийлар, одатда, соғлом ақл билан бошқарилади, у барча шарт-шароит, вазиятни ҳисобга ол-

ган ҳолда муаммони ҳал қилишнинг оқилона йўлини таклиф қилади. Можарони салбий ҳал қилишнинг муқобили консенсус ҳисобланиб, унга халқаро ҳуқуқий тамойил ва меъёрлар асосида сиёсий ҳамда дипломатик воситалар орқали эришилади. Шу сабабдан халқаро муносабатларда халқаро можароларни ҳал қилиш ва давлатлар ўртасида консенсусга эришишда энг муҳим институтларнинг роли ва функцияларига, қарор қабул қилиш механизмларига катта эътибор қаратилади.

Можаро кўп ҳолларда давлатлар ўртасидаги рақобат натижаси ҳисобланади. Рақобат – бир хил мақомга, бир томонга йўналтирилган фаолият соҳасига ва барча мавжуд воситалар билан таъминланиши зарур бўлган манфаатлар тизимига эга мустақил, суверен субъектларнинг ҳаммаси учун характерли бўлиб, объектив ҳодиса саналади.

Давлатнинг фаол ташқи сиёсати халқаро муносабатлар соҳасида самарали рақобат курашининг асосий воситаси ҳисобланади, унинг натижавийлиги миллий манфаатлар ҳимояси ва бу борадаги ютуқлар даражасига кўра баҳоланади.

Кенг маънода, ташқи сиёсат – халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси ва тутган йўли. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ташқи сиёсат идораси ва бошқа структураларининг халқаро майдонда миллий ривожланишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги стратегияси, тактикаси ва аниқ қадамлари сифатида ҳам қабул қилинади.

Ташқи сиёсат масалаларнинг икки векторига эга, уларни шартли равишда «*ҳимоявий*» / «*мудофаавий*» ва «*ҳужумкор*» масалалар деб аташ мумкин.

«*Ҳимоявий*» масалалар халқ ва давлат суверенитетини таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш,

мудофаа ва шу каби мақсадлар кўриб чиқиладиганда яққол кўзга ташланади.

«*Ҳужумкор*» тажовузкор деган маънода бўлмай, у давлатларнинг кучли рақобати шароитида геосиёсий тартибдаги бир қатор масалаларни ҳал қилиш ва муайян фойда олиш бўйича фаол ташаббускор ташқи сиёсат юритиш зарурати билан боғлиқ.

Ҳар ҳолда, ушбу масалалар миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича давлатнинг ташқи сиёсий механизми куч-ҳаракатлари шаклида намоён бўлади ва ижтимоий-иқтисодий интеграциялашув жараёнларида, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда, тегишли давлатлараро ташкилотлар тузиш ва бошқаларда акс этади.

Ташқи сиёсат давлатнинг фаолият соҳаси сифатида муайян мухторияти ва аниқ ифода этилган ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунинг устига у ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир соҳасида аниқ вазифа, предмет ва услубга эга. Шунга мувофиқ, ушбу соҳаларнинг ўзига хос хусусияти давлатнинг ташқи сиёсати шаклига қайтадан қурилади. Масалан, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ташқи сиёсат қатор муҳим сиёсий, ҳарбий-техник, гуманитар масалаларни ечишни, ушбу соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорликни таъминлашни мўлжаллайди. Давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ўзаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролли кучлар жанговар тайёргарлигини оширишга йўналтирилган ҳарбий соҳада биргаликда фаолият юритишни кўзда тутди. Давлат олдида ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқа масалалар туради. Бу ерда чет эл инвестициясини жалб қилиш, коммуникацияни ривожлантириш, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик каби масалалар асосий вазифа ҳисобланади.

Давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва асосий йўналишлари фақат миллатнинг иқтисодий, ҳарбий, ахборот ва демографик ресурсларини қамраб олган умумий салоҳият билан таққослагандагина айнан мос ва натижали бўлади.

Ташқи сиёсат мақсадга эришишнинг турли тамойиллари, услуб ва механизмларига таянади. *Дипломатия*¹ ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий механизми ҳисобланади.

Ҳозирги дипломатия ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришувни, мамлакатдан ташқарида ўз давлат ва фуқароларининг манфаатларини таъминлайди, давлатларнинг музокаралар жараёнини, ахборот ҳамкорлигини ташкил қилади, давлат ва ҳукумат бошлиқлари, давлатнинг ташқи алоқа органлари ҳамда бевосита дипломатларнинг расмий фаолияти шаклида амалга ошади. Дипломат (французча «diplomate») – ташқи алоқалар идорасининг (марказий ёки хорижий аппаратнинг) ходими бўлиб, у эгаллаб турган лавозими туфайли хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан расман алоқа қилиш соҳасида бевосита мазкур идора вазифаларини бажаради.

Дипломатия соҳасидаги баъзи хорижий экспертлар турли «дипломатия турлари»нинг рўйхатини фан сифатида келтиришади, яъни.

- одатдаги икки томонлама дипломатик каналлар орқали алоқалар ва музокаралар;
- “ad hoc” кўп томонлама конференциялар;
- маслаҳатлашув дипломатияси (муаллифлар ушбу категорияга, жумладан, НАТОни киритишади);
- янги инструментлар ва шакллар дипломатияси (муаллифлар белгилашга кўра: ихтисослаштирилган агентликлар ва функционал ташкилотлар);

¹ «Дипломатия» грекча *dipl+oma* сўзидан келиб чиққан. Қадимги Грецияда ёзув туширилган кўш қаватли юшқа тахтачалар шундай аталган. Улар элчиларга уларнинг ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиқлари ва ҳужжатлари сифатида берилган.

- парламентар дипломатия (қонунчилик ҳокимияти органларининг халқаро алоқаси);

- маданий дипломатия ва ахборотга оид фаолият;
- иқтисодий дипломатия (молиявий ёрдам, қарзлар, инвестициялар, савдо);
- техник ёрдам дипломатияси;
- ҳарбий соҳадаги дипломатия;
- қуролсизланиш ва қуролланишни чеклаш дипломатияси;
- разведка билан шуғулланувчи дипломатия;
- хусусий гуруҳлар ва алоҳида шахслар дипломатик фаолияти.

Айнан музокараларда битимга келиш билан боғлиқ дипломатик фаолият чоғида, одатда, ўзаро ён беришлар орқали турли давлатлар позициялари, уларнинг хоҳиш-истаклари келишиб олинади. Мазкур хоҳиш-истаклар халқаро шартнома меъёрларида ифодасини топади. Халқаро шартнома тузиш жараёнининг навбатдаги босқичи (имзо чекиш, ратификация қилиш, ратификация ёрлиқларини алмашув ёки уларни депонентлаш ва ш.к.) ҳам кўп даражада дипломатик фаолият билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормаси давлатлар ўртасидаги муносабатлар амалиётидан, давлатнинг ташқи сиёсий ҳаракатларидан ўсиб чиқади.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар ўртасида расмийлаштирилган муносабатлар тепасида туради, моҳиятига кўра, халқаро муносабатлар маданияти ривожланиш даражасининг индикатори ҳисобланади. Халқаро муносабатлар ривож, хусусан, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, уларнинг барқарорлиги, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, хавфсизликни миллий, минтақавий, глобал даражада таъминлаш каби масалалар давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ тамойил ҳамда меъёрларини яратиш ва бажариш борасида қандай самарали ҳамкорлик қилишларига боғлиқ бўлади.

Халқаро муносабатлар турли ҳаракатланувчи кучлар ва мотивлар таъсирида ривожланади, аммо улар ичида давлатлар-субъектлар манфаатларининг мос келиши ёки тўқнашуви, манфаатларни ҳимоя қилиш, улар бўйича келишувга эришиш ҳал қилувчи аҳамияга эга. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсий манфаатлари, мақсад ва вазифалари, аввало, миллий эҳтиёжлар, манфаатлар ва қадриятлар билан, уларни халқаро майдонда ҳимоялаш ва таъминлаш билан боғлиқ. Шу билан бирга, конституцион меъёр ва тамойиллар энг муҳим, доимий бўлган манфаат ва қадриятларнинг ҳуқуқий ифода шакли ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда конституция давлатнинг ташқи сиёсатини тартибга солишни ўз ичига қамраб олади. Ташқи сиёсат предмети конституция таркибига киририлганда ёки унинг алоҳида меъёрлари билан тартибга солинганда, ташқи сиёсат у ёки бу давлат конституцион ҳуқуқининг таркибий қисмига айланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги конституциялар, одатда, қуйидагиларни акс эттиради: 1) давлат ташқи фаолиятининг асосий тамойилларини; 2) уруш эълон қилиш ва тинчлик битимини тузиш билан боғлиқ масалалар; 3) элчилар тайинлаш; 4) халқаро ва давлат ичидаги ҳуқуқий меъёрларнинг ўзаро нисбати; 5) халқаро шартномалар тузиш, ратификациялаш ва денонсация қилиш бўйича давлат органларининг ваколати; 6) инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш – фуқароликка олиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, экстрадиция, бошпана ҳуқуқи соҳасида ҳамкорликни белгиловчи ҳуқуқлар.

Хусусан, Ўзбекистон Конституцияси кириш қисмида қайд қилинган ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларнинг устунлиги белгиланмоқда, 17-моддада эса ташқи сиёсатни ташкил қилиш масалаларида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъ-

ёрларига олий юридик куч мақоми берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида шундай кўрсатилган: «Унинг ташқи сиёсати... куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик... нормаларига асосланади».

Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажраб чиқиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва унинг палаталари, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ташқи сиёсат борасидаги вазифалари, ҳуқуқ ва ваколатларини бевосита тартибга солади.

Конституция олий юридик кучнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланар экан, нафақат ҳуқуқий, балки шу билан бир қаторда, мамлакат ташқи сиёсати соҳасига тарқаладиган сиёсий ва мафкуравий функцияларни ҳам бажаради. Бундай вазиятда конституция асосий қонун нормаларига умумий амал қилиш орқали давлатнинг ташқи сиёсатда тутган йўлига ҳам бевосита, ҳам бавосита таъсир этиши мумкин. Бавосита таъсир, одатда, бу қайси соҳада юз беришидан қатъи назар, конституция қоидаларини (низомларини) бажаришнинг изчил амалиётида намоён бўлади².

² Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан — Автореф. дисс. на соиск. степ. д.п.н. — Ташкент, 2002.

Халқаро муносабатлар тизимида дипломатия, халқаро ва миллий ҳуқуқнинг роли ушбу соҳанинг ўзгарувчанлиги ва мураккаб тузилишли эканлигини ҳисобга олиб, комплексли ва тартибга соладиган характерга эга.

Халқаро муносабатлар, моҳиятига кўра, ўсиб борувчандир. Бу доимий ўсиш ҳолати бўлиб, унда давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг анъанавий ҳамда янги шакл ва услублари чагишиб кетади. Бу халқаро муносабатлар мазмуни ва характерига таъсир этиш куч марказининг доимий аралашиб туришидир. Хатто жаҳондаги тинчликсевар (сулҳпарвар) мамлакатлар ушбу муносабатларга таъсир этишининг нисбатан барқарор омили сифатида, ўз навбатида, объектив жараёнлар таъсирига учрайди ва вақтнинг маълум бир пайтида қарор топган вазиятни бутун дунёда ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги стратегиясини шакллантириш учун асос сифатида ҳисобга олишга мажбурдир. Халқаро муносабатларга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар ҳам худди сиёсат ва иқтисодиёт оламидек, манфаатлар ҳамда эҳтиёжларнинг тегишли тизими каби ўсувчан ва ўзгарувчандир. Кейингилар халқаро конъюнктурани вужудга келтиради.

Халқаро конъюнктура шундай кўрсаткички, у санок вақти ва таққослаш вақти ўртасидаги оралиқ бир неча кеча-кундуз вақт билан ҳисобланса ҳам ҳеч қачон бир хил бўлмайдиган тегишли муносабатларнинг ҳажм ва характерини белгилаб беради.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар мазмуни ва суръатига давлат томонидан ва халқаро ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишга бўйсунмайдиган гуманитар, ахборот (информацион), илмий, этномаданий ва бошқа омилларнинг таъсири янада яққол кўринмоқда. Ташқи сиёсат миқёс ва диапазонининг кенгайиш тенденцияси нафақат давлат ва ҳукуматнинг сиёсати сифатида, балки мамла-

кат, жамиятнинг ташқи дунё билан алоқасининг бутун мажмуи сифатида ҳам тўхтовсиз кучайиб бормоқда. Ўзининг иқтисодий, ижтимоий-маданий, ахборот (информацион) ва бошқа аҳамиятига кўра, ҳозирги дунёнинг кўпчилик мамлакатларидаги бундай алоқалар давлат ва ҳукуматнинг бевосита ташқи сиёсати йўналишида амалга оширилади алоқаларидан кўп бора «ошиб кетади»³. Нодавлат субъектлар ролининг ўсиши ҳисобида халқаро муносабатлар солиштирма оғирлигининг қисқарганлиги бугунги кунда тез-тез тилга олинмоқда⁴. Бунинг устига, ушбу муносабатлар таъсирининг ўсиши нафақат обрўли нодавлат жамоат ташкилотлари, балки ўз фаолиятида субъектив идеологияга таянадиган хусусий ташкилотлар йўналишида ҳам юз бермоқда (масалан, Сорос фонди). Агарда гап, масалан, йирик давлатлар каби нуфузли халқаро кучлар манфаатлари билан кўпинча мос тушадиган оддий нафсониятлар (амбициялар) ҳақида бораётган бўлса, яхши. Бунинг натижасида бундай тузилма ушбу давлатнинг муайян давлатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга таъсир этувчи воситаси ёки таъсир агентига айланади. Бундай бирлашмага қарши туриш қийин, лекин мумкин, бундай тузилмалар кўпинча ўз мақсадини беркитишмайди. Бундай тузилмалар мафкураси остида яширин сабаб бўлса, буниси ёмон. Террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи, уюштирувчи, режалаштирувчи, бундай хатти-ҳаракатларга тайёрловчи, уларни амалга оширишга галамисларча ундовчи, террористларни ёллайдиган, тайёрлайдиган ва қуроллантирадиган, уларни молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлайдиган тузилмалар, айниқса, хавфли.

³ Косолапов Н. Внешнеполитическое сознание: категория и реальность // Мировая экономика и международные отношения. - №9, 1999. С.8.

⁴ Современные международные отношения. / Под ред. А.В.Торкунова. - М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2000. - С.70-93.

Бундай ташкилотлар турлича кўринишда, кўпинча беозоргина ёки фаол ҳамдардлик ва тушунишга чорловчи байроқлар остида чиқиши мумкин (масалан, тантанали эълон қилинаётган маслаклари диний, хайр-саховат ёки гуманитар мазмун ва мақсадга эга бўлганда).

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) ҳозирги халқаро муносабатларга катта таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун қатор мутахассисларнинг ТМК глобаллашган дунёда суверен давлатлар нуфузига эга бўлаётгани тўғрисидаги фикрларига қўшилиш лозим. Агар дунё давлатларининг ялпи миллий маҳсулотларига мувофиқ уларнинг рўйхати тузиб чиқилса ва йирик ТМК рўйхати билан таққосланса, у ҳолда «Женерал моторз» иқтисодий қудратига кўра 23-ўриндаги «давлат» бўлар экан, «Форд» 24-ўринда, «Мицубиси»-25-ўрин, кейин эса «Мицубиси» (26), «Иточу» (30), «Шелл» (31), «Эксон» (35), «Сумитомо» (36), «Тойота»(38), «Уолл-Март»(39), «Женерал электорик»(44) ва бошқалар⁵.

Халқаро муносабатлар ривожланишининг ҳозирги омиллари ҳақида сўз кетар экан, *геосиёсат* сингари сиёсий концепция тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас. Унга мувофиқ, давлатнинг ташқи сиёсати жўғрофий омиллар (давлатнинг ҳолати, табиий ресурслари, иқлими ва ш.к.) томонидан олдиндан белгиланади⁶.

Миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодиёт, ижтимоий-маданий алоқалар ривожини ва ялпи интеграциялашув жараёнлари давлат ёки минтақанинг геосиёсий ҳолатига, умуман, унинг ҳаётий фаолиятини у ёки бу тарзда белгиловчи геосиёсий омиллари

йигиндисиغا боғлиқ, деган қараш мавжуд. Ушбу омиллар ўзгаришларга энг кам даражада учрайди, шунинг учун ҳам давлатнинг геосиёсий ҳолати билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг ривожланиши ва хавфсизлик каби жиҳатлар энг барқарор ҳисобланади. Мутлақ қулай геосиёсий омиллар бўлмагани каби, мутлақ ноқулай геосиёсий омиллар ҳам мавжуд эмас, деб ҳисобланади. Давлатнинг ҳар қандай геосиёсий ҳолати ўзининг мусбат ва манфий жиҳатларига эга ва миллий манфаат йўлида унисидан ҳам, бунисидан ҳам тўғри фойдаланиш сиёсий раҳбарлик вазифасига киради.

Собиқ СССР барҳам топиб, янги мустақил давлатлар ташкил бўлгач, геосиёсат илмий-амалий таҳлилнинг оммавий йўналишларидан бирига айланди. Жаҳон ҳамжамиятида ўзини ва ўз ўрнини англаш шароитида ўз суверенитетини мустаҳкамлашга ва миллий раванг топиш мақсадига эришишга интилаётган ҳар бир давлат геосиёсий концепцияга эътибор қаратмаслиги мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу муносабат билан «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида қайд этганидек, геосиёсат дунё алоқа тизимида давлатнинг тарихий, бугунги ва келгуси ролини таҳлил этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Унинг фикрича, айнан дунё аҳамиятига эга жараёнлар моҳиятини тушунмаслик, қатор мамлакатларда хавфсизликка таҳдидни баҳолашда етарлича жиддий муносабатда бўлмаслик, келажакни башорат қилишдаги заифлик муайян мамлакатнинг ўз сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олиб, рўёбга чиқариш имкониятини шубҳа остига қўяди. Президент «бизни ўраб турган, ҳеч ким ўз ҳолича яшай олмайдиган, ҳамма нарса ҳам бизга боғ-

⁵ Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. —М.: Логос, 2002, —С.38-39.

⁶ XIX аср охири - XX аср бошларида вужудга келган (Ф.Ратцель, Германия; А.Мэхэн; АҚШ; Х.Маккиндер, Буюк Британия; Р.Челлен, Швеция). Ташқи экспансияни оқлаш учун, айниқса, немис фашистлари томонидан фойдаланилган. "Геосиёсат" термини жўғрофий омилларнинг (худуд, нуфуз ва бошқаларнинг) давлат ташқи сиёсатига (геосиёсий стратегия ва шу к.) муайян таъсирини билдириш учун ҳам қўлланилган.

лик бўлавермайдиган, юксак мақсадларга эришиш йўлидаги интилишимизга жиддий хавф-хатар солиб турган бу дунёнинг ўзи нимадан иборат эканлигини чуқур тушуниб олиш жуда муҳим”⁷ лигини кўрсатади.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши ва кучларнинг би-поляр нисбати, кўплаб янги мустақил давлатларнинг ташкил топиши туфайли юз берган глобал ва минтақавий даражадаги геосиёсий ўзгаришларни баҳолашга бу каби ёндашув бундай ўзгаришларнинг марказида турган Ўзбекистон учун, айниқса, муҳимдир.

Шубҳасиз, ҳозирги халқаро муносабатлар ҳажмига глобаллашув жараёни улкан таъсир кўрсатади.

Ҳозирги сиёсат фанида «глобаллашув» термини бир қатор универсал жараёнларни, жумладан, давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳамда ўзаро боғлиқликнинг ривожланиш жараёнини ифодалаш учун қўлланади. Глобаллашув мураккаб, зиддиятли, диалектик жараён сифатида намоён бўлмоқда ва ХХІ асрда жаҳон тараққиёти янги босқичининг, ер курраси миқёсидаги ижтимоий ривожланишнинг, фан ва техника ютуқлари туфайли имкони бўлган ижтимоий жараёнлар ва социал алоқаларнинг сифат жиҳатдан янги шаклланишининг асосий белгиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Глобаллашувнинг юзага келиши тарихий тараққиётнинг барча силжишлари билан алоқадор тарзда кечди. У алоқа воситалари, транспорт тизимининг ривожланиши, либерализм сингари универсал мафқуравий концепцияларнинг тарқалиши билан бошланган байналмилаллашув жараёнини табиий равишда давом эттирмоқда. Саноат инқилоби, янги транспорт ва алоқа воситаларининг яра-

тилиши, жаҳон бозорининг шаклланиши, оммавий миграция, халқаро алоқалар ва айирбошлашнинг жадаллашуви мамлакат ва халқларнинг ажралиб қолган ҳолда мавжуд бўлишига барҳам берди. Жаҳон хўжалик алоқалари шиддат билан ривожланиб бормоқда, халқаро муносабатларни тартибга солишнинг жаҳон миқёсидаги тизими яратилмоқда, маданий ўзаро таъсирлар жадаллашмоқда, катта масофалар нисбатан осонлик билан бартараф этилмоқда, замон шитоб билан илгариламоқда, дунё яхлитликка эриша бошлади.

Маълумки, фан ва янги технологиялар иқтисодиётни, умуман, ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида майдонга чиқади. Янги технологиялар ва ишлаб чиқарувчи кучлар дунёни тубдан ўзгартириб юбормоқда, сиёсий тизимларга таъсир этмоқда, нафақат хусусий технологик ва иқтисодий масалаларни, балки сиёсий масалаларни ҳам ечиш учун катта имкониятлар очилмоқда. Замонавий дунёга даъват имкониятлар учун даъватдир. Бу имкониятларни давлатларга, жамиятларга, трансмиллий компанияларга, алоҳида сиёсий кучларга ўз манфаатларини улар орқали рўёбга чиқаришлари учун замонавий фан, техника иқтисодий қудрат беради.

Бироқ илмий-техник ва иқтисодий тараққиёт тегишли даъватларга нафақат ижобий жавобларни беради, балки таҳдидларни ҳам туғдиради. Бу таҳдидлар, аслини олганда, янги эмас. Улар турли шакл ва мазмунга эга бўлиб, хамиша мавжуд бўлган:

- технология соҳасида Ғарб мамлакатларининг мутлақ устунлиги базасида бутун дунё миқёсида трансмиллий олигопол тизимлар томонидан ресурслар ва иқтисодий фаолиятни глобал бошқарув тизими шаклланимоқда ва мустаҳкамланимоқда;

- даромади паст ва ўрта даражадаги мамлакат аҳоли-

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., Ўзбекистон, 1997. 10-б.

сига нисбатан бой мамлакатлар аҳолиси даромадларининг илгарилаб кетган барқарор ўсиши тенденция сифатида сақланмоқда;

- ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқариш ва экспорт тузилмасининг асосан хом ашёга йўналтирилганлиги сақланмоқда, бу жаҳон иқтисодиёти ва хом ашё нархи конъюктурасининг ўзгарувчанлиги чоғида, айниқса, хавфли, натижада барқарор иқтисодий ўсиш бўлмайди;

- глобал жараёнлар босимига мослаша олмайдиган мамлакатлар жиддий ижтимоий зиддиятлар ва фуқаролар можаролари хавфига учрайди;

- дунёнинг иқтисодий ва ижтимоий ноўхшашлиги миграция оқими ўсишини юзага келтиради, бу ривожланаётган мамлакатларда юқори малакали ишчи кучига ҳам тегишли;

- замонавий алоқа воситалари туфайли молиявий чайқовчилик бозорига айланган глобал молиявий бозорлар алоҳида хавф туғдиради;

- трансмиллий жинойи тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши билан боғлиқ бўлган глобал жараёнлар кучаяди, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдоси авж олади.

Аёнки, глобаллашув шароитида миллий хавфсизликка таҳдид ва қарши чиқишлар ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳам (чунки бу янада кескинлашади), ўзининг турли-туманлиги жиҳатидан ҳам янада хавфли намоён бўлади. Глобаллашув ҳар қандай ҳозирги таҳдид ва қарши чиқишларни бартараф этилиши мураккаб ҳодисага айлантиради, унга қарши ҳаракат давлатнинг мафқуравий, иқтисодий, технологик, биринчи галда, ижтимоий-ҳуқуқий ривожланиши орқали анча юқори даражада таъминланган бўлиши лозим. Фақат минтақавий интеграллашган миқёсда ҳозирги чақириқ ва таҳдидларнинг катта қисмига қарши туришга қодир иқтисодий ривожла-

ниш, ўзаро ёрдам ва жамоавий хавфсизликнинг ишончли тизимини яратиш мумкин.

Глобал характерга эга ва глобаллашувнинг бевосита самараси бўлган ёки у билан бирга юз берган янги қарши чиқиш ва таҳдидлар ҳақида сўз кетганда, улар шундай бўлса-да, ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигига жиддий муаммо туғдиради, биз шуни назарда тутишимиз керакки, айнан улар минтақавий даражада қарши ҳаракат қилиш воситасини топиш жараёнини тезлаштиради.

Ривожланган мамлакатлар учинчи дунё эга бўлган минерал хом ашё, ёқилги-энергетика ресурсларига эҳтиёж сезаётир. Бироқ уларнинг захираси тугаб бормоқда. Табиий хом ашё ресурсларининг, айниқса, газ ва нефтнинг чекланганлиги яқин эллик йилда халқаро муносабатлар ривожланишининг бош омили ҳисобланади. Ушбу захираларни қўлга киритишга интилиш асосида можаролар авж олади ва кучлар конфигурацияси (жойлашуви) ўзгаради. Муқобил энергия манбаларини биринчи бўлиб топган мамлакат нафақат миллий иқтисодиётини ривожлантириш, балки геосиёсий координаталарнинг янги тизимини шакллантириш учун ҳам барча шароитларга эга бўлади.

Халқаро муносабатларнинг янги тизимини ривожлантиришнинг яна бир омили ички ва халқаро, минтақавий ва глобал *можаролар* ўртасидаги чегаранинг йўқолиши ҳисобланади. Бир томондан, ушбу вазият давлатларни низоли тенденциялар ва мавжуд можароларга қарши ҳаракат қилишнинг жамоавий шаклларини тезлик билан топшига ундайди. Иккинчи тарафдан, вазиятни тартибга солиш бўйича жаҳон ҳамжамятининг самарали бирлашган фаолияти етарли даражада бўлмаганда ушбу можаролар

ва конфликттоген вазиятлар зиддият сабабини (у қандай бўлмасин) ҳал қилиб бўлмайдиган қарама-қаршиликка олиб келиб, давлатлар, халқлар, сиёсий кучлар, конфессиялар ўртасида ажралишни кучайтиради.

Бунинг оқибатида минтақавий экстремизм, этник тоқат қилолмаслик, қурол-яроғ тарқалиши, шу жумладан, ядровий, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар тарқалиши, шунингдек, экологик кризис кўринишидаги минтақавий ва глобал хавфсизликка потенциал таҳдидларнинг мавжуд бўлиши тайин.

Агар муносабатлар қатъий равишда ҳуқуқий асосга қурилганда эди, халқаро муносабатлар дунёсида “ўйинчи” синдромининг салбий кўринишлари оз бўларди.

Бу янги ҳақиқат эмас, аммо, афсуски, айнан унинг вақти-вақти билан рад этиб турилиши дунёни яна ва яна ўйин майдонига айланишига олиб келаётир.

Ҳар қандай компьютер стратегияси ўйини каби ўта мураккаб тузилишли сюжет чизикларига қурилган янги таҳдидларга қарши геосиёсий курашга киришиши муайян руҳий қарамликнигина келтириб чиқармайди. Бундай ўйин бу курашни ҳаётдан йироқлаштиради, унинг натижаларига нисбатан манфаатдорликдан маҳрум қилади. Бинобарин, бундай ёндашув негизида фанатизмни ёки “йўқотадиган нарсаси йўқ”ларни енгиш амримаҳол. Шунингдек, моддий-молиявий ресурслар билан тажовузнинг руҳий базасини озиклантириб, бузгунчи кучларнинг шундай тоифаларини бошқаришни ўрганиб олганлар жиноятларини бартараф этиш ва улар билан курашиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, дунё глобал ижтимоий ҳалокат ёқасида турибди, бунинг аёнлигига қарамай, у ҳеч ким кутмаган пайтда қўққисдан юз

бериши мумкин. Террорчиликка қарши иттифоқ тарқаб кетади, терроризмга муносабат яна турлича мазмун касб этади. Янги дўқ-пўписали чиқиш ва таҳдидларни бартараф этиш борасидаги мамлакатларнинг глобал ҳамкорлиги оқсаб қолади. Фақат минтақавий ва минтақалараро доирада биргаликда ҳаракат қилишни кучайтиришга умид боғлашгина қолади. Бу ҳамкорлик дунёни ижтимоий-сиёсий силкинишлар гирдобини ва бўлиниб кетиш хавфига дучор қилувчи глобал муаммолар билан курашда мамлакатларнинг янгидан бирлашувига асос бўлиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ташқи сиёсат масалаларининг (вазифаларининг) векторларига таъриф беринг.
2. Ташқи сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда ифодаланади.
3. Дипломатия – ташқи сиёсатнинг асосий механизми сифатида.
4. Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви.

Адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т., Ўзбекистон, 1996.
4. Турсунов А.С. Конституционные основы внешней поли-

тики Республики Узбекистан – Автореф. дисс. на соиск. степ. д.п.н. – Ташкент, 2002.

5. Современные международные отношения. / Под ред. А.В.Торкунова. – М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2000. – С.70–93.
6. Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. – М.: Логос, 2002, – С.38–39.
7. Косолапов Н. Внешнеполитическое сознание: категория и реальность // Мировая экономика и международные отношения. – №9, 1999. С.8.

1.2. Глобализациянинг ижтимоий муносабатларга таъсири

Кўп қамровли байналмилаллашув ва глобаллашув давлатлар ҳамкорлиги ҳамда биргалашиб ҳаракатланишнинг турли шакллари вужудга келиши, халқаро муносабатларнинг янги турлари ва муносабатларнинг янги сифатлари пайдо бўлиши шароитида турли мамлакатлар халқаро сиёсий тизимнинг кўп қутбли жойланишида ўз ўрнини белгилаб олмоқда.

Учинчи минг йиллик оралигида халқаро муносабатлар тизими ёки Ғарб адабиётида аталаётганидек, халқаро тизим (International System) ўз ривожланишининг сифат жиҳатдан янги фазасига кирди. Унинг ҳозирги дунёга таъсири инқилобий деб тавсифлаш мумкин. 1945–1990 йилларда мавжуд бўлган «совуқ уруш» давридаги халқаро тизим ёки Ялта–Потсдам тизими ном-нишонсиз кетди. Ялта–Потсдам тартиби ўрнига келадиган янги халқаро тизим туб ўзгаришларнинг гирдобли жараёнини бошидан кечирмоқда. 1980 йиллар охири 1990 йиллар бошини қамраб олган вақт давомида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг тугаши, социалистик лагернинг қула-

ши, собиқ СССРнинг тарқаб кетиши, Евроосиё қитъасида ўнлаб янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши сингари бутунжаҳон-тарихий аҳамиятга молик воқеалар содир бўлди. Халқаро тизим актёрларининг миқдор ва сифати, улар муносабатларининг модели ва ўзини тутиш қоидалари бир неча йил ичида ўнлаб йиллар давом этган «совуқ уруш» давридан кўра анча чуқур ўзгаришларни бошидан кечирди. Дунё тартиблиликдан кўра тартибсизлик, можароларни тартибга солиш стратегиясидан кўра можаролар билан тавсифланади.

Шундай қилиб, ҳозирги халқаро тизим эндиликда тамомила янги характер белгиларига эга:

1. Миллий давлатлар аввалгидек унинг бош актёри ҳисобланади, ҳатто бу ўринда гап интеграция даражасига қарамасдан, аммо ихтиёрийлик шартли билан давлатнинг турли давлатлараро минтақавий, минтақалараро ва глобал ташкилотларда иштироки ҳақида бораётган бўлсанда. Сиёсий ҳокимият ҳудудий мустақиллик тамойили асосида халқаро ҳуқуқнинг бошланғич субъектлари бўлиб қолаётган алоҳида давлатлар ихтиёрида сақланади. Бироқ кўпайиб бораётган глобал муаммоларни ҳал қилишда уларнинг қурби пасаяди. Европа ва Осиёнинг улкан кенгликларида «реал социализм» ғояси ва амалиётининг барбод бўлиши шунга олиб келдики, коммунистик утопия (хаёлот) ўрнини давлат–миллатни яратиш концепцияси эгаллади. Миллат, миллий қурилиш ғояси қирқ ёки етти миш йил давомида тоталитаризм зулми остида қолган жамятлар учун тенглаштириш объекти бўлиб хизмат қилади. Миллатчилик бу жамятларда асосий куч ролини ўйнайди.

2. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар (ХХТ) каби халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ) сонининг ҳам ўсиб бориши. Халқаро ташкилотлар сиёсий, иқтисодий ва социал соҳаларда давлатларнинг ўзаро боғлиқ манфаатлари

ортиши туфайли зарур бўлган халқаро тизимни бошқаришнинг алоҳида шаклини яратади. Халқаро ташкилотлар трансчегаравий, сиёсий жараённинг институционал доирасини шакллантиради, унда кўп сонли давлат ва ҳамжамиятлардан давлат ёки нодавлат актёрлар иштирок этишади. ХХТ иккиламчи ва сунъий бўлса ҳам, улар халқаро ҳуқуқнинг бирламчи давлатлар томонидан тuzилган халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланади. ХНТ халқаро хусусий ҳуқуқнинг институтидир. Умуман, ХНТ сиёсий соҳада давлат буткул ва тўлиғича ўзига ололмайдиган бошқарувнинг маълум функциясини ўз зиммасига олади.

3. Халқаро тизимдаги қарама-қаршилик глобаллашув билан бир вақтнинг ўзида кечган номарказлаштириш, минтақалаштириш ва кўп қутблилик жараёнларида намоён бўлади. Шарқ ва Ғарб зиддияти конфигурацияси унинг биполярлиги билан бирга, энди халқаро тизим учун структура белгиловчи бўлмай қолди. Кучларнинг янги минтақавий марказлари ташкил топди. Энг муҳим минтақавий давлатлар сифатида Япония ва Германия, шунингдек, Хитой ва Бразилиянинг кўтарилишида кўп қутблилик намоён бўлмоқда. Минтақавий гуруҳлар ва халқаро ташкилотлар (Россия, Европа Иттифоқи, НАФТА, Ислом Конференцияси ташкилоти, АСЕАН ва «Катта етилик») халқаро тизимда давлатлар билан бирга етакчи актёрларга айланмоқда.

4. Халқаро тизимда қарама-қаршилик марказининг Шарқ-Ғарб нисбатидан Шимол-Жануб ўқида кўчиб ўтиши, содда қилиб айтганда, бой Шимол билан, камбағал Жануб ўртасидаги можаро (ихтилоф) индустриал ва ривожланаётган мамлакатлар ривожининг мутлақо турлича сиёсий, иқтисодий ва маданий имкониятларига асосланади. «77 лар гуруҳи»га бирлашган, ўзида 120 дан ортиқ давлатни қамраган ривожланаётган мамлакатлар катта гуруҳи ичида

табақаланиш жараёни юз бермоқда. Унда ОПЕКга тегишли, сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган бир неча анча бой (бадавлат) ва ривожланаётган мамлакатлар ва «янги индустриал мамлакатлар» ажралмоқда. Иккинчи томондан, ривожланган ва ривожланаётган, бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги фарқ катталашиб бормоқда.

«Совуқ уруш» тугагандан сўнг Шимол-Жануб ўқидаги кескинликнинг кучайишига кўп жиҳатдан цивилизация омиллари сабаб бўлди.

5. Шарқ ва Ғарб можаросининг тугаши «куч» тушунчасининг мазмун ва ўлчамида драматик бурилиш ясади. Кучнинг мумтоз белгилари (давлат ҳудудининг ўлчамлари, аҳолисининг сони, унинг геосиёсий ҳолати, қуроли кучлари сони ва ш.к.) ва давлатнинг ҳудудий мустақиллиги кўп жиҳатдан энди ўз аҳамиятини йўқотди. Ғарб сиёсий фикри илмий муомалага «сезиларли куч» ва «сезилмас куч» тушунчаларини олиб кирди. «Сезиларли куч» категорияси ўз ичига юқорида қайд этилган анъанавий куч белгиларини олади. «Сезилмас куч» категорияси илмий-технологик база, иқтисодиётнинг саноат ва молиявий қуввати, валюта, инсон бойлиги (капитали), ижтимоий хавфсизлик кафолати, давлатнинг сиёсий ва ижтимоий тузилишини ҳимоя қилишда аҳолининг сафарбарлик лаёқати сингари гўёки бир қарашда кўриб ва сезиб бўлмайдиган давлат қудратининг белгиларидан иборат. Кучнинг ушбу янги ўлчамлари давлатнинг ўрни, мақоми ва қудратини аниқлашда янада катта аҳамият касб этмоқда.

6. Дунё тизими «турларнинг айнаи бир пайтда бўлиши» («баравар юз бериши») билан, яъни тарихий давр ва ижтимоий макон каби фундаментал тушунчаларнинг айнаи бир пайтда мавжуд бўлиши ва бир-бирининг устига қўйилиши билан дуч келмоқда. «Жаҳон ўтиш жамияти»нинг ҳали етарлича аниқланмаган ва пишиб етилмаган шаро-

итларида, бир томондан, давлатлараро можароларни минтақавийлашуви ва марказдан узоқлашуви, иккинчи томондан, давлатлараро ҳарбий ва давлат ичкарисидаги ижтимоий-сиёсий можароларнинг чатишиб кетиши юз бермоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига бирлашган Евроатлантика маконининг саноати ривож топган мамлакатларда Шарқ ва Ғарб можаросининг бартараф этилиши натижасида тинчлик барқарор ва хавфсиз бўлган бир вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида беқарорлик ва кўтарилишлар кескин ортди. Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ёнма-ён бориши ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг сақланиши, чатишиб кетиш ва табақаланиш, қисмларга ажралиш (фрагментизация) ва марказдан узоқлашиш, яқинлашиш ва бегоналашиш, мустақиллик ва ўзаро боғлиқлик халқаро тизим учун характерлидир.

Ҳозирги халқаро муносабатлар тизимининг асосий тенденцияси – унинг байналмиллаллашувидир. Замонавий байналмиллаллашув нафақат халқаро алоқа ва алмашинувларнинг турли-туманлиги ҳамда ҳажмларнинг кенгайишида, фаолиятнинг янги соҳаларига уларнинг тарқалишида акс этади, балки халқаро ҳамкорликнинг (иттифоқлар, битимлар, ташкилотларнинг) мустақил, барқарор, мавжуд ва давлатдан автоном (мухтор) равишда ҳаракат қилувчи шакллари ҳам туғдиради. Фаолиятнинг мақсадлари, соҳа ва йўналишлари шаклланимоқда, фақат халқаро ҳамкорлик бўлгандагина улар амалга ошириши мумкин; ҳатто иқтисодий етакчи мамлакатларнинг фаровонлиги ва ривож топиши ташқи бозор ва алоқаларга боғлиқ бўла бошлайди. Байналмиллаллаштириш воситалари, унинг ҳаракатланувчи кучлари ўзгармоқда: ҳозирги пайтда у, асосан, иқтисодий ва илмий техник омиллар таъсири остида ривожланмоқда. Ишлаб

чиқарувчи кучлар, иқтисодий алоқалар, технологиялар, илм ва техника ривожланиши билан байналмиллаллашув жараёнлари ўзини кучли ва аҳамиятли кўрсатган жойда соҳалар ўзгармоқда.

Йирик сиёсий жараёнларга олинган натижалар бўйича жиддий, барқарор ва ишончли таъсир кўрсатиш, уларни бошқариш мақсадида самарали қўшилиш зарур. Халқаро барқарорлик йўналтирилган ва кутилаётган ўзгаришларнинг башорат қилинган жараёни сифатида фақат шундай ўзгаришларнинг иштирокчилари учунгина мумкин бўлади. Халқаро ҳаёт ва унинг муҳим жараёнларидан ўзини четга тортиш жаҳон иқтисодиёти, сиёсати ва тараққиётида мамлакатнинг ўрни, роли ва мавқеини йўқотиш эвазигагина мумкин бўлади.

Ниҳоят, халқаро ҳаётнинг сифат жиҳатидан янги ҳодисаси – алоҳида давлатлар – субъектлар томонидан ер шари, дунё иқтисодиёти ва сиёсати миқёсида ўз ҳаётий фаолиятларини амалга ошириш имкониятлари ва эҳтиёжларига эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув асосий белги сифатида муайян муаммо ёки фаолиятни тезкорлик билан глобал даражага чиқаришни кўзда тутди. Шу билан бирга, бундай фаолият иштирокчиларининг таркибига кўра, байналмиллал бўлиши шарт эмас, балки битта давлат, ташкилот, фирма томонидан амалга оширилиши ҳам мумкин (шу шарт биланки, улар бунинг учун тегишли имкониятларга эга бўлмоқлари лозим).

Ҳозирги дунё нафақат турли-туман ва мураккаб, балки зиддиятли ҳамдир, унда қарама-қаршилиқлар чатишиб кетган – давлатлар ўртасида ҳам, уларнинг ичкарисида ҳам. Шунга қарамасдан, халқаро муносабатларнинг бутун тизими учун объектив асос бўлиб хизмат қилган унинг яқин сифатдаги бирлиги ҳозирги дунёнинг муҳим қонунияти ҳисобланади.

Ҳозирги халқаро тизимнинг ўтиш сифатида тавсифланиши ҳам давом этмоқда, яқин ва узоқ келажак жойлашининг турли вариантлари муҳокама қилинмоқда, шу билан бирга, халқаро муносабатлар кўплаб турли режадаги омил ва шартларнинг таъсири остида ривожланиб бориши вазиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1. С.Хантингтон “ўзаро қурашаётган етти маданий-диний цивилизациялар дунёси”нинг: хитой, япон, ҳинд, ислом, проваслав, ғарб, лотин америкаси ва эҳтимол, африка моделини таклиф қилади. Ушбу мактаб ҳозирги шароитда глобал сиёсат кўп қутбли, кўп цивилизацияли бўлиб қолди ва дунёда юз бераётган жараёнлар маданий – цивилизацион иттифоқларнинг тўқнашуви билан изоҳланади, деган шиорни ёқлайди. Иқтисодий ва технологик модернизацияларнинг йўқотилган диний ёки цивилизация жихатидан ўхшашлигини сақлаш ёки тиклашга ундайди. Бунда жаҳон майдонида янги куч ва таъсир марказларини шакллантириш учун реал шарт-шароит ва қарама-қаршиликлар манбаи намоён бўлмоқда; цивилизациялар тўқнашуви дунё сиёсатининг асосий омили бўлиб бормоқда.

Бундай хулоса янги можаролар туғилиши билан асосланади, улар кўпинча этномиллий бўёққа эга ҳамда уларнинг жўғрофияси мусулмон ва христиан цивилизациялари ўртасида чегара чизиги билан бир-бирига тўғри келар эмиш.

Шу йўналишнинг ўзида ислом сиёсий экстремизми таҳдиди борасидаги хавотир ошиб бормоқда.

2. Таклиф қилинаётган бошқа конфигурация модели “концентрик айланалар дунёси” бўлиб, унга кўра халқаро муносабатлар келгусида “ривожланган демократик жамиятлар” ёки “масъулиятли демократиялар ҳамжамияти”ни ўзида ифода қилувчи АҚШ бошлиқ асосий давлатлар атрофида қурилади. Бу дунёда биринчи гу-

руҳни Америка Қўшма Штатларининг шериклари бўлган ЕИ ва Япония ташкил қилади, улар “асосий зонани кенгайтириш ва ҳимоялаш юки”ни Америка билан бўлишлари мумкин. Ушбу гуруҳ давлатларига ер юзи аҳолисининг 1/5 дан камроқ улуши, аммо инсоният иқтисодий потенциалининг 4/5 улуши тўғри келади.

Навбатдаги концентрик айланага мутахассислар Европа, Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ўтиш мамлакатлари”ни киритишади. Ушбу давлатларда ўтиш жараёнлари бир-биридан фарқ қилиши ва саноат ишлаб чиқариши, бозорлар, сармоя, профессионал компетенция (касбий ваколат) ва ислохотларнинг глобаллашуви яқин йигирма йил ичида ер юзининг барча минтақаларида тарқалиши шарт эмаслиги алоҳида таъкидланади.

АҚШ сиёсатшуносларининг фикрига кўра, бу мамлакатларга “эътибордан қолган” давлатлар қўшилади. Улар асосий давлатларнинг етакчилик ролини инкор қилиб, восита ва имкониятлари бўлганда, уларнинг манфаатларига зарар етказар эмиш. “Эътибордан қолганлар” (“gauge nations”) сафига асосий мамлакатларнинг сиёсий манфаатлари ва қадриятларига қарши муайян вазиятларда очиқчасига, шу жумладан, куч ишлатиш билан чиқиши мумкин бўлган Эрон, Ироқ, Ливия, КНДР ва бошқа мамлакатлар киритилади. Ушбу иттифоққа турли мамлакатлардаги айирмачи (сепаратист) ва фундаменталист гуруҳлар ҳам мансуб.

Ушбу схема (чизма) марказидан узоқда жойлашувни ўз ҳудудларида локал жамоат тартибига ўхшаш тартибни ўрната билмаган ва ўз фуқароларининг оддий эҳтиёжларини қондира олмаган “омадсиз” мамлакатлар (“failure nations”) деб аталувчи давлатлар ташкил қилади. Бундай мамлакатларни кўпчилик қочоқлар тарк этишади, натижада ер юзининг йирик минтақалари чегарасида ижтимоий-сиёсий вазият беқарорлашади. “Омад-

сиз” мамлакатларга Сомали, Руанда, Зоир, Сьерра-Леоне ва қатор бошқа мамлакатлар киритилган.

3. АҚШ ва Фарбий цивилизация мамлакатлари “қолоқ дунёга қарши” шаклидаги яна бир назарий низомнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ривожланган ва барқарор “Шимол” ва янада ортда қолаётган ва беқарор “Жануб”нинг янги тузилмаси вужудга келади; улар ўртасида иқтисодий ва технологик фарқнинг ортиши муқаррар, “Шимол”нинг дунёни “қайта ўзгартириш”га интилиши шу билан изоҳланар эмиш. Бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилиқлар натижасида “Жануб”нинг бунга куч билан эришиши амримаҳол. Лекин беқарор вазият, шароити яхши зоналарга оммавий кўчиш (миграция)га уриниш, “Жануб”да иқтисодий ва техноген ҳалокатлар эҳтимоли, қашшоқликдан озиқланувчи сиёсий экстремизмнинг кучайиши дунёни доим кескинликда тутиб туради. “Шимол” учун бундай вазиятдан тубдан чиқишнинг икки йўли бор: “Жануб”дан тўсиқланиш ёки уни иқтисодий жиҳатдан барқарор даражага етказиш.

4. “Демократик дунё”нинг назарияси ва модели Фарб цивилизациясининг изоляциясига қарши ҳаракатланишнинг ўзига хос воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, унга кўра ХХI аср “тинчлик ва барқарорлик зонаси” ҳамда “тартибсизликлар ва можаролар зонаси”га бўлинади. Ушбу назария тарафдорлари демократик режимларга можароларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг ички тарафдорлиги мос (мувофиқ) келади ва айнан улар ташқи сиёсатда куч билан қўрқитишдан фойдаланишнинг ноқонунийлиги шиорини тарқатишлари лозим, деб тахмин қилади.

5. Турли характер ва миқёсдаги интеграцион жараёнлар таъсири остида давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тузилмасининг ўзгариши, яъни “геоиктисодиёт”нинг ташкил топиши янги дунё тартиби вужудга келишига

хос бўлган асосий тенденция саналади. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат ва хусусий бизнес куч-ғайратларини бирлаштириш жаҳон майдонида таъсир кўрсатишнинг “ноҳарбий воситалари”: товарлар ва хизматлар дунё бозорида операциялар ўтказиш, хоризжий сармоя қўйиш, янги тадқиқот ва ишланмалар соҳасида ҳамкорлик (ёки рақобат) ролини оширади.

Умуман, ўз жамулжамлиги билан жаҳон ҳамжамиятини янги ҳолатга олиб борувчи қатор қудратли омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин: давлатларнинг ҳарбий қудрати; «совуқ уруш»дан ғолиб бўлиб чиқиш; Шимоллий Америка, Фарбий Европа ва Шарқий Осиёда иқтисодиётнинг шиддатли кўтарилиши; трансмиллий корпорациялар ва нодавлат ташкилотлар таъсирининг ўсиши фонида давлатлар аҳамиятининг пасайиши; давлат ва халқларнинг янги шароитда янги бир хилликни қўлга киритишга интилишлари; қашшоқлик ва бойлик қарама-қаршилигининг кучайиши; ХХ асрда қарор топган дунё конфигурациясини тубдан ўзгартиришга қодир ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлаш.

Давлатнинг жаҳон майдонидаги иерархик ўрни ҳам рақамлар билан ўлчанадиган тавсифга, ҳам баҳо тавсифига эга бўлган кўплаб параметрлар билан белгиланади.

Давлат қудратининг энг умумий тавсифи – ялпи ички маҳсулот, аҳоли, худуд, шунингдек, қуроли кучлар сонидир (энг аввало, ядро қуролиларини қўшганда). 1990 йилларда этник, диний заминдаги турли қуроли можароларнинг кўплигига қарамай, дунё сиёсатида молиявий-иқтисодий ва савдо-иқтисодий муаммолар устун мавқеда бўлгани умумэътироф қилинган эди. Ҳозирги пайтда халқаро терроризм, оммавий қиргин қуролиларининг тарқалиши каби муаммоларнинг аҳамияти ошди, дунё сиёсатида ядро омили яна долзарб бўлиб қолди. Терроризм

сингари омилнинг аҳамияти сезиларли ўсиб бормоқда. Худуднинг катталиги давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини оширади, қишлоқ хўжалиги учун кенг майдон беради, трансдават транспорт йўлаклари учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва шу қабилар учун кўшимча имконият яратади.

Дунёда кучайиб бораётган стратегик мавҳумлик, беқарорлик етакчи куч марказларига нисбатан “текис векторлилик”, узоқ муддатли у ёки бу дунёвий ёхуд минтақавий куч марказларига киришдан узоқда туриш, айна пайтда улар ва бошқа давлатлар билан имкони борича ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли мазмундаги шериклик муносабатларини кучайтириш каби ташқи сиёсат стратегиясини сақлаш ва ривожлантириш муҳимлигини исботламоқда.

Интеграллашув жараёнларини аниқлаштириш ва тунунтириш борасидаги турли назарий концепциялар кўпинча биргаликда мавжуд бўлиб, бир-бири билан ўзаро таъсирда бўлади. Бироқ, асосий масала ҳануз кун тартибда турибди: минтақавий интеграциянинг кучайиши глобал эркин савдо мақсадига яқинлашишга лаёқатлими? Жаҳон иқтисодиётининг глобал тартиби глобаллашув ва минтақавийлашув жараёнларининг бирга мавжуд бўлиши ҳамда ҳаракатланишига йўл беради.

Минтақавий даражада ҳам, глобал даражада ҳам институционаллашув мавжуд. Масала шундаки, ушбу даражалар қандай қилиб бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлиши ва бир-бирини кучайтириши ёки ўзаро зиддиятга киришиши мумкин. Балки, глобал тартиб ичидаги маҳсулдор минтақавий шерикликни (хавфсизлик соҳасида ҳам сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик) “минтақалараро глобаллашув” сифатида белгилаш мумкиндир. Минтақавий ташкилот ва коалация айрим муаммоларнинг алоҳида

билим ва тажрибаларидан, минтақа ичидаги катта легитимлиликдан фойдаланиб ва намоён қилиб, глобал ташкилотлар юқини сезиларли даражада бўлиши олишлари мумкин. Аммо глобал ташкилотларнинг алоҳида сиёсий легитимлиги туфайли ва улар хавфсизлик чақириқларига минтақадаги давлатлар самарали жавоб беришга қурби етмаган ёки бу масалада сиёсий бетараф бўлган ҳолатларда экстрарегионал аралашув тизимини ўзида ифодалагани учун минтақавий ташкилотлар глобал ташкилотларсиз фаолият кўрсата олмайди.

Глобаллашувнинг энг катта муаммоси “ким ютиб чиқади?” деган савол билан боғлиқ. Устунлиқнинг катта қисмини амалда бой давлатлар ёки индивидлар қўлга киритади. Глобаллашув самарасининг нотекис тақсимланиши минтақавий, миллий ва байналмилал ҳамда умумжаҳон миқёсда можаролар хавфини туғдиради.

Баъзи тадқиқотчилар даромадларнинг глобал конвергенцияси ҳақида гапирмоқдалар. Улар бу борадаги фикрларини қашшоқ давлатларнинг иқтисодиёти ўзиб кетган ҳолда, яъни янада юқори суръатлар билан ривожланаётганлиги билан далиллайдилар. Ҳақиқатда эса ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қоқоқ мамлакатлар иқтисодиёти бой давлатларникидан кўра анча паст суръатлар билан ривожланаётган пайтда, тез ўсиш фақат Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларининг (“Осиё йўлбарслари” деб аталувчи) кам сонли гуруҳи учунгина хосдир. Уларнинг глобализациядан оладиган фойдаси жуда кам, кўпинча эса нолга тенг.

Натижада нафақат даромадларнинг конвергенцияси ва тенглаштирилиши, балки уларнинг қутбланиши ҳам мавжуд.

Глобаллашув туфайли тез ўсиш билан ривожланаётган мамлакатлар бой давлатларга айланади, қашшоқ мамлакатлар улардан янада кўпроқ ортда қолади. Дра-

матик тарзда ўсиб бораётган даромадлардаги фарк қашшоқ мамлакатларда норозилик келтириб чиқаради, бу халқаро можароларга олиб келиши мумкин. Сўнги 15 йилда аҳоли жон бошига даромад 100 дан ортиқ мамлакатларда пасайган, аҳоли жон бошига талаб 60 дан зиёд мамлакатда қисқарган. (Ривожланган мамлакатларда яшаётган деярли 5 млрд. киши орасида 3/5 қисми энг паст санитар меъёрларга мос келмайдиган шароитда яшади, 1/3 қисми тегишли ичимлик сувидан маҳрум, 1/5 қисми эса тўйиб овқатланмайди). “Афзалликларни адолатли тақсимлаш” жаҳон иқтисодиётини глобаллаштиришнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Аммо бу муаммо, афсуски, ягона эмас.

Бошқа бир муҳим муаммо миллий иқтисодиётларнинг умумсайёра даражасидаги ўзаро боғлиқлиги туфайли юз бериш имконияти юқори минтақавий ёки глобал беқарорлик билан шартланган. Бир мамлакатдаги иқтисодий силкиниш ёки бўҳрон минтақавий, ҳатто, глобал оқибатларга эга бўлиши мумкин. Дунё бўйича сустлик ёки депрессия популистик чақириқларни келтириб чиқаришга, глобаллашув боришида қарор топган ўзаро боғлиқлик ва алоқаларни узиб юборишга қодир. Натижада иқтисодий урушга айланиш хавфи бўлган иқтисодий можаро, ҳатто ҳарбий-сиёсий тўқнашув келиб чиқиши мумкин.

Айрим мамлакатлар иқтисодиётини назорат қилиш мустақил ҳукуматлар ихтиёридан энг кучли давлатлар, кўп миллатли, глобал корпорациялар ва халқаро ташкилотлар қўлига ўтиши хавфи ҳам мавжуд. Шу боис, баъзи сиёсатшунослар глобаллашув ҳодисасида миллий суверенитетдан ажралиш хавфини кўрмоқда. Шу сабабдан глобаллашув миллий давлатлар етакчиларида унинг кучи қаршисида ожизлик ҳиссини туғдириши, оддий фуқароларида эса уни ёқтирмаслик туйғуси уйғотиши мумкин.

Бу каби кайфиятлар протекционизмга чорловчи ксенофобия ва миллатчиликни қайта туғдириши, экстремистик сиёсий ҳаракатни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, жиддий можароларнинг юз беришига кучли сабаб бўлади. Кўпинча иш ҳақи юқори бўлган иқтисодий ривож топган мамлакатлардаги ишсизликни глобаллашув тўсиқ бўладиган ҳодисалар қаторига киритишади. Аммо, эътироф этиш лозимки, бу каби фикрларни уларнинг кўпчилигида ишсизликнинг паст меъёри ва иш ҳақи паст бўлган давлатларда ишсизликнинг юқори даражаси инкор этади. Ҳақиқатда эса бандликка ҳукумат сиёсати ва технологик жараён глобаллашувнинг бошқа омилларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади.

Глобаллашув кенгайиб боришига баъзан унинг ижтимоий фаровонликка хавфи туғрисидаги афсоналарни боғлашади. Бироқ ижтимоий фаровонлик даражасига мутлақо бошқа таъсирлар – солиқ сиёсати, демографик тенденциялар анча кўпроқ таъсир этади. Шу билан бирга, кейинги вақтларда кўпчилик ривожланган мамлакатларда ўрта синфнинг фоиз улуши камайиб бораётганини аниқ далил сифатида инкор этмаслик керак.

Ниҳоят, глобаллашувдан кўпинча муайян давлатларнинг ташқи сиёсатидаги муваффақиятсизликларни оқлаш учун фойдаланилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро муносабатлар тизимида халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти.
2. Ҳозирги халқаро муносабатлар тизимида байналмилаллашув.
3. Ҳозирги халқаро тизимнинг белгилари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. - Т., Ўзбекистон, 2002.
4. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
5. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.
6. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.
7. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. - СПб.: Питер, 2005

1.3. Халқаро муносабатлар ривожланишининг минтақавий омили

Жаҳон тараққиётининг энг эътиборга молик тенденцияларидан бири - иқтисодий мега-иттифоқларининг ташкил топишидир. ГАТТ/БСТ (ВТО)нинг XXIV моддасида анъанавий миллий давлатдан “юқори” ва жаҳон бозоридан “қуйи” бўлган минтақавий иқтисодий блоклар, божхона иттифоқлари ва эркин савдо ҳудудлари тузиш мумкинлиги кўзда тутилган. Шу сабабли миллий, аввало, иқтисодий интеграция қайси шаклда амалга ошиши мумкинлиги асосий масала ҳисобланади.

Минтақавий моделларнинг мураккаблиги буюк давлатлар ва таъсир доиралар ҳақидаги анъанавий тасавурлар билан осонгина аниқланиши мумкин эмас. Шун-

дай бўлсада, минтақавийлашув ва давлатларнинг янада кенг баланси ўртасидаги муносабат муҳим момент бўлиб қолмоқда, аммо энди бу давлатларнинг мумтоз баланси эмас, бундай тартиб ҳозирги жаҳон ҳамжамияти дуч келган чақириқларга мос келмайди. Айни пайтда асосий давлатлар ўртасидаги барқарор ва келишиб олинган тушунчалар доираси ва ушбу давлатларнинг алоҳида минтақавий манфаатларининг эътироф этилган айрим томонлари ҳам глобал, ҳам минтақавий барча халқаро институтлар иш кўришининг зарур таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Бундай вазиятни назар-писанд қилмаслик ушбу институтлар учун улар самарадорлигининг барбод бўлишини англа тади.

Европа Иттифоқи. ЕИ мисолида бирлашиш ва қисмларга ажралиш, мос тушишни кузатиш мумкин. Шу билан бирга, халқаро тартибнинг шаклланиши жараёнида бирлашиш ва қисмларга ажралиш, уларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши, бир-бирини тўлдириш ва модефикацияларининг мувофиқ тушишини кузатиш мумкин.

Ушбу жараённинг ўзига хослиги шундан иборатки, агар ўтмишда дунёдаги минтақавий интеграциянинг иштирокчилари миллий давлатлар, яъни халқаро муносабатларнинг халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган суверен субъектлари бўлган бўлса, энди ЕИда минтақа давлатлари - аъзолар минтақавий ҳамкорликнинг субъектлари бўлишмоқда. Европа контекстида минтақа - маъмурий мақсадлар учун тегишли мақом билан ажратилган, марказий ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида оралиқ мавқени эгаллаган ҳудуддир. У яна этник, тарихий, лингвистик ўзига хосликлар билан белгиланган сиёсий индивидуалликка даъво қилувчи ёки ҳар икки таснифларга жавоб берувчи ҳудудни ҳам билдириши мумкин. Шундай қилиб, Европа минтақавийлашуви ўзининг хусусиятларига эга ва ЕИдаги интеграция жараёнлари

билан чамбарчас боғланган. Худди мана шу жараёни 1990 йиллар бошида ривожланиш учун кучли туртки олган “янги” минтақавийлашувнинг намоён бўлишига киритиш мумкин.

Европа Иттифоқи модели кўп жиҳатдан ноёб, у бирорта ҳам халқаро бирлашмага хос бўлмаган қатор хусусиятларни ўзида мужассам этган.

Европа Иттифоқи минтақавий ташкилот ҳисобланади, яъни у Жўрфий яқин жойлашган миллатларнинг интеграцион боғланиши ва бирлашиши орқали амалга ошган халқаро давлатлараро ҳамкорликнинг ўзига хос шакли сифатида энг юқори даражада минтақавийлашув кўринишини ўзида ифода этади. Миллий манфаатлар, ижтимоий-сиёсий тизимнинг ўхшашлиги, ривожланиш даражасининг мувофиқлиги ва мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро тўлдириб борилиши, маданият, тил, тарихий анъаналар ва диннинг уйғунлиги бундай ҳамкорликнинг шартли ҳисобланади. ЕИ ушбу барча таркибий қисмлар мавжудлигини намоёниш этмоқда. Жўрфий яқинлик билан бирга, баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда, бозор иқтисодиётига ўтган ва демократик ижтимоий-сиёсий тизим қуришга эришган Ғарбий Европа мамлакатларининг чуқур маданий-тарихий алоқаси ушбу Иттифоқ асосида ётади. Аммо Иттифоқнинг расмийлашув жараёнини осон деб бўлмайди. Ушбу бирлашманинг ҳал қилувчи актёрлари Европада азалдан рақиб бўлган Германия ва Франция эди. Улар иқтисодий ва сиёсий тизимларининг бутун ўхшашликлари билан ҳам узоқ вақт асосий нарса – манфаатлар умумийлигига эриша олмади. Ушбу сўнгги тўсик бирмунча кечроқ, фақат XX асрнинг 50-йилларидагина енгиб ўтилди, натижада Европа Иттифоқини тузиш имконияти ҳам юзага келди.

ЕИ – энг институциялаштирилган интеграцион бирлашма, унинг миллий институтлари фаолиятининг таш-

кил қилиниш даражасини давлат аппарати механизмига тенглаштириш мумкин. ЕИда ҳозирги ҳар қандай давлат учун хос бўлган нафақат ҳокимият органлари (қонунчилик, ижро ва суд), балки илгари мутлақо миллий давлатлар ваколатига кирувчи соҳаларда ҳам ҳамкорликни мустақамланишидан далолат берувчи қатор бошқа институтлар ҳам иш юритади. Европа Иттифоқи тегишли институтларининг ваколати масаласи аввалгидек долзарблигича қолмоқда, аммо тенденция маълум – уюшма ташкил топган кундан бошлаб, улар доимий равишда кенгайиб бормоқда.

Дастлабки икки тавсифдан келиб чиққанда, минтақавий интеграллашув масалаларини назарий ўрганиш Ғарбий Европада ривожланганлиги далили анча мантқиқли туюлади. Европа қурилмасининг ривожланиш йўллари ва бўлиши мумкин бўлган моделлар турфа хиллиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради. Ушбу жараён ривожининг тугалланиш вариантларидан бири Европа Федерацияси, яъни ягона давлат тузиш бўлар эди. Бугунги кунда бирон-бир бошқа регионал уюшмага нисбатан узоқни кўзлаган бундай оптимистик башоратни, ҳатто назарий жиҳатдан қилиш қийин.

Амалиётда эса ягона валютага ўтиш билан иқтисодий интеграллашувнинг энг юқори босқичига эришилди. Ва кун тартибида Европа ҳамкорлигининг иккита бошқа «таянчи» – ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати, ички ишлар ва одил судловни мустақамлаш қолмоқда.

Айнан Европа интеграцияси доирасида ички минтақавийлашув жараёни вужудга келади ва ривожланади. Бу мутлақо ғарбий европача феномен бўлиб, унинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва зарурияти фақат иттифоқнинг ички интеграллашуви юқори даражада мавжуд бўлган тақдирда бўлиши мумкин. Бу жараён алоҳида қизиқиш

уйғотади, унга муносабат жуда хилма-хил, унинг оқибатларини эса олдиндан айтиш қийин. Бу ўринда Европа миллий давлатларининг таркибий қисми сифатида минтақалар тўғрисида сўз кетмоқда. Улар мухтор қарорлар қабул қилиш имконига эга бўлиш ва умумевропа даражасида ўз манфаатларини ифодалаш борасида янада кўпроқ хоҳиш билдирмоқда. Бир томондан, давлатлар кўпинча уларнинг талабларига пешвоз чиқади, иккинчи томондан эса Европа Иттифоқи минтақавий муаммоларни ечиш ва муҳокама қилиш учун бундай интилишларни рағбатлантиради ҳамда махсус органлар ва инструментлар ташкил қилади. ЕИнинг минтақавий сиёсати ва минтақалар қўмитасининг мавжудлиги юз бераётган жараёнлар муҳимлиги ва унинг ҳақиқатда институциялашуви тан олинаётганини билдиради. Шу билан бирга, Европада минтақавийлашув келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатлардан катта хавотирлик ҳам мавжуд. Европа Иттифоқи, айниқса, унинг харитасини янада ранг-баранг қилувчи навбатдаги кенгайиш туфайли минтақаларга нисбатан янги стратегия ишлаб чиқиш зарурати олдида турибди. Европа минтақавий интеграллашувидаги тўсиқ – миллатчилик ва турфа хилликдир. Миллатчиликти, биринчидан, маданий бирликни сиёсий жиҳатдан расмийлаштиришга интилиш сифатида, иккинчидан, давлат тузувчи этнослар миллатчилиги сифатида тушуниш мумкин. Агар биринчи ҳолатда у интеграциянинг стимулятори сифатида майдонга чиқиши мумкин бўлса, иккинчисида эса, бу далиллар билан ҳам тасдиқланиши мумкин, у ҳақиқатан интеграцион жараёнлар ривожига жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шуниси қизиқки, миллатчилиكنинг биринчи шакли узоқ вақт иккинчи ҳолатнинг борлиги билан тавсифланиб келинган мамлакатларда, айниқса, фаол кўрина бошлади

(Франция ва Буюк Британия). Хилма-хиллик ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳада намоён бўлади. Масалан, Европа мониторинг иттифоқи белгиланган нархлар қайд қилинган ва марказий банкларнинг мавқеига муносабатда турли анъаналар ва устуворликларга дуч келди, умумий ижтимоий сиёсатдаги келишув жараёни қийин кечмоқда, минтақавий сиёсат доимий равишда шимоллий ва жанубий мамлакатларнинг иқтисодий тўқнашувларини бошидан кечирмоқда. Бугунги кунда мана шу қийинчиликларнинг барчасини минтақалар даражасига кўчириб ўтказиш мумкин. Минтақаларнинг ривожланиш даражасидаги катта фарқ билан интеграция жараёнларига қатнашиш муаммоси фавқулодда долзарбдир.

АҚШ Конгресси томонидан қийинчилик билан ратификация қилингани ва Мексика, Канаданинг қонунчилик ҳокимияти томонидан маъқулланганидан сўнг 1994 йил 1 январда кучга кирган НАФТАнинг эркин савдо тўғрисидаги Шимоллий Америка битими институционал минтақавий, ҳатто ундан ҳам кўра континентал иқтисодий зона таъсис этди. Бир вақтнинг ўзида АҚШ ва Канада ўртасидаги эркин савдо тўғрисидаги битимни (1988) тасдиқлаган ва сақлаган ҳолда, янги битим ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 6,3 трилл. долларга тенг, аҳолиси 370 млн. кишини, дунё экспортидаги улуши 20%ни ташкил этган улкан умумий бозорни яратди. НАФТА ГАТТ/БСТ тамойиллари ва қоидаларига зид тушмай мувофиқ келишни, глобаллашувга қўйилган қадам сифатида минтақавий ҳамкорликка чақиришни зътиборга олиб, ўзида «очиқ» минтақавийлашувнинг муайян типини ифода этади. Айни пайтда келишув (битим) амалда очиқ минтақавийлашувнинг анъанавий концепциялари чегарасидан чиқиб кетади, негаки, мутлоқ иқтисодий масалаларга диққат қаратиб қолмайди, балки бутун ярим шар доирасида алоҳида сиёсий ва иқтисодий муаммоларни кўриш-

ни назарда тутати. НАФТАни эса меҳнат, эмиграция, экология ва инсон ҳуқуқлари масалаларидан ажратишнинг имкони йўқ; товарлар, сармоялар, инвестицияларнинг оқиб келиши, ўзи билан бирга ижтимоий подтекстларни ҳам олиб келади. НАФТА – минтақавий савдо бўйича шериклар ўртасида бирор-бир замонда ҳамда ривожланаётган ва саноати ривож топган мамлакатлар ўртасида илк бор эркин савдо тўғрисида ҳар томонлама тузилган пактдир. Шартнома асосига қўйилган товарлар ва хизматлар билан савдо қилиш либерал тартиби, ташқи иқтисодий фаолиятни кўп тамондан қамраб олиш кенглиги, мунозараларни ечишнинг ишончли механизми ва бошқа қатор қоидалар бошқа кўплаб минтақавий битимлар орасида ушбу бирлашмани ажратиб туради ҳамда АҚШ фикрига кўра, уни самарадорлик жиҳатдан БСТ (ВТО)дан устун қўяди. Ҳарбий ярим шардаги минтақавий конфигурация жуда мураккаб, аммо, шубҳасиз, марказида АҚШ турган “ўзаро боғлиқлик мажмуа”ни ўзида акс эттиради. Америка давлатлари уюшмаси (АДУ)нинг мувофиқлаштирувчи роли билан Америка эркин савдо зонаси (АЭСЗ) тўғрисидаги кўп томонлама келишув орқали НАФТАнинг Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси томонга келгусида кенгайиши, чуқурлашуви, бирлашувининг кучли реал имкониятлари мавжуд.

Америка эркин савдо зонаси (Free Trade Area of Americas - ФТАА) 1994 йилнинг декабрида (АҚШ, Майми) ғарб ярим шарининг 33 та мамлакати етакчилари АҚШнинг 2005 йилга бориб қитъалараро эркин савдо зонаси тузиш ҳақидаги ташаббусига қўшилди. “Америка учун ташаббус” ушбу ғояга асос бўлди, у Ж.Буш маъмурияти пайтидаёқ (1990 йил, июнь) Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётининг Лотин Америкасидаги вазиятга боғлиқлигининг кучайиши, миграция, экология,

наркотрафика каби масалаларнинг кескинлашуви натижасида шакллланган эди. Ҳозирги пайтда қуйидаги йўналишлар бўйича қарорлар ишлаб чиқиш учун 12 та ишчи гуруҳи тузилган: бозорга киришни енгиллатиш учун ислохотлар (божхона тўсиқларини йўқ қилиш, хорижий экспортчиларни камситувчи қоидаларни бекор қилиш мақсадида миллий қонунчиликка ўзгартиришлар киритишни қўшган ҳолда), савдо, инвестициялар ва хизмат сектори бўйича миллий қонунчиликни қайта кўриб чиқиш, савдони қўллаб-қувватлайдиган тадбирларни ишлаб чиқиш (божхона қонунчилиги, визага оид хизматларни ислох қилиш ва ш.к.). Аммо ФТАА доирасида қатор тўсиқлар сақланиб қолмоқда ва уларни бартараф этиш жараёни макроминтақавий ташкилотлар тузиш бўйича музокаралар тугагунга қадар чўзилиши мумкин.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик форуми (Asian-Pacific Economic Cooperation Forum - АПЕС)-АПЕКнинг ташкил этилишига қатор сиёсий ва иқтисодий омиллар: минтақанинг ўсувчан иқтисодий ривожланиши, АТРнинг иқтисодий боғлиқлигининг нисбатан ўсиши, протекционизмдан қўрқув, «совуқ уруш»нинг тугаши билан ассоциацияланадиган сиёсий ва дипломатик кучларнинг жойланишидаги ўзгаришлар, Европада умумий бозорнинг ривожланиш истиқболлари ва Шимолӣ Америкада минтақавийлашувнинг ўсишидан хавотирланиш ёрдам берди. АПЕК 1989 йилда 12 та аъзо-мамлакатлар гуруҳидан 21 аъзодан иборат блокка қараб ўсди, унга ҳозирги пайтда жаҳон ишлаб чиқаришининг 50% ва жаҳон савдосининг 40%дан кўпроғи тўғри келади. Аъзоларнинг жўғрофий миқёси ва кенглигига кўра, форумни трансминтақавий иттифоқ деб ҳисоблаш анча ўринли бўлади. У БСТ (ВТО) билан ўхшаш шартлар билан бошқа давлатларнинг кириши учун очиқ ва ҳар қандай

бошқа минтақавий иқтисодий уюшмаларга нисбатан тез кенгайиб бормоқда. АПЕК учта энг йирик иқтисодиётни (АҚШ, Япония, Хитой, уларнинг жаҳон ЯИМдаги улуши тегишлича 25%, 15%, 3% ни ташкил қилади) ва БМТнинг хавфсизлик кенгашининг доимий беш аъзосидан учта мамлакатни (АҚШ, Россия, Хитой) ўз ичига олади.

Форумнинг барча аъзолари амал қилган асосий таъмоиллар қуйидагилардан иборат: аъзо-мамлакатлар ривожланишининг турли даражасини эътироф қилиш; консенсус ва маслаҳатлашувларга асосланган жараёнларнинг босқичма-босқичлиги; ГАТТ/БСТ (ВТО) таъмоилларига мувофиқлик; «очиқ минтақавийлашув» ва «қатъийлик» таъмоили; уюшмага аъзо бўлмаган мамлакатлар билан маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиш. АТРдаги минтақавий ҳамкорлик диний (католиклик, ислом ва буддизм), сиёсий (турли сиёсий тизимга эгаллик), демографик ва иқтисодий хилма-хиллик туфайли қийинлашмоқда. Фарб давлатлари ва аъзо Осиё мамлакатлари ўртасидаги фарқ, айниқса, аниқ кўриниб туради ва минтақавий интеграллашувни чуқурлаштиришнинг аниқ сценарийларини кўриб чиқишга ўтилганда, Осиё давлатлари интилувчанлик ва ташаббусдан кўра кўпроқ эҳтиёткорлик ва вазминликни намойиш қилмоқда. Натижада, ASEAN, AFTA, ANZCERTA сингари қатор минтақавий иттифоқлар мавжуд бўлишда давом этмоқда⁸. Ушбу битимлар, кутилаётганидек, минтақа ичида ўз аъзолари орасида савдо ва инвестицион тўсиқларни

⁸ Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси / Association of South-East Asian Nations (Бруней, Индонезия, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Вьетнам, Лаос, Кампучия, Мьянма), 1967; ASEAN мамлакатларининг эркин савдо тўғрисидаги битими / ASEAN Free Trade Agreement (Бруней, Индонезия, Филиппин, Сингапур, Таиланд), 1992; Иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш тўғрисида Австралия-Янги Зеландия савдо битими / The Australia-New Zealand Closer Economic Relations Trade Agreement, 1983.

камайтиришга қодир бўлган даражада савдо ва инвестициялашни фаоллаштириши лозим.

Айни пайтда, АПЕК – барқарор ривожланиш, савдо ва хавфсизликнинг оддий бўлмаган муаммолари йиғиндиси билан дуч келиш ҳамдир, уларни ҳал қилиш келишилган ҳаракатларни талаб қилади. Масалан, бир томонламаликка ва савдо эркинлигига эришишда истиқболли чекланганлигини намойиш этган форум аъзолари ўртасидаги иқтисодий фарқни камайтириш учун муайян вақт зарур.

Такрорлаш учун саволлар

1. Европа Иттифоқида интеграция жараёни.
2. НАФТАнинг эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка битими.
3. Америка эркин савдо зонаси ва Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик форуми ҳақида тушунча беринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. – Алматы. 2001 N12.
4. Возжеников А.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. М., НПО «Модуль», 2000.
5. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. – N1.
6. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. – СПб.: Питер, 2005.
7. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. – Т., 2002.

1.4. Халқаро муносабатлар ва халқаро ташкилотлар эволюцияси

Бугунги кунда жаҳон сиёсатида халқаро ташкилотларнинг ролини бир вақтлардагидек кучсиз деб баҳолаш қийин. Бугунда улар жаҳон сиёсат майдонида мустақил субъектлар сифатида намоён бўлмоқда. Шубҳасиз, халқаро ташкилотлар геосиёсий ва минтақавий жараёнларда янада катта ўринга эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ҳақли равишда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади.

Биринчи халқаро ташкилотлар XIX асрнинг бошлари ва ўрталарида пайдо бўлди: Рейнда кемачилик бўйича Марказий комиссия (1815 й.), Халқаро телеграф иттифоқи (1865 й.) ва Умумий почта иттифоқи (1874). Биринчи халқаро ташкилотлар иқтисодиёт, транспорт, маданият, давлатларнинг ижтимоий манфаатлари соҳасида тузилган бўлиб, ўз мақсадларига кўра, сиёсатдан ташқари соҳада биргаликдаги трансчегаравий ҳамкорликка йўналтирилган эди. Ўша пайтларда халқаро ташкилотлар юқорида саналган ҳамкорлик турлари учун асос бўлиб хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай вазифани бажара олмаган.

XX асрнинг бошларига келиб, бундай ташкилотлар сони ўсди, бунга янада жадал халқаро ҳамкорлик жараёнларининг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Бу ҳол, ўз навбатида, бундай ташкилотларнинг яна ҳам тез ривожланиши учун замин ҳозирлади.

Ташкил бўлиб кўп турмаганини ҳисобга олмаганда, 1919 йилда тузилган Миллатлар Лигаси, шубҳасиз, сиёсий халқаро ташкилот тузишдаги биринчи қадам эди. Жамоавий хавфсизлик тамойилларига асосланган ташкилот тузиш ғоясининг ўзи Миллатлар Лигасини бугунги

халқаро ташкилотларнинг асосчиларидан бирига айлантирди. Бироқ янги жаҳон урушларининг олдини олиш учун тузилган Миллатлар Лигаси муваффақиятсизликка учради. Негаки, жамоавий хавфсизлик тамойили татбиқ қилиниш ўрнини топмади. У жамоавий хавфсизликка, қуролсизланишга, можароларни тинч йўл билан тартибга солиш ва халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилишга ёрдам бериши лозим бўлган ташкилотдан, ҳозирги инглиз тадқиқотчиси К.Арчер таърифига кўра, «бўш пўчоққа» айланди. Уни ўз манфаатларидан ташқари сиёсат олиб боришни ёки Лига мақоми туфайли бирор нарсани йўқотишни ис-тамаган мамлакатлар инкор этишди. Дунёга нафақат урушни ёқламайдиган, балки уни самарали бартараф эта олиш ҳуқуқ ва имкониятларига эга бўлган янада кучли тизим зарурлиги маълум бўлди.

Шуниси характерлики, Миллатлар Лигаси БМТга ушбу халқаро ташкилот ҳозирдаги шаклини олишига қайси бир даражада ёрдам берди. Кўпчилик экспертлар БМТ тузилиш жиҳатдан самарали бўлганлигини, чунки бунда ўз ўтмишдошининг камчиликларини ҳисобга олганлигини тасдиқлашади.

Вақт кўрсатдики, БМТ Низоми дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, шунингдек, сиёсатдан ташқари соҳада ҳамкорликни ривожлантиришнинг анча самарали ва таъсирчан воситаси эканлиги маълум бўлди.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаолияти уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўп даражада олдиндан белгилаб қўйган муайян халқаро муҳитда кечди. 1945-1990 йилларда БМТ халқаро муносабатларнинг урушдан кейинги икки муҳим омилининг ҳал қилувчи таъсири остида ривожланиб борди. Улардан бири - Шарқ ва Ғарб ўртасидаги «совуқ уруш», иккинчиси - иқтисодий ривожланган Шимол ва ортда қолган қашшоқ Жануб

ўртасидаги кучайиб бораётган можаро эди. Шу жиҳатдан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар тарихи урушдан кейинги дунё ривожининг акс этиши ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, халқаро ташкилотлар мутлақо бошқалардан ажралиб турадиган тузилмаларни ўзида ифода этмайди, чунки геосиёсий жараёнлар уларнинг фаолиятига таъсир қилади, шунинг учун ҳар қандай халқаро тузилма ушбу жараёнларнинг аксигина ҳисобланади. Халқаро ташкилотлар нисбатан узоқ бўлмаган йўлни босиб ўтар экан, XXI асрга жаҳон геосиёсий жараёнларининг тўлақонли иштирокчилари бўлиб кирди.

Ҳар қандай турдаги халқаро ташкилотларнинг шаклланиши давлатлар ўртасида туғиладиган у ёки бу муаммоларнинг ҳал қилиниши муҳимлигига асосланади. Муаммоларнинг муҳимлиги мустақил давлатларнинг ўзлари томонидан белгиланади, шундан уларнинг таснифи аниқланади, яъни мазкур муаммоларни ечишга йўналтирилган халқаро ташкилотлар ҳукуматлараро ёки ноҳукумат халқаро ташкилотлар мақомига эга бўлади.

Бугунги кунда халқаро ташкилотларнинг тинчликни сақлаш, можаро ва баҳс-мунозараларни тартибга солишдаги ролига ортиқча баҳо бериш қийин. Улар алиштириб бўлмайдиган тузилмага айланди, уларсиз ҳозирги дунёни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Глобаллашув ва интеграциялашув, ўз навбатида, бундай ташкилотларнинг мавқеини янада мустаҳкамлайди. Глобаллашув, аввало, иқтисодиёт, технология, коммуникация, фан ва транспорт соҳасидаги трансчегаравий ўзаро алоқани янада кучлилаштиришни билдиради. У, гарчи турли даражада бўлса-да, ўзаро боғлиқликнинг жамулжам тизимида деярли барча давлатлар, жамятлар, ташкилотлар, актёрлар ва шахслар гуруҳини ўз ичига олади. Буларнинг барчаси хавф-хатар ва таваккалчилик-

лар: иқтисодий, халқларнинг кўчиши, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, жиноятчилик, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқаларнинг дунёвий кўшилиб кетиши билан бирга кечади. Шу тариқа, глобаллашув кўп томонлама дипломатия аҳамиятининг ортиши ва айна пайтда унинг мураккаблашишига ёрдам берди. Халқаро муносабатларнинг жиддий муаммолари кўп давлатлар ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотларни уларни ҳал қилиш учун жалб қилади.

Ҳозирги халқаро ташкилотлар икки турга бўлинади: ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўрни муҳим ва уларнинг барчаси давлатларнинг турли соҳалардаги мулоқотига ёрдам беради.

Ҳукуматлараро ташкилотлар ҳеч бўлмаганда қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим:

– халқаро ҳуқуққа мувофиқ тузилиш. Ҳар қандай ҳукуматлараро ташкилот ҳуқуқий асосда ташкил топмоғи лозим, хусусан, ташкилот алоҳида бир давлатнинг, умуман, халқаро ҳамжамятнинг манфаатларига зарар етказмаслиги зарур;

– халқаро шартнома (конвенция, битим, тракт, протокол ва ш.к.) асосида ташкил топиш. Бундай шартнома тарафдорлари суверен давлатлар ҳисобланади, кейинги пайтларда эса ҳукуматлараро ташкилотлар ҳам шу қаторга кирмоқда (Масалан, ЕИ кўпчилик балиқ овловчи ташкилотларнинг аъзоси саналади);

– халқаро ташкилотларни тузишдан мақсад у ёки бу соҳада давлатларнинг кучини бирлаштиришдан иборат: сиёсий (ОБСЕ), ҳарбий (НАТО), иқтисодий (ЕС), валюта-молиявий (ХВФ) ва бошқалар. Аммо БМТ каби ташкилотлар қарийб барча соҳада давлатларнинг фаолияти-

ни мувофиқлаштириши лозим. Бундай вазиятда халқаро ташкилот аъзо давлатлар ўртасида воситачи бўлиб ўртага чиқади. Баъзан давлатлар халқаро муносабатларнинг энг қийин масалаларини муҳокама ва ҳал қилиш учун халқаро ташкилотга топширади;

– ҳар бир ҳукуматлараро ташкилот тегишли ташкилий тузилмага эга бўлмоғи лозим. Ушбу аломат гўёки ташкилотнинг доимий характерини тасдиқлайди ва шу тариқа уни кўп сонли бошқа халқаро ҳамкорлик форумларидан фарқлайди;

– ҳукуматлараро ташкилотлар штаб-квартирага, мустақил давлатлар ва ёрдамчи органлар сиймосида аъзоларга эга бўлади;

– ҳукуматлараро ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида умумий шаклда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мавжудлиги. Халқаро ташкилот ўз ваколатини амалга ошира олмайди, лекин мустақил халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга, яъни аъзо давлатлар ихтиёридан фарқли мухтор хоҳиш-иродага эга бўлади. Бу белги ҳар қандай ташкилот ўз фаолияти соҳасида аъзо давлатлар томонидан унга юкланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариш воситасини мустақил танлаши мумкинлигини билдиради.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган белгиларга эга бўлган халқаро ташкилот халқаро ҳукуматлараро ташкилот саналади.

Ҳукуматлараро битимлар асосида тасдиқланмаган ҳар қандай халқаро ташкилот халқаро ноҳукумат ташкилот ҳисобланади. Бундай ташкилотлар энг камида битта давлат томонидан эътироф қилинган бўлиши, аммо камида иккита давлатда ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Бу каби ташкилотлар таъсис ҳужжатлари асосида ташкил қилинмоқда ва ҳозирги пайтда дунёда уларнинг сони

8000 минг атрофида ҳисобланади. Халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳозирги халқаро муносабатларнинг барча йўналишларида фаол роль ўйнамоқда, бир қатор соҳаларда эса улар ҳатто етакчи ҳисобланишади (масалан: Қизил хоч кўмитаси, инсонпарварлик, бегаразлик, мустақиллик ва кўнгиллилик ушбу жамият фаолиятининг тамойиллари саналади ва у давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигига катта ҳисса қўшди).

Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги қай бир фарқларга қарамасдан, улар фаол ҳамкорлик қилишмоқда. Маслаҳатлашув мақоми бундай ҳамкорликнинг асосий шакли ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар халқаро тизимни бошқаришнинг алоҳида шаклини яратмоқда, бу шакл давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги манфаатларининг ўзаро боғлиқлиги ва қўшилиб кетиши кучайиб бораётгани туфайли зарурдир. Халқаро ташкилотлар трансчегаравий сиёсий жараённинг институционал доираларини шакллантиради, унда кўп сонли давлат ва ҳамжамиятларнинг давлат ёки нодавлат актёрлари иштирок этишади. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар иккиламчи ва ясама бўлса ҳам, чунки улар халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектлари – давлатлар томонидан тузилган, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланади. Умуман, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар сиёсий соҳада давлат буткул ва тўлиғича ўзига ололмайдиган бошқарувнинг маълум функциясини ўз зиммасига олади. Халқаро ноҳукумат ташкилотлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланади.

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар қатор муҳим вазифаларни бажармоқда. Масалан, халқаро ташкилот катта бўлмаган давлатларнинг жамоавий ташкилоти учун қулай жойни ўзида ифода этади. Дунёдаги барча муста-

қил давлатларнинг ярмидан кўпроги – кичик ва кучсиз давлатлар бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг суверен ва тенг ҳуқуқли субъектлари ҳисобланишади. Бироқ амалда улар халқаро майдонда ўз кучларини бирлаштиришлари туфайли ўз манфаатларини таъминлашлари мумкин. Халқаро ташкилотлар кичик давлатлар учун институционал шакллар яратмоқда. Кичик давлатлар келгусида ушбу шакллар орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари учун улар ёрдамида дастлаб махсус бирлашмалар тузишлари мумкин. Кўпчилик халқаро ташкилотлар «битта мамлакат – битта овоз» тамойилига кўра иш тутишлари сабабли бу ҳол қарор қабул қилишда анча кўпчилик овоз олиш заруратини юзага келтиради. Натижада кичик давлатлар овоз бериш натижалари ва муайян резолюцияларнинг мазмун-мундарижасига нисбатан каттагина таъсирга эга бўлишлари мумкин, бу, табиийки, дипломатик муносабатлар ва ўзаро ҳамжиҳатликнинг ривожланишида ижобий омил бўлиб ҳисобланади.

Шу сабабдан халқаро тизимда БМТнинг ҳозирги роли ҳақида турли фикрлар мавжудлигини қайд этиш лозим:

– БМТ қуролли можароларни бартараф этиш ва халқаро келишмовчилик ва жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилиш борасидаги ўз вазифаларини аллақачон бажаролмай қолди;

– БМТнинг ҳеч қандай муқобили ҳозирча мавжуд эмас, бошқача айтганда, минтақавий ташкилотлар алоҳида минтақалар манфаатларини ифода қилади, улар кўпинча тўғридан-тўғри бир-бирига зид бўлади, шу сабабли бутунжаҳон ташкилотисиз можароларни ҳал қилишнинг умумий меъёрлари ва йўлларини ишлаб чиқишнинг имкони йўқ.

Маълумки, сўнгги йилларда «инсонпарвар босқинчилик» муаммоси тез-тез кўтарилмоқда, бу инсон ҳуқуқла-

рига хавф (геноцид ва қатагон) туғилган тақдирда, БМТ аъзоларининг ички можароларга аралашуш ҳуқуқини билдиради. Шундай қилиб, БМТнинг фаолият кўрсатиши зарурати, унинг мақсад ва вазифалари мувофиқлиги тўғрисида саволлар пайдо бўлмоқда.

Ташкилотнинг барча аъзолари тенглиги, низоли масалаларни тинч воситалар билан ҳал қилиш, ҳар қандай давлатга қарши таҳдид қилиш ва куч ишлатишдан тийилиш БМТнинг муҳим тамойиллари ҳисобланади. БМТ Низомида тинчликка таҳдидларни бартараф қилиш ва олдини олиш ҳамда тажовузкорлик ҳаракатларини йўқотиш учун «самарали жамоавий чоралар кўриш», шунингдек, халқаро жанжалларни «одиллик ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ тинч воситалар билан» ҳал қилиш ташкилот аъзолари учун кўрсатма қилиб ёзиб қўйилган. Халқаро муносабатларнинг асосий бошланмаси сифатида илк бор халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили Низомда мустаҳкамлаб қўйилган эди. Шунингдек, Низом тинчлик ва хавфсизликка таҳдид мавжуд бўлганда ва буни бартараф этишда бошқа барча воситалар самарасиз бўлган тақдирда БМТ кучлари томонидан мажбурловчи ҳарбий аралашув заруриятини ҳам белгилаб қўйди. Аммо бу ҳаракатлар давлатнинг буткул ички ишларига тегишли бўлган ва халқаро хавфсизликка ҳам, мазкур давлатнинг тинч аҳолиси ҳаёти ва ҳуқуқларига ҳам хавф солмайдиган вазиятларга дахлдор эмас.

Низомда белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган ва ташкилот фикрига кўра, уларни бажариши мумкин бўлган барча тинчликсевар давлатлар БМТнинг аъзоси бўлишлари мумкин. Ушбу мажбуриятлар, тинчлик пайтида бўлгани каби можаро шароитида ҳам, халқ-

аро майдонда давлатлар ҳамкорлигининг ҳар қандай кўри-нишига алоқадор бўлган муайян вазиятларда давлатнинг атори қоидаларига дахлдордир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олтига асосий органга: Бош ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Вазифалик кенгаши, Халқаро суд ва Котибиятга эга. Уларнинг ваколати, вазифа ва фаолияти халқаро ташкилот ваколатига кирувчи барча жамулжам масалаларни қамраб олишга имкон беради. БМТнинг келажаги ушбу ташкилот тизимининг янада самарали ишлашини таъминлаш, янги халқаро сиёсий маданиятни белгилаш учун қандай чоралар кўрилишига боғлиқ.

Шундай қилиб, халқаро ташкилотлар ролининг ошиши турли баҳс-мунозараларни ҳал қилишда ҳам, ҳарбий можароларни бартараф этишда ҳам давлатлар учун маълум кафолатларни яратади. Халқаро ташкилотларнинг тузилиши ва мавжуд бўлиши бутун инсониятни яқинлаштиришга янада кенг имкониятлар очади ва цивилизациянинг янада тез тараққий этишига ёрдам беради.

Давлатларнинг ҳукуматлараро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги тегишли вазифаларни кун тартибига қўйиш ва ҳал қилишнинг миллий механизмлари давоми сифатида янада кенг тушунилиб бормоқда. Бу давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатини яқинлаштиришга олиб келади. Давлатлар ўз мустақилликларини халқаро ташкилотлар билан бўлишиш борасида катта тайёргарлик намоён этадилар, бу ҳол халқаро муносабатларда халқаро ташкилотларнинг роли ва аҳамияти ошишига ёрдам беради. Бошқача айтганда, халқаро ташкилотлар сони каби уларнинг аҳамияти ҳам анча ортишини кутиш лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлиш сабаблари.
2. Халқаро ташкилотларнинг ўрни ва вазифалари.
3. Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар ўртасидаги фарқ.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 - Т., Ўзбекистон, 2002.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. - Т., Ўзбекистон, 2001.
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми.
6. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
7. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: асосий омиллар. - Т., 2001.
8. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
9. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.
10. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.
11. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. - СПб.: Питер, 2005
12. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. - Т., УМЭД, 2002.

II. МИЛЛИЙ ВА МИЛЛИЙ ДОИРАДАН ЮҚОРИ МАНФААТЛАР – ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ХАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ СИФАТИДА

2.1. Глобал ва минтақавий манфаатлар tizими ҳамда улар институтларининг ривожланиш тенденциялари

Глобал манфаатлар англашнинг юқори даражаси, ижтимоий оннинг прогрессив ривожланиши натижаси билан фарқланиб туради. Ўз хусусиятига кўра, улар универсаллиги билан ажралиб туради ва БМТнинг энг асосий ҳужжатларида тўлалигича акс этган. Глобал манфаатларга қатор молиявий-иқтисодий, ахборот, технологик, демографик, ресурс-энергетик, озиқ-овқат, тиббий-санитария ва экологик масалаларни киритиш лозим. Экология тўғрисида сўз борар экан, кенгқамровли реал муаммоларнинг энг машҳур мисолларини: ернинг азон қатламини сақлаш, умумсайёравий ҳарорат иссишига, атроф-муҳитнинг глобал ифлосланишига йўл қўймаслик ва шу кабиларни келтириш лозим. Бутун ер юзида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ядро хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа муаммолар глобал манфаатлар сифатида майдонга чиқади.

Баъзан миллий манфаатлар глобал характер касб этади. Аммо ўта қудратли давлатлар буни ўзига эп кўриши мумкин.

Глобал манфаатлар идеалда дунёдаги муаммоларни ҳал қилишдан манфаатдорликдир. Дунё муаммолари БМТ каби ташкилотлар базасида глобал миқёсда ҳал қилинади. Шундай масалалар борки, улар тарқалиш даражасидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга. Бу шахсий хавфсизлик, жамоат хавфсизлиги, биологик тирик қолиш (шу жумладан, янги глобал эпидемиялар таъсиридан), халқ-

аро терроризм, турли шаклдаги ҳақ-ҳуқуқни камситиш ва миллатчилик муаммоларидир.

“Глобал манфаат” тушунчасини ажратиб кўрсатишдан маъно иззат-нафсга тааллуқли геосиёсий мафкурага эмас, балки глобал қақириқлар, таҳдидлар даражаси ва уларни бартараф этиш йўллариини тушунишга асосланган глобал англашни ривожлантириш заруратидан ҳам келиб чиқади. Фақат шундай бўлгандагина халқаро муносабатларда атвор (ўзни тутиш) мезони тўғри талқин этилишига ва миллий манфаатларни глобал манфаатлар остида ниқоблаш учун глобаллашув омилларидан фойдаланишга шароит бўлмаслигига умид қилиш мумкин.

Бу жуда муҳим, чунки бугунги кунда халқаро сиёсий тизим борган сари глобал характердаги чалкаш муаммоларга дуч келмоқда, улар келишилган, ҳамжиҳат ҳаракатларни талаб қилади. Шу билан бирга, глобал характердаги муаммоларни ҳал қилишда қандай йўл тутиш керак: минтақавий даражадами ёки универсал миқёсдами, деган масала ҳам муҳим ҳисобланади. М.Арах қайд этганидек, ушбу дилемма нафақат назарий ёки гипотетик характерга эга⁹.

Давлатлар умумий манфаатлари асосида унча катта бўлмаган ҳудудда бирлашишга интилади. Модомики, биз уларнинг пайдо бўлишида кучларнинг янги марказлари мафкурасига мансубликнинг уйғонган туйғулари аксини кўрар эканмиз, улар эса тор доирада пайдо бўлади, бу нарса халқларнинг маҳаллий ва кейинчалик минтақавий алоқалар даврини босиб ўтмасларидан туриб, глобал характердаги муаммоларни ҳал этолмаслигидан ва глобал ҳаракатларга самарали кириша олмаслигидан далолат беради. Кўпинча миллий манфаатларни таъминлай олмасликдан қўрқув ва бу борадаги ишончсизлик баъзи

⁹ Арах М. Европейский Союз. –М.: ОАО изд-во “Экономика”, 1998. –С.29-35.

мамлакатларни интеграцияга ундайди. Шу сабабли миллий давлат қуролли можаролар туфайли (эҳтимол, ядровий, кимёвий, биологик қуроллар қўлланганда) дунё миқёсидаги ҳалокатларни бартараф этишдек қадриятларни сақлашга кафолат беролмайди. Шунингдек, у инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондиришни, унинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳуқуқларини, экологик мувозанатни таъминлай ва сақлай олмайди, деб тушунишнинг ўзиёқ халқларни ҳаётий характердаги мақсадларни амалга ошириш учун самарали восита ва йўлларни ахтаришга мажбур этади.

Глобал манфаатлар минтақавий алоқаларда устун бўлган давлатларни самарали назорат қилиши мумкин бўлган универсал ташкилотларда эҳтиёжларни умумий тушунишда ҳам кўринадди. Яна халқаро санкция масалалари кўндаланг бўлади. Бу масалалар халқаро ҳамжамиятдан чиққан чоғда, уларнинг таъминланиш имкони юқори бўлади. Агар тажовузкорларга қарши санкциялар алоҳида минтақалар даражасида чегараланган бўлса, улар самарасиздир. Агар халқаро терроризм билан кураш минтақавий шароитлар билан чегараланса, бошқа минтақа ва мамлакатларга мансуб террористларнинг доимий таҳдид солишга уриниши сақланиб қолади. Аслини олганда, глобал манфаатлар ҳамда давлат ва халқларнинг глобал асосдаги ҳамкорликка интилишининг мавжудлиги кўп сонли, етарли даражада муваффақиятли бўлган умумий ташкилотларнинг мавжуд бўлишига имкон беради.

Бироқ биргаликдаги фаолият зарурлигини тез англаб етмаслик, фалсафий, эмоционал, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги ижтимоий онгда мос ўзгаришларнинг етарли эмаслиги тузилган институтларнинг дунё миқёсида самарасиз фаолиятига сабаб бўлмоқда.

Глобал манфаатларга нисбатан минтақавий манфаатлар қўшни давлатларни бирлаштирувчи, ҳудуд билан

боғлиқ бўлган маҳаллий манфаатлар сифатида майдонга чиқади. Минтақавий интеграциялашувнинг муваффақияти кўп жиҳатдан минтақавий манфаатларнинг шаклланган ёки шаклланмаганига боғлиқдир. Бу жуда мураккаб жараён, чунки у интеграциялашаётган давлатларнинг мос хоҳиш-иродаси, давлатлараро юқори даражали муносабатларга эришиш, раҳбарлик ва аналитик (таҳлил) структураларининг ҳамда давлат ташқи сиёсати институтларининг профессионализми кабилар натижаси бўлиб юзага чиқади. Минтақавий манфаатларнинг шаклланишига муайян давлатларнинг умумий тарихга эгаллиги, маданий-тарихий яқинлик, этник ва диний умумийлик, ташқи сиёсат масалаларига нисбатан ўзаро мос миллий манфаатлар ва минтақа доирасида кесишмайдиган манфаатларнинг мавжудлиги каби объектив омиллар таъсир қилади. Манфаатлар тўқнашмаслиги илгари қўшнилар муносабати меҳнат тақсимоли асосида қурилганда, бир-бирига нисбатан антогонистик сиёсий даъволари, ҳал қилинмаган баҳс-жанжалли ҳудудлари, миллатлар ўртасида бир-бирини ёқтирмаслик, тарихий геноцид воқеаси, мисли қўрилмаган мустамлакачилик зулми бўлмаганда мумкин бўлади.

Кўринганидек, глобал миқёсда сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувининг янги тизими ривожига айнан минтақавий манфаатларнинг шаклланиши ёрдам беради.

Ҳозирги халқаро муносабатлар тўқнаш ва мос тушмайдиган ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан, мафкурадаги, дунёқараш концепцияси ва жорий халқаро ҳаётни талқин этишдаги фарқлар билан мураккаблашиб бораётган халқаро муносабатлар субъектларининг рақобат кураши майдонини акс эттиришини унутмаслик лозим. Ушбу кураш иқтисодиёт, сиёсий муносабатлар, ахборот майдони, шунингдек, ижтимоий-маданий алоқалар глобаллашуви шароитида юз бермоқда.

Бир қутбли дунёни қуриш режаси истиқболсиз, лекин қарор топган ҳақиқатдир¹⁰. АҚШ халқаро ҳамжамият фикрларига эътибор бермасдан, ҳозирданок ўзининг миллий манфаатлари фойдасига ташқи сиёсий хатти-ҳаракатларни олиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда бошқа тенденция ҳам куч олмақда: АҚШ ўз ҳаракатлари билан жипслашган қарши ҳаракат салоҳиятига эга бўлган кучларни бирлаштиришни юзага келтирмоқда.

Масалан, АҚШ Евроосиё қитъасида уларнинг геосиёсий амбицияларини «совуқ уруш» вақтидаги даражада чегаралашга қурбли кучларнинг уч (баъзан тўрт) қутбини олиши ва бутун Евроосиё қитъасида кучлар тенглигини таъминлаши мумкин.

Аввало, бу икки куч маркази - Россия ва Хитой бўлган, ШХТ (ШОС) доирасида бирлашган давлатлар бўлиб, ўз навбатида, келажакда геосиёсий таъсирнинг мустақил қутбларини ҳосил қилиш учун импульс беришга қодир бўлган ривожланаётган субъектлар ҳисобланишади. Кучларнинг иккинчи қутби бўлиб, мусулмон дунёси ҳисобланиши мумкин. У бирлашиш тенденциясига эга, аммо унга қудратли бирлаштирувчи омилгина етишмайди, ядро қуролига эга бўлиш шундай омил бўла олиши мумкин. Покистон ушбу муносабатда ҳисобга кирмайди, уни, биринчидан, Ҳиндистон мувозанатда ушлаб туради, иккинчидан, тарихан ушбу мамлакат ислом дунёсида ажралиб туради. Эрон – бошқа гап.

Эрон расман ва амалда ядро қуролига ҳамда ядро зарядини АҚШга еткази оладиган воситаларга эга бўлиши мумкин. У ҳолда Эрон минтақада жиддий ўрин ишғол этиши, минтақа етакчиси ролига даъвогарлик қилиши

¹⁰ Агар АҚШ муайян тенг кучга эмас, балки аниқлаб, ўхшатиб бўлмайдиган, назоратга, тартибга солиш ва бошқаришга бўйсунмайдиган халқаро тартибсизлик, хаос, бошбошдоқликка қарши туриш вазифасини ўз зиммасига олишдан келиб чиқса.

учун имконга эга бўлади. У ядровий дипломатиядан нафақат миллий, балки минтақавий манфаатлар нафи учун фойдаланиши мумкин. Вазиятнинг бундай ривож топиши ислом дунёсини бирлаштирган геосиёсий таъсирнинг қудратли қутби вужудга келишига олиб келиши мумкин. Бу ерда шуни ҳам қайд этиш жоизки, ислом дунёсининг бирлашув тенденцияси кучайиб бормоқда. Ядро технологияларига эга бўладиган Эрон ушбу жараёни жадаллаштирадими ёки йўқми, бунинг аҳамияти йўқ.

Келажакда Ҳиндистон ва Бразилия сингари ўсиб бораётган мамлакатларни ҳисобдан чиқармаслик керак. Улар кўп қутблилик ривожига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. АҚШнинг бир қутбли дунё яратиш режасини рўёбга чиқаришдаги фаоллиги шундай кўп қутбли тизимни яратишни юзага келтириши мумкинки, у чоғда АҚШ барча қутблар учун қарши ҳаракатнинг асосий мақсади, уларни бирлаштирувчи омил бўлиб қолади. Натижада бу халқаро интеграцияга ва дунё тартиботининг биполяр (икки қутбли) тузилишига олиб келади.

Муайян шароитларда ушбу тенденция халқаро тузилмада БМТни бошқа шаклга ўзгаришини ёки унинг базасида АҚШ ҳал қилувчи ўрин тутмайдиган янги универсал ташкилот тузилишини юзага келтириши мумкин.

Шундай сценарий бўлиши эҳтимолини кўрсатувчи омиллар «катта саккизлик»ка кирмайдиган мамлакатларнинг халқаро майдонда ўз рақобатбардошлигини кафолатлаш, ўзи учун янги технологияларга эришиш, уларни ишлаб чиқаришни таъминлаш каби интилишида ҳам мавжуд. Бундай мамлакатлар ёлғиз ўзи ушбу мақсадга эриша олмайди. Бу АҚШ сингари давлатлар билан иттифоқ бўлганда ҳам амалга ошмайди. Бунинг сабаби: АҚШнинг глобал миқёсда геосиёсий манфаатлари мавжуд, бундай манфаатларда кўрсатиб ўтилган тоифадаги ҳар қандай мамлакат унинг ташқи сиёсати элементигина бўлиши

мумкин, холос. Аммо у бундай ҳамкорлик натижасида АҚШдан кўра кўпроқ наф олиши, айниқса, ўзига етарли даражада куч-қудратини ошириши мумкин бўлган ҳеч қанақа ҳақиқий тенг ҳуқуқли шерикка айлана олмайди.

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар рақобатбардошлигини ўстириш мақсадига эришиш минтақавий манфаатларнинг аниқ чизилган ва англанган тизимини шакллантириш орқали фақат минтақавий кооперациядагина мумкинлигини кўрсатувчи қатор объектив ҳолатлар мавжуд. Жаҳондаги кучларни минтақалаштириш тенденцияси дунёда етакчи давлатлар сифатида ўз ўрнини белгилаган мамлакатлар ва АҚШнинг тенг ҳуқуқли шерикларини ҳам қамраб олиши мумкин.

Энергетик бўҳрон кучайиб бомоқда. Ҳозирча у нефть ва нефть маҳсулотлари нархининг ўсишида намоён бўлаётир, аммо ҳамма яхши биладики, гап яқин келажакда уларнинг амалда тугаб битиши ва энергиянинг муқобил манбаларини топиш ҳақида бормоқда. Бу шуни билдирадики, яқин вақтда дунё, ҳатто АҚШ иқтисодиёти каби кучли иқтисодиёт асосига путур етказадиган глобал иқтисодий кризисга дуч келади.

Иқлим ўзгармоқда. Табиий офатлар янада кўпроқ содир бўлмоқда. Уларнинг миқёси ва вайронгарчилиги инсонпарварлик борасидаги ўз салбий оқибатлари билан бирга глобал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кризисни келтириб чиқариш қувватига эга.

Ичишга яроқли чучук сув захиралари ҳалокатли даражада етишмайди.

Халқаро терроризм таҳдиди ўсиб бормоқда.

Бунинг устига жаҳон ҳамжамияти глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун самарали чораларни кўрмаяпти. Амалга оширилаётган тадбирлар эса кўпинча бир томонлама характерга эга ва уларнинг келажигига ишонч йўқ.

Масалан, АҚШ ўзининг бутун дунёда демократияни ривожлантириш, бир томондан, трансмиллий корпорацияларнинг (албатта, АҚШ ва унинг иттифоқчилари) ривожига ва мустақамлиги билан, иккинчи томондан, мамлакатларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқ (тўғриси, ривожланган мамлакатларга боғлиқлик) тизими билан кафолатланадиган барқарорликни, сиёсий ва иқтисодий дунё тартиботи тизимини яратиш миссиясига ишонч билан қарайди. Бундай тизим ниятлар ошқоралиги ва ҳукумат назоратида бўлишликни, жамиятда маданий ва конфессионал бағрикенгликни сақлаш шароитида, шунингдек, учинчи дунё мамлакатлари ҳукуматларини доимий кескинликда, ўз тартибини сақлаб қолиш қайғусида ушлаб туришни вазифа қилиб олган оппозиция ва сепаратистик кучлар номидан алоҳида ушлаб турадиган ва қарши қўйилган тизим шароитида бўлиши мумкин.

Халқаро терроризм таҳдиди ва ҳозирги босқичда ушбу балога қарши олиб борилаётган уруш ҳолати ҳам минтақалашув омилининг кучайиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан кўринадик, глобализация чақириқларига жавоб излаш, геосиёсий гегемонликнинг кучайишига қарши ҳаракатнинг самарали тизимини яратишдаги англанган эҳтиёж минтақавий интеграция масалаларига эътиборнинг кучайишида, умумий иқтисодий макон ва ягона хавфсизлик тизимига эга бўлган минтақавий зоналарни яратишга интилишда акс этмоқда.

Иқтисодий натижалар нуқтаи назаридан, ЕИ минтақавий кооперацияларининг ижобий мисоли бошқа минтақаларга ўз ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқишлари учун асос бўлади. Ҳозирги босқичда миллий суверенитетнинг янги тушунчаси етилиб қолди, у расман императивлик, миллий мустақилликнинг мақсад ва моҳиятини тушунишга мослаша олмасликдан аста-секин халос бўлиб бормоқда.

Мустақиллик жамоавий ҳимояга муҳтож, агар давлатнинг ташқи сиёсати бошқа давлатнинг истак ва манфаатларини инобатга олган ҳолда юритилиб, ўзаро фойдали ҳамкорликдан аниқ фойда олган тақдирда, ўз миллий ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқи миллатнинг равнақи ва хавфсизлигини таъминлайди, деган фикрлар бугунги кунда тез-тез эшитилиб турибди. Албатта, бу ўринда гап коллаборационизм, бегона сиёсий ўйинларда иштирок этиш ва ўз суверенитетини ниқоблаб сотишнинг бошқа хатти-ҳаракатлари ҳақида кетмаётган бўлса.

Давлатларнинг бир-бирига боғлиқлиги объектив равишда ўсиб бормоқда. Аммо бу боғлиқлик умумий, асосийси, англандан минтақавий манфаатларга эга қўшнилари – давлатларнинг келишилган жамоавий иродаси томонидан йўналтирилса, у ҳолда суверенитет нафақат озор кўради, балки у мустаҳкамланади. Бу хожиш-иродаларни тенг ҳуқуқли мувофиқлаштириш механизминини ривожлантириш ва мос равишда миллий манфаатларни миллий даражадан юқори даражада бўлган таъминлаш ваколатини вакил қилиб юбориш тизимини яратиш ҳисобига, шу жумладан, минтақавий ривожланишнинг олий манфаатлари призмаси орқали юз беради.

Албатта, давлат ушбу тушунчанинг барча жиҳатлари билан мустақил бўлиб қолиши керак, аммо бу ҳолат минтақавий ҳамжамиятнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда акс этмаслиги лозим. Ҳар бир давлат ўзни тутиш борасида ташқи сиёсий йўлни мустақил танлаш ҳуқуқини далил келтириб, ҳар қандай вазиятда шартнома иштирокчиларидан ҳеч ким панд бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Давлатнинг фақат субъектив қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик кафолатига эга бўлиш томондангина эмас, балки ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан таъминлаш ва ка-

фолатланиш борасидаги интилишлари ҳам тушунарлидир. Унинг ҳар бир сегменти ўз ирода-моҳиятида мустақилдир.

Етарли даражада чамбарчас интеграцион бирлашиш шароитида мустақилликни сақлаб қолиш масаласида қарама-қаршилик йўқ (албатта, интеграциянинг мақсад ва вазифалари барча давлатлараро ҳамкорлик субъектлари томонидан тақсимланган бўлиб, ўзига олинган мажбуриятларни бажариш учун жавобгарлик юқини тенг ҳуқуқли олиб бориш механизми тузилган тақдирда).

Кучларнинг минтақавий қутблари юзага келиши тенденциясининг муқаррарлиги¹¹ бир қанча бошқа объектив омилларга ҳам боғлиқ. Биринчидан, глобал иқтисодий ўзаро боғлиқлик давлатларни халқаро ҳамкорликнинг шундай шакллари топишга мажбур қиладики, улар хавфсизлик ва ҳимояни, жумладан, турли давлатларнинг геосиёсий амбицияларидан (иззат-нафсидан) муҳофазаланиш таъминлаш заруриятини ҳисобга олади. Шу билан бирга, учта йўл бор. Биринчиси – қўшни давлатлар иқтисодий ва ҳарбий сиёсий куч-қудратига нисбатан ўзаро тенг мослашув йўлини ажратиш. Иккинчиси – яна шундай иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий қудратга тааллуқли талабларга жавоб берадиган минтақадаги етакчи давлат атрофида бирлашиш. Учинчиси – мустамлака ва доминион давлатлар билан муносабатларни ислоҳ қилиш (Буюк Британия қилганидек), мавжуд тарихий алоқаларни принципиал жиҳатдан янги, янада такомиллашган асосда тиклаш (бу МДХ, ЕвроАзЭС, ШХТ доирасида юз бераётганидек). Ҳар ҳолда давлат халқаро муносабатларнинг асосий омили, миллий манфаатлар эса далилланаётган кучнинг асоси бўлиб қолиши керак.

Миллий хавфсизликни таъминлашнинг иқтисод, фан

¹¹ Яъни, минтақа жаҳондаги кучларнинг глобал қарама-қаршилигини шакллантириш учун асосга айланганда (кейинги ўринларда: минтақавий қарама-қаршилик).

ва маданият соҳасида, ижтимоий масалаларни ечишда, умуман, ўз фуқаролари фаровонлигини оширишни таъминлаш ишида миллий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг минтақавий йўли шунинг учун ҳам афзалки, у маълум минтақа ихтиёрида бўлган ресурслар ҳисобига қурилган бўлиши мумкин. Агар ЕвроАзЭС ва ШХТ мисолида олинадиган бўлса, минтақавий ресурслар амалда чегараланмаганини тасдиқлаш мумкин, шунинг учун бу ресурслар минтақадаги давлатлар муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ҳисобланади. Ҳар қандай миқёсдаги таҳдидга қарши тура оладиган ҳарбий ҳимоянинг одатдаги самарали тизими ядровий қалқон мавжуд.

Айнан минтақавий ҳамкорлик доирасида бирлашишнинг табиий тенденцияси мавжуд, у манфаат, анъана ва қадриятларнинг гомогенлигига таянади. Минтақа доирасидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий интеграция, аynиқса, ривожланган коммуникатив ва энергетик инфраструктура мавжуд бўлган собиқ СССР давлатлари шароитида чегараланган жўғрофий майдон ичига янада самарали етиб боради.

Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик алоҳида олинган давлатларга қараганда катта иқтисодий самарадорликни таъминлайди, шу сабабли жаҳон бозорида рақобатбардошликни оширишнинг энг яхши воситасини ифода қилади.

Миллий, минтақавий ва ҳатто, глобал хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан минтақавий тузилмалар тинчликка бўлган таҳдидларга анча самарали қарши туриши мумкин. Негаки, бевосита манфаатдорлиги туфайли минтақа давлатларининг тайёргарлиги манфаати фақатгина бавосита тегиб ўтган анча кенг зонадаги давлатларнинг тайёргарлигига қараганда каттадир. Шу билан бирга, манфаатлар бирлиги омилини ҳамда минта-

қавий ва миллий хавфсизликка таҳдид тушунчаларининг бир хиллигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Геосиёсий кучлар қутбларини минтақавийлаштириш кўп қутблилиқни яратиш ва кучларнинг глобал мувозанатини ўрнатишнинг ягона йўлидир. Бундан ташқари, дунё тартиботини минтақавийлаштириш глобал консенсус имкониятининг муқаррар кенгайишига олиб келади: халқаро ҳамжамият глобал даражада умумий тинчлик ва фаровонликни ушлаб тура оладиган обрў-эътибор қозонишга ҳали тайёр эмас. БМТнинг заифлиги ва АҚШ геосиёсий амбицияларини ҳамма жойда қабул қилмаслик бунинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга, ЕИ тажрибаси ушбу минтақанинг халқаро муносабатларнинг глобал сиёсатига таъсирининг ўсишидан дарак беради. АҚШ ЕИга аъзо давлатларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида босим остига олишга ёки турли ҳадялар (масалан, турли иқтисодий дастурлар) билан ўзига оғдиришга бор кучи билан уринаётгани бежиз эмас. У НАТОнинг сақланиши ва ўз позицияси мустаҳкамланиши учун бор чораларни ишга солмоқда, чунки худди шу ташкилот орқали АҚШ Европани ўз манфаати ўзанида “тутиб туриш”га ҳаракат қилади. ШХТ (ШОС) таъсирининг ўсиб бориши ҳозирданок АҚШни ташвишга солмоқда, негаки унинг Марказий Осиё минтақасидаги амбициялари ушбу ташкилот туфайли жиддий равишда қисқариб бормоқда.

Минтақавий дунё қарама-қаршилиги глобал бирликка тўсиқ бўлаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва жўғрофий омилларнинг хилма-хиллигини анча осон бартараф этишга имкон беради. Собиқ СССР ва АҚШ қарама-қаршилигидаги икки қутбли тизим тажрибаси шундан далолат берадики, кучлар нисбати (мувозанати)нинг сақланиши рақиб устидан ҳарбий-сиёсий галабага эришишнинг яққол имконсизлиги туфайли консенсусли қарорларни анча муваффақиятли излаб топишга ёрдам бера-

ди. Шу билан бирга, келажакдаги минтақавий дунё қарама-қаршилиги бир-бири билан қарши туришга асосланиши ҳақида сўз бораётгани йўқ. Бунинг учун, кўриниб турганидек, антогонистик зиддият йўқ. Қарама-қаршилик, асосан, стратегик манфаатлар соҳасида мавжуд, уларни оддийгина консенсус асосида келиштириш мумкин. Агар куч қутбларидан бири ўз ташқи сиёсатини иррационал мафкуравий постулатлар асосига қурадиган бўлса, буниси бошқа гап. У ҳолда антагонистик қарама-қаршилик муқаррар.

Шундай қилиб, минтақавий манфаатлар ҳам, глобал манфаатлар ҳам, аслини олганда, миллий, ижтимоий ва хусусий манфаатларни рўёбга чиқаришни таъминлаш бўйича жамоавий ҳамкорлик зарурияти ягона тушунчанинг турли сатҳларидир. Минтақавий ва глобал манфаатлар ҳозирги халқаро муносабатлар моҳияти, уларнинг йўналганлиги, мавжуд муаммолари ҳақида янада тўлиқ тушунча беради. Минтақавий ва глобал манфаатлар комплекс равишда бажарадиган вазифаларни муҳим бўлган тегишли ташкилотларни тузишда асос бўлиб майдонга чиқади. Минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам, глобал халқаро ташкилотлар ҳам давлатларнинг миллий манфаатларини қўллаб-қувватлаш учун самарали восита сифатида зарурдир.

Шу билан бирга, бугунги кунда минтақавий тузилмаларни ривожлантириш муаммоси энг долзарб бўлиб кўринадди, улар хусусий минтақавий эҳтиёжларни рўёбга чиқаришдан ташқари дунё тартиботининг янада самарали тизимини ривожлантиришга импульс, шу жумладан, глобал ташкилотларни кучайтириш ва модернизация қилишга туртки бериши мумкин.

Бошқача айтганда, “минтақавий ҳамкорлик шакллари ортиқ талаб қилиб туриб олиш анча самарали ҳимояланган асосий глобал қадриятлар ва мақсадларга ишти-

рокчи давлатларнинг анча самарали ҳимояланган универсал хатти-ҳаракатлари томонидан хавф солиши мумкин, шу сабабдан, ҳар икки алоқа шакллари роли ўртасида мувозанатни излаш” аста-секинлик билан олиб борилиши зарур¹².

Минтақавий манфаатлар ҳам, глобал манфаатлар ҳам интеграциянинг манфаатларидир. Ўз навбатида, улар давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик туфайли юзага келган ўзаро иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа устунликларни англаш таъсири остида шаклланади. Бу ҳамкорлик асосларининг тадрижий кенгайиши ва иқтисодий характердаги шартномани муваффақиятли амалга ошириш зарур бўлган ҳамма жойда сиёсий аралашувдан бараварига воз кечилиши натижаси ҳисобланади. Бу алоҳида олинган давлат ўз бир томонлама сиёсати билан керакли натижага эриша олмаган ёки уни сақлай билмаган соҳада давлатлараро ҳамкорлик фойдасини тушуниш натижасидир.

Бу яна ҳамкорликнинг иқтисодий асоси – алоҳида давлатларнинг қолган фаолият доираларини бирлаштиришнинг муқаррар шарт-шароити, халқаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳар қандай шартнома – релевант ижтимоий-сиёсий омиллар ўртасидаги сиёсий консенсуснинг меваси эканлигини, улар ўз навбатида, ўз ижтимоий фаолиятларининг иқтисодий асослари билан аниқланганлигини англашнинг натижасидир.

Глобал ва минтақавий манфаатлар, шунингдек, ижобий интегратив атворни шакллантиришда, самарали фаолият кўрсатадиган давлатлараро институтларни тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий тажриба ва билимлар таъсири остида ҳам шаклланади. Глобал ва минтақавий манфаатлар тарихий онга таянганда интегратив атвор янги билимлар, янги тажрибалар пайдо бўлишини юзага келтиради.

¹² Арах М. Европейский Союз. – М.: ОАО “Изд-во “Экономика», 1998. – С.32.

Халқаро интеграция ва миллий мустақиллик қадриятларининг ўзаро нисбати (бир-бирига муносабати) муаммосини анча уддабуронлик билан англаш глобал ва минтақавий манфаатларнинг ривожланиши ва институционаллашувининг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Халқаро тизим кўп сонли глобал ва минтақавий иқтисодий ташкилотларнинг тез ўсиши ва комплекслигига қарамасдан нисбий иқтисодий бошбошдоқлик ҳолатини енгиб ўтолгани йўқ. Давлатлар ўз сиёсий ва иқтисодий суверенитетларига маҳкам ёпишиб олиб, асосий ва иккиламчи манбалар бойлиги тенг тақсимланмас, дунё ҳамон мафкуравий бўлинишда экан, кенг қамровли тартибга солинишни кутиб бўлмайди, бу билан эса, глобал даражада келажакни башорат қилиш мумкин эмас.

Айнан шунинг учун ҳам биз, одатда, глобал ҳодисалар соясида амалга ошадиган ва вақти-вақти билан тўхтаб қолишига қарамай, барибир реал ва самарали бўлган минтақавий даражадаги ҳамкорликни шу қадар катта аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Аёнки, келажак интеграцияга, халқаро ташкилотларнинг ривожланишига боғлиқ. Бу ҳар қандай давлат ўз мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, миллий ривожланиш мақсадига эришишни исташи муқаррар бўлгани каби муқаррардир. Глобализм шароитида буни фақат чамбарчас давлатлараро кооперациялар шароитида амалга ошириш мумкин. Шу билан бирга, БМТ асосида халқаро кооперациянинг самарали глобал тизимини яратилишидаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда зарур натижа бермаётгани кўриниб турибди. Айнан минтақаларни ривожлантириш шундай база бўлиши мумкинки, унда дастлаб минтақалараро, кейин эса глобал ҳамкорлик униб чиқади, бу шароитда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатлар чоғида бўлгани каби худди шундай самарали бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Глобал ва минтақавий манфаатлар.
2. Энергетик бўҳрон, иқлим, чучук сув, халқаро терроризм таҳдиди.
3. Глобал ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги фарқ.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 - Т., Ўзбекистон, 2002.
4. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. - Т., Ўзбекистон, 2004.
5. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
6. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
7. Возжеников А.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. М.:НПО «Модуль», 2000. 240.
8. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.
9. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.
10. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. - СПб.: Питер, 2005.
11. Арах М. Европейский Союз. -М.: ОАО изд-во "Экономика", 1998. -С.29-35.

2.2. Миллий манфаатлар

Миллий манфаатлар – давлат ташқи сиёсатининг амалиёти ва назариясида, дипломатияда, миллий хавфсизликни таъминлашда асосий тушунча сифатида халқаро муносабатлар тизимида энг кўп қўлланадиган термин.

Ушбу термин Европада миллий давлатлар пайдо бўлиши жараёни кетаётган пайтда, XVII асрда дипломатик муомалага кириб келди. Уруш, аннексия, мустамлакаларни босиб олиш, дипломатик муносабатларнинг узилиши ёки тикланиши, давлатлар ўртасида иттифоқлар ёки коалациялар тузилишидан иборат барча ташқи сиёсат миллий манфаатларни сақлаш ёки ҳимоя қилиш йўлида содир бўлган. Шу билан бирга, “миллий манфаат” тушунчаси сиёсат тилида ёки дипломатик амалиётда қўлланишига қарамасдан, уни талқин этишдаги баҳслар бугун ҳам тўхтагани йўқ.

Ушбу тушунча мавжуд бўлишга ҳақли эмас, чунки унинг аниқ ифодаси йўқ, деган фикрлар ҳам мавжуд. Оппонентлар айтишадикки, “миллий манфаатлар” сиёсатнинг асосий тушунчаси бўлиб, унинг ёрдамида халқаро муносабатларнинг, давлат ташқи сиёсатининг сабаб ва далиллари изоҳланади. Давлатчиликнинг бошқа ижтимоий-сиёсий асоси аниқланган тақдирдагина ушбу терминни ишлатишдан воз кечиш мумкин бўлади. Иккинчи томондан, “миллий манфаатлар” тушунчасини, масалан, “умумхалқ” ёки “халқ манфаати” тушунчалари билан алмаштириш мумкин бўлар. Аммо ушбу барқарор термин ташқи сиёсий фаолиятни далиллаш манбаини акс эттиришда кўп даражада мос тушади.

Турли миллий шароит ва турли тарихий даврларда миллий манфаатлар ҳар хил тушунилган. “Миллий” тушунчаси этник ёки сиёсий-ҳуқуқий асосга таяниши

ёхуд унинг асосида мафкуравий, синфий белги ётишига қараб турлича талқин қилинади. Ва ниҳоят, “миллий” тушунчаси фуқаролик жамияти контекстида талқин этилади. Бировлар “jus soli” (“ер ҳуқуқи”)дан, бошқалар “jus sanguinis” (“қон ҳуқуқи”)дан келиб чиқади. Учинчилари учун миллий манфаат – ишчилар синфининг халқаро капиталга қарши курашишида (қуроли курашишига) уларнинг халқаро бирлиги элементидир. Кўпчилик “миллий манфаатлар – шахс, жамият ва давлат манфаатларининг реал қўшилишини таъминлаш имконияти” деган қарашга янада кўпроқ қўшилмоқда.

“Миллий манфаатлар – ўзига хос алоқалар ва генетик ҳамда маданий гомогенликнинг ўзаро боғлиқликлари билан бирлашган миллий бирлик ёки гуруҳлар манфаатидир” тарзидаги сиёсий қараш кенг тарқалган. Эҳтимол, бундай ёндашув сиёсий тажрибаларга баҳо беришда, айрим муаммолар манбаини аниқлашда, диний ва миллий-озодлик ҳаракатларининг ҳаракатлантирувчи мотивларини тушунтиришда ўринли бўлар. Ҳозирги шароитда “миллий манфаат” тушунчасини бундай талқин қилиш маданиятлар умумийлиги, тиллар, оилавий, диний, ахлоқий анъаналар ва урф-одатлар ҳақида гапирётганларида, балки, ўринли бўлмаса керак.

Миллат ривожланган ёки ривожланаётган давлат онги бўлган этнос сифатида, уларнинг худуди, иқтисодий алоқалари, адабий тили, ўзига хос маданий-руҳий қиёфаси умумийлигининг шаклланиши жараёнида тарихий қарор топган кишилар умумийлиги сифатида, ўз давлатчилигига эга бўлган ёки давлат ташкил қилишга ёхуд давлат мустақиллигига интилаётган этнос сифатида мавжуд бўлар экан, миллий манфаатлар мавжуд бўлаверади.

Миллий манфаат интеграцион ўзаро алоқанинг ҳар қандай шаклларида долзарб бўлади. Ҳар қандай итти-

фоқчилик муносабатлари бирлашувнинг миллий манфаат каби азалий мотивациясини кўзда тутуди, акс ҳолда, бу ҳақиқий иттифоқчилик муносабати эмас, балки қурол, мафкура, иқтисодий шантаж, волюнтаризм ва шу кабилар кучи билан бирлаштирилган давлатларнинг конгломерати бўлади.

«Миллий манфаат» тушунчасини унинг асосий йўналишлари: миллий хавфсизликни таъминлаш ва фуқаролар фаровонлигини ошириш билан чамбарчас ўзаро боғлиқликда кўриб чиқиш лозим. Уни, шунингдек, «манфаат» сўзининг барча мазмун-маъно жиҳатлари, хусусиятлари билан қараб чиқиш керак. Аввало, «миллий манфаат» – бирор нарсага алоҳида эътибор қаратган, моҳиятига етиш, билиш, англашнинг фаол истагини билдирувчи, ҳаракатчан категориядир. Бу манфаат объекти аҳамиятини тушуниш ҳамдир: миллат учун жиддий аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳаёт ҳодисалари, муаммо ва далилларигина миллий манфаат объектлари бўлиши мумкин. Албатта, биз «миллий манфаатлар» деганимизда, талаб, эҳтиёжни тушунамиз, улар қониқтирилмас экан, миллат ва давлатнинг мавжудлиги муаммоли бўлиб қолади Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, «миллий манфаатлар» – фойда ва гараз дегани ҳамдир, уларсиз ташқи иқтисодий стратегияни ва жаҳон майдонида давлатнинг хулқ-атвор тактикасини қуриб бўлмайди.

Одатда, миллий манфаатлар қайд этилган мамлакат Конституцияси асосий манба ҳисобланади. У миллатнинг асосий, доимий манфаатларини ўзида жамлайди. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясида ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу масаласига бағишланган ҳар бир модда уларнинг асосий субъектлари – инсон, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Аввало, Конституция тамойилларини аниқлаган ҳолда манфаатлар иерархияси белгиланади, унга кўра, давлат халқ иродасини ифода этади¹³, унинг манфаатларига хизмат қилади. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2, 7-моддалари). Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, миллий манфаатларнинг расмий ифодасини белгилайди: бу ҳуқуқ фақат халқ томонидан сайланган Олий Мажлис ва республика Президентига тегишли (10-модда).

Миллий манфаатлар устуворликка эга бўлган мутлақ мезон сифатида 16-моддада белгилаб қўйилган, бу ерда Конституциянинг бирорта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин қилиниши мумкин эмаслиги айтилган. Ҳар бир тартибга солинадиган ҳаракат ва ижтимоий муносабатлар Конституцияда миллий манфаатлардан келиб чиқиб белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси иккинчи қисми таърифидан шу нарса келиб чиқадики, агар бу миллий манфаатларга зид бўлса, жумладан, халқнинг хавфсизлиги ва фаровонлигига зарар келтириши мумкин бўлса, республика давлатлараро тузилмаларда иштирок этмайди.

Конституция нормаларига оғишмай амал қилиш миллий хавфсизликни мос равишда таъминлашни ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун шароит яратишни кафолатлайди. Конституциянинг ҳар бир принципиал қондаси, моҳиятан, миллий манфаатнинг олий сиёсий-ҳуқуқий ифодасини ўзида акс эттиради, бундан келиб чиқадики, «давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлиги», аввало, Конституциянинг ўзидир, унинг қондалари, устунлиги ва мустаҳкамлигини ҳимоя қилишдир.

¹³ Ушбу ўринда «халқ» ва «миллат» тушунчалари бир маънода келган.

Конституцияда давлат ва халқнинг олий манфаатлари ҳақида гапирилганда, тушуниш керакки, бу ўринда айнан миллий манфаатлар тўғрисида сўз боради. Бу ерда миллий манфаатлар давлат ҳокимиятининг манбаи (халқ) ва ушбу ҳокимиятни конституция ваколати билан амалга оширувчи давлат органлари манфаатларини жамулжамликда ифода этади. Бироқ давлатнинг халқдан ажратилган қандайдир манфаатлари бор экан, деб тушунишмаслик керак. Давлат парламент ва президент сиймосида халқ манфаатларини ифода қилади, бинобарин, давлат манфаатлари ҳақида гапирилганда, давлат ўз идора ва лавозимлари манфаатларини эмас, балки миллат манфаатларини ифодалашни тўғрисида сўз боради.

“Давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлиги” конституцион таърифи, аслида, ҳаётий муҳим миллий манфаатларнинг умумлаштирилган таърифидир.

Ҳаётий муҳим миллий манфаатларнинг аниқ ифодаланиши Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги Концепциясида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги Концепциясида ҳаётий муҳим миллий манфаатлар маданий-тарихий умумийлик сифатида ўзини сақлашда, миллий қадриятлар, жамоат ва давлат институтларини ҳимоя қилишда, мустақиллик ҳамда шахс, жамият, давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда миллатнинг англандан эҳтиёжи сифатида белгиланган. Бундан кейин Концепцияда шахс, жамият, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига таъриф берилган бўлиб, унда миллий манфаатни уч сатҳли тизим сифатида табақалаштиришга уриниш кўзга ташланади. Ушбу тизимни структурлаштириш мезони бўлиб қуйидагилар чиқади: манфаат манбаи ва тегишли сифат (шахс, жамият); миллий манфаатлар ифодачиси ва кафили (давлат).

Эҳтимол, бу унчалик қулай эмасдир, айниқса, аниқ таърифни санаб чиққанда ҳар қандай даражадан муваффақият билан ақс эттириш мумкин бўлганлари учрайди. Миллий манфаатларнинг “шахс – жамият – давлат” тамойилига кўра бўлиниши фақат биринчи қарашда айнан бир хил туюлади. Аслида эса шахс, жамият ва давлат манфаатлари турличадир.

Шахс ва жамият манфаатлари демократия, либерализм, маънавият, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий-ҳуқуқий адолат, тенглик ва шу кабилар борасидаги қадриятлар умумий (универсал) бўлгани сингари умумийдир. Бунинг устига шахс ва жамият манфаатлари давлат томонидан ифода этилиши ва таъминланиши зарур, бундай вазиятда давлат, шубҳасиз, ўз ичига шахс ва жамият манфаатларини қамраб олган миллий манфаатларни рўёбга чиқариш механизmidир. Миллий манфаатлар ўзининг аввал бошдан белгиланишига кўра, миллий муносабатлар тизимида давлат олдида турган муҳим вазифаларни умумлаштириш ва таърифлаш вазифасига эга. Шахс ва жамият манфаатлари, ўз навбатида, ўз категориал формулировкаси (тоифавий ифодаси, таърифида) ва ички сиёсатда давлатнинг вазифаларини кўрсатишга қаратилган. Иккинчи томондан, давлатнинг ташқи сиёсати даражасида ифодаланиши ва ҳимоя қилиниши зарур бўлган ҳар қандай (жумладан, шахсий ёки ижтимоий) манфаат миллий манфаат ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, шахснинг ҳаётий муҳим манфаатлари Концепцияда қуйидаги тарзда номоен бўлади:

- инсон ҳуқуқ ва эркинлигини сақлаш, унинг номус ва шаънини эъзозлаш;
- шахсий ва мулкый хавфсизликни таъминлаш;
- маънавий ва ақлий ривожланиш ҳамда шахснинг ўзини ифодалашини таъминлаш;

– инсоннинг куч ва лаёқатини янада тўлиқ фаоллаштириш учун самарали бозор мотивацион механизмларини яратиш;

– инсон фаровонлигининг зарур даражада ўсиши ва кундалик эҳтиёжини таъминлаш;

– инсоннинг ҳаётий фаолияти ва кишилар саломатлигини сақлаш учун қулай экологик шароитни таъминлаш.

Жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари қуйидаги тарзда намоён бўлади:

– миллатлараро, конфессиялараро ва фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлаш;

– миллий анъаналар ва миллат менталитетининг ўзига хослигига мос бўлган демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

– сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш;

– жамиятнинг давлат устидан назоратининг самарали механизмини, жамоат бирлашмалари ва ноҳукумат ташкилотлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолияти учун шароит яратиш;

– ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш ва реал мулкдорларнинг кенг қатламини шакллантириш;

– миллатнинг маънавий уйғониши ва миллий ўзликни англашни ўстиришни таъминлаш;

– жамиятнинг маънавий-ахлоқий, маданий ва бошқа демократик қадриятларини ҳимоялаш;

– жамиятнинг ақлий, таълимий ва маданий қувватини ўстириш;

– жамиятнинг асоси сифатида оилани бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий вазиятни яратиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, жисмоний ривожланган соғлом авлодни шакллантириш.

Жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

– Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий бутунлигини таъминлаш;

– конституциявий тузум ва ҳуқуқий тартибни ҳимоя қилиш;

– ҳокимият бўлиниш тамойили асосида давлатни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш;

– давлатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш;

– ижтимоий, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш;

– ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш;

– рақобатбардош миллий иқтисодиётга эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат тузишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш;

– мулкдорлар ҳуқуқи ва эркин иқтисодий фаолиятни кафолатлаш, хусусий мулкни ҳимоялаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

– барқарор ва динамик иқтисодий ўсиш учун шароит яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш;

– самарали ташқи сиёсат юритиш, халқаро алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

– иқтисодиётнинг устувор соҳаларида юқори даражали илмий-технологик ривожланишни таъминлаш;

– минтақаларда барқарор ривожланиш, иқтисодий вазиятларнинг мўътадиллигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

– мамлакатнинг жаҳон транспорт магистралларига ва телекоммуникацион тармоққа кўп вариантлилиқ билан чиқишини таъминлаш;

– миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратиш, жамоавий хавфсизлик ва ҳамкорликнинг минтақа-

вий ҳамда глобал тизимига ва уларнинг тузилмасига Ўзбекистоннинг органик киришини таъминлаш.

Миллий манфаатларнинг ижтимоий муносабатларнинг соҳа ва тармоқлари бўйича хавфсизлик соҳасидаги аниқ тавсифи “Миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари” Концепциясининг IV бўлимида ёритилган. Унинг кириш қисмида миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари миллий манфаатларнинг устуворлигига, реал ва потенциал таҳдидларга боғлиқ равишда белгиланиши қайд этилган.

Давлатнинг фаолияти ушбу манфаатларга мос равишда олиб борилмоғи керак. Бу нафақат миллий манфаатлар мазмунининг тузилиш жиҳатдан бир парчаси, балки хавфсизлик, таҳдид объектларини ва ушбу манфаатларни амалга оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳамдир.

Шундай қилиб, Концепцияга мувофиқ миллий манфаатлар мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг стратегик вазифаларини ташкил этиш (шакллантириш) асосидир. У ўз мазмун-мундарижасига кўра, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг бир бутун ҳолда бирлашган ифодаси ҳисобланади.

Яна бир муҳим мулоҳаза бор. Баъзи бирикмаларда миллат сўзи мамлакат, давлат маъносини билдиради. Бу ҳол баъзан “миллат” ва “давлат” тушунчаларини бир маънога тенглаштириш учун асос бўлади. Давлат халқ, яъни миллат манфаатларини ифода этишини ҳисобга олиб, буни ташқи сиёсатга қўллаб бўлмайди. Аммо шундай жиҳат ҳам бор: ижтимоий институтлар, хусусий мулк, иқтисодиёт ва бошқалар давлат ихтиёрида бўлган, давлат партия юқори табақаси номидан манфаатлар, қадриятлар, эҳтиёжларни аниқлаш борасида мутлақ устунликка эга бўлган собиқ СССР пайтида, олий даражадаги муҳимлик тоифасидан саналиши лозим бўлган

нимаики бўлса, ҳаммаси олий давлат аҳамиятига молик нарса сифатида аниқланар эди. Шунга мувофиқ, «миллий манфаатлар» ҳақида эмас, «давлат манфаатлари» ҳақида, «миллий хавфсизлик» тўғрисида эмас, «давлат хавфсизлиги» тўғрисида гапирилар эди. Бугунги кунда ҳам баъзилар миллий манфаатлар аслида давлат манфаатлари ҳамдир, дея янглиш қайд этади. Бу хатолик «миллий давлат манфаатлари» каби сўз бирикмаларини қўллашда намоён бўлади. Жамиятни бошқаришни амалга ошираётган, унинг иқтисодий ва ижтимоий тузилишини қўриқлаётган, умуман, жамиятни ташкил қиладиган механизм сифатида давлатнинг ўз вазифалари бор. Бу вазифалар унинг органлари ваколатларида намоён бўлади. Давлатнинг фаолияти ташқи сиёсатда мутлақо миллий манфаатлар талаби билан, ички сиёсатда эса мамлакат Конституцияси ҳамда қонунлари билан кафолатланган шахс ва жамият манфаатларига кўра белгиланиши лозим.

“Давлат манфаатлари” терминини “миллий манфаатлар” бирикмасининг маъносини билдириш учун бир хилда тенглаштириб ишлатишнинг ноқулайлиги яна шу билан ҳам изоҳланадики, давлат манфаатларини тор маънода, масалан, идоралар манфаатлари, давлат қурилиши манфаатлари, маъмурий ислоҳот (давлат бошқарувини такомиллаштириш ва модернизация қилиш), давлатчиликни ривожлантириш деб ҳам тушуниш мумкин. Шу нуқтаи назардан, «давлат манфаатлари» ва «миллий манфаатлар» терминларини бир хил маънода ишлатишдан воз кечиш ёки масала халқаро муносабатлар тизимида давлатнинг мақсад ва вазифаларига бориб тақалганда (сўз халқаро муносабатлар тизимида давлатнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида кетганда) икки терминни бир маънода қўллаш мақсадга мувофиқ кўринадди.

Шу сабабли ушбу тушунчани таҳлил этиш чоғида тарихийлик тамойилига муҳим методологик аҳамият қаратган тадқиқотчи А.В.Федякин¹⁴ хулосаларига қўшилмаслик мумкин эмас. У шундай ҳисоблайди: «Тарихни материалистик тушуниш тарафдорлари томонидан таърифланган баъзи хулосаларни кузатиб, доимий миллий манфаатлар узоқ тарихий жараённинг бориши билан ҳосил бўлади, бу тарихий жараёнда турли-туман хусусий манфаатлар биргаликда ҳаракатланади, деб ўйлаш маъқул кўрилади». Шу билан бирга, миллий-этник мазмун фуқаролик жамияти тузилишига қараб кейинги ўринга янада кўпроқ сурилади. Фуқаролик жамияти етарли даражада пишиб етилганда, қандайдир «миллат-давлат» яхлит организми юзага келади, унда хусусий ва давлат манфаатларини мувозанатга келтириш механизми ишлаб чиқилади. Шундай бўлганда миллий манфаатлар давлат манфаатларини органик равишда ўз ичига қамраб олади. Аксинча, фуқаролик жамияти заиф ва ривож топмаган чоғда миллий манфаатлар давлат томонидан белгиланади. Бунга ўхшаш вазиятларда «миллий манфаатлар» ва «давлат манфаатлари» тушунчаларини терминологик жиҳатдан ажратиш ўз маъносини йўқотади.

Бундай тадқиқотнинг бошқа методологик асоси бўлиб ҳодисаларнинг объектив қонуний ўзаро алоқадорлиги ва сабабий боғлиқлиги (шартланганлиги) ҳақидаги детерминистик таълимот қоидалари ҳисобланиши мумкин. Бу миллий манфаатларнинг унинг жорий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ривожланишининг асосий параметрлари билан, давлат ичкарисидаги воқелик билан узилмас алоқасини аниқлашга имкон беради. Миллий манфаатларни объектив ва субъектив ташкил этув-

¹⁴ Федякин А.В. Национальные интересы России и идеология политических партий: к постановке проблемы. // ВЕСН. МОСК. УН-ТА.-СЕР.12 –ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ.-1999 .-№4. С.102.

чиларнинг диалектик бирлиги тўғрисидаги қонидани яна бир методологик компонент деб ҳисоблаш таклиф қилинади. Объектив ташкил этувчилар қаторига жамиятнинг ривожланиш даражасини, жамоат ва давлат институтлари ўртасидаги муносабатлар ахволини, ҳарбий-техник жараённи, иқтисодий реаллик ва шу кабиларни ҳамда буларнинг барчасидан келиб чиқадиган миллат эҳтиёжини, яъни унинг реал ва потенциал ташқи таҳдидлар шароитида яшай олиш ва ўзни асраш эҳтиёжини кириштириш лозим¹⁵.

«Миллий манфаатлар моҳияти» тушунчаси тўғрисида гапирганда, халқаро майдондаги мамлакат хулқ-атворининг мафкуравий ва бошқа иррационал мотивлари билан кўпинча зиддиятга киришадиган прагматиклик каби хусусиятни қайд этиш лозим. Мазкур прагматизм баъзида давлатни халқаро муносабатларнинг айрим эмоционал вазиятларига қарамасдан кескин ҳаракат қилишга, оммабоп бўлмаган қарорлар қабул қилишга мажбур этади. Идеализм глобал даражада ҳаммага билдирилганда ташқи сиёсатда яхши ҳисобланади. Идеализм давлатни нафақат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган меъёр ва тамойиллари билан ҳисоблашишга, балки уларни ўзининг ички ва ташқи сиёсати асосига олишга ҳам мажбур қилади. Прагматизм шундай ягона позицияки, бундай вазиятда давлатда ҳар қандай шароитда ўз миллий манфаатларини рўёбга чиқаришга имкон бўлади.

Баъзи тадқиқотчилар бунга алоқадор тарзда М.Горбачев ва унинг ташқи сиёсатдаги идеализминини мисол келтиришни хуш кўришади. Маълумки, бу идеализм туфайли собиқ СССР ҳеч нарсага эга бўлмасдан, ҳақиқатда кўп миллатли улкан давлатнинг парчаланиб кетиши

¹⁵ Федякин А.В. Национальные интересы России и идеология политических партий: к постановке проблемы. // ВЕСН. МОСК. УН-ТА.-СЕР.12 –ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ.-1999 .-№4. С.102-103.

учун замин яратиб, ташқи сиёсатдаги барча позицияларидан маҳрум бўлди.

Шу билан бирга, прагматизм миллий манфаатнинг мутлақ хусусияти бўлмаслиги зарур. Миллий манфаат бирданга пайдо бўлиб қолмайди. Бу реал дунёнинг тарихий ва тизимли акс этиши маҳсулидир. Шунингдек, миллий манфаат нафақат сиёсий элита, балки сиёсий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган дунё муаммо ва ривожланиш тенденцияларининг натижасидир. У маданий ва ахлоқий қадриятлар билан, халқларнинг анъана ва одатлари билан, уларнинг туб эътиқодлари тизими билан узлуксиз алоқага эга. Миллий манфаат давлат хулқ-атворининг асосий мезони сифатида ушбу жамиятнинг муҳим социомаданий тамойилларига таяниши лозим, акс ҳолда у ўз моҳиятига кўра, “миллий” бўлмай қолади. Бу нафақат халқаро муносабатлар тизимида вазиятни тўғри тушуна билиш, фойда ва келажакни, қарши чиқишлар ва таҳдидларни кўра олиш маҳорати, балки миллат эҳтиёжларини акс эттириш, тўғри маънода, ўз манфаатлари йўлида фақат маънавий ва маърифат воситаси билан мумкин бўладиган миллатни ривожлантириш ёки тарбиялаш ҳамдир. Миллий ўзини англаш доимий ўсиб борганда ва ўз моҳияти ҳамда табиатини реал тушуниб етишга эришилганда, миллий манфаатларни ифодалаш айнан бир хил бўлади.

Ўзни англаш ва миллий манфаатларни ифодалаш даражаси кўпинча маданият, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизимининг ривожланиш даражаси билан, халқ анъаналари, менталитети, халқ руҳиятининг ўзига хослиги билан, мамлакатнинг геосиёсий ҳолати хусусиятлари, тарихий омиллар кабилар билан тавсифланади, деб тасдиқловчилар ҳақлидир. Ниҳоят, ҳар бир мамлакатнинг ўз ташқи сиёсат юритиш усули бор. Ташқи сиё-

сий институт ва идоралар устуворликлар тизимини шакллантиради, улар қонунчилик, концепциялар ва дипломатик амалиёт орқали мамлакат ичи ва ташқаридаги жамоатчилик эътиборига етказилади.

Буларнинг барчаси биргаликда давлатнинг имижини яратади, ҳаммага эълон қилинган манфаатлар давлатнинг элементи бўлиб қолади.

Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликнинг аниқ ва яққол талқинининг мавжудлиги ўта муҳим. Ушбу талқин расман маъқулланган мақсад ва давлат стратегиясига уйғун бўлиши лозим. Шу билан бирга, давлат устунлик даражасига кўра манфаатларни табақалашга интилади. Биринчи ўринда Конституция ва қонунларда белгиланган манфаатлар туради. Бу, юқорида қайд этилганидек, ҳаётий муҳим, асосий, ўзгармас, миллат ва давлатчиликнинг мавжуд бўлиши асосларига тааллуқли бўлган манфаатлардир. Сўнгра сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-стратегик ва ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқ манфаатлар келади. Уларнинг рўёбга чиқмаслигидан етадиган зарар кам даражададир. Улар ўз моҳияти жиҳатидан ҳаракатчан, жаҳон конъюктурасининг ўзгариши туфайли яқин вақтда жозибадорлигини йўқотиши мумкин. Янада юқори мақсадга эришилган ҳолатларда, одатда, бундай манфаатлар қурбон берилади ёки улар келгусидаги фойдалар инобатга олиниб, музокараларда алиштириладиган картага айланади.

Давлатлар ўртасидаги муносабатлар, агарда улар муроса асосига қурилса, узоқ муддатли бўлади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган тамойилларидан бири давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик эканлиги бежиз эмас. Бу ҳамкорлик томонлар бир-бирининг манфаатларини инобатга олмасдан, ҳамкорлик (ҳаётий муҳим миллий манфаатлар нуқтаи назаридан анча катта фойдани ан-

латган ҳамкорлик) йўлида қандайдир манфаатларни қурбон бермасдан туриб бўлиши мумкин эмас.

Агар давлат бошқа давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда халқаро майдонда миллий манфаатларини амалга ошириш стратегиясини қуришни билмаса, у муқаррар суръатда можарога тортилади. Агар у ёки бу давлат ҳаётини муҳим манфаатлар учун иккинчи даражали манфаатларни берса ва нима бўлган тақдирда ҳам уларни рўёбга чиқаришга интилса, у низоли қарши ҳаракатга дуч келади. Бугунги кунда АҚШ каби мамлакатларгина бундай қилишни ўзига эп кўриши мумкин, холос. Ўрни келганда айтиш керакки, АҚШнинг ҳамма лойиҳалари ҳам бу борада кутилган натижаларни бераётгани йўқ. Бу бугунда ҳарбий дағдаға жихатдан кучлилар эмас, балки дипломатия борасида кучлилар, келишиш ва ишонтиришни, савдолашиш ва бирор нарса ўрнига шунга тенг фойдани таклиф этишни, бошқача айтганда, рад этиб бўлмайдиган таклифларни беришни билладиганлар ғолиб чиқиши ҳақидаги фикрнинг тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Халқаро ҳуқуқнинг анча кучли субъекти тазйиқи, менсимаслик ёки махфий келишув асосида уюшган ҳолда яккалаб қўйиш (агар гап баҳсга киришган давлатларнинг конструктив бўлмаган позицияси тўғрисида бораётган бўлса) можаронинг муқобили бўлиши мумкин. Агар давлат “чекинса”, халқаро ҳуқуқ билан зиддиятга киришса, унда эмбаргодан тортиб ҳарбий операциягача халқаро санкция қўлланади. Зиддият – ўзаро тенг давлатларнинг қисмати. Заиф, давлатлараро жамоавий тадбирлар билан ҳимояланмаган давлатларнинг қисмати – “калтакланиш”.

Ташқи вазият давлатни номаъқул ўйин қоидаларига мажбур этса, қўпинча қолипга сиғмайдиган ҳаракат қилишдан бошқа иложи қолмайди: ҳар ким ўз ҳаётини муҳим манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақлидир. Шу би-

лан бирга, ҳар бир давлат принциплар зонасидан ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан чиқилганда, ушбу вазиятлар уни оқлай олмаслигини англаб етиши зарур. Миллий манфаатлар халқаро майдонда қонунга тўғри келмайдиган хулқ-атворга асос бўлиши мумкин эмас. Лекин, афсуски, ҳамма учун эмас. Ҳозирги халқаро муносабатларнинг ҳақиқий манзараси шундай. Бунинг устига, ҳатто халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари доирасида ҳамма давлат ўз миллий манфаатларини амалга оширишда бирдай имкониятга эга эмас: давлатлар ўртасидаги рақобатдан келадиган фойда ҳаминша кучлилар томонда. Давлатларнинг халқаро муносабатлар характерида, дунёнинг ривожланиш тенденциясига таъсири тўғрисида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин.

Юқорида миллий манфаатлар давлат ташқи сиёсий атворининг асосий омили бўлиб чиқиши ҳақида бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Кучсиз давлатлар (энергия ресурслари ёки технологияси, молиявий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа салоҳиятлари етарли бўлмаган) халқаро муносабатлар тизимида амбициоз миллий манфаатларини яқка ҳолда ҳимоя қилиш имконига эга эмас. Рақобат минтақавий кооперация йўллариини излашга мажбур қилади. Аммо, бу вазиятда ҳам минтақавий манфаатлар устуворликка эга бўлади. Алоҳида олинган давлатнинг ташқи сиёсатдаги амбициоз манфаатлари ва давлатлараро ҳамкорлик ўзаро қийин қўшилади (албатта, агар бу мақсадлар учун кучли давлатлар томонидан саҳийлик билан ҳақ тўланмаса), ўзидан бундай ташкилотнинг умри қисқалиги ва номигагина эканлиги хавфини соқит қилолмайди. Ҳар бир давлатнинг минтақавий манфаатларни амалга ошириш учун «жавобгарлик» тушунчаси қанча чуқур бўлса, бундай ташкилотларнинг ҳар бир мамлакат-иштирокчи-

ни миллий ривожланиш мақсадига эришишни таъминлаш имконияти шунча юқори бўлади. Албатта, якка ҳолда имконияти чекланган давлатларнинг миллий манфаатларни рўёбга чиқариш борасидаги сиёсати халқаро муносабатларнинг мазмуни ва йўналишига амалда таъсир қилмайди (фақат гап халқаро ҳуқуқ доирасидан чиқадиган услублар ҳақида кетмаётган бўлса). Бу яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас: бу миллий манфаатлар мамлакатнинг салоҳияти ва халқаро майдондаги нуфузига боғлиқ бўлган иерархияга эга эганлигини билдиради. Бу иерархия бизга ҳозирги халқаро муносабатлар тизимида мавжуд бўлган муаммоларни кўрсатади, шунингдек, миллий манфаатларнинг барчаси унинг ривожланиш омили бўлавермаслигини билдиради.

Масалан, кучли давлатлар жўғрофий кенг ҳудудни қамраб олиш билан ўзларининг амбициоз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эгалар ва шунга мувофиқ халқаро муносабатлар мазмуни ва йўналишига таъсир этади. ШУ билан бирга, мавжуд ҳолатни сақлаш асосий мақсад ҳисобланади. Улар учун давлатларнинг молиявий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий марказларга боғлиқлигини сақлаб туриш муҳим. Бунга эса фақат жаҳон ҳамжамиятига ўз манфаатларини минтақавий ёки глобал манфаатлар сифатида тақдим этиш орқали эришиш мумкин.

Алоҳида миллий манфаатларни глобаллаштириш глобаллашувнинг биринчи ва асосий камчилигидир, чунки у геосиёсий амбицияларни кенгайтиришга интилишни қайта жонлантиради, гегемонистик империя стратегияларини янги шаклда ва янги ташқи сиёсий воситалар комплекти билан пайдо бўлиши учун шароит яратади. Иккинчи томондан, бундай миллий манфаатлар табиий равишда қарши ҳаракат реакциясини келтириб чиқаради.

Бугунги кунда жадал тараққий этаётган, олдида ҳеч қандай ички ёки ташқи тўсиқлари бўлмаган давлатлар орасида ўз таъсири ва ҳукмини имкон қадар кенг геосиёсий маконга кенгайтиришни ўйламагани топилмайди.

Ҳақиқатда бундай давлатлар йўлидаги ғов у билан чегарадош мамлакатлар ва нуфузли мамлакатлар қанча бўлса, шунча эканлиги ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ушбу амбициоз давлат уларнинг манфаатлари йўлини кесиб ўтмаслиги, ўзининг рақобатбардошлилигини оширмаслиги учун қаттиқ кузатиб туришлари бошқа масала. Агар давлат жуда кучли бўлса (масалан, АҚШ каби), у ҳолда эртами, кечми унинг қарши ҳаракатга дуч келишига тўғри келади.

Бу қарши ҳаракат, юқорида қайд этилганидек, иттифоқлар тузиш ва турли коалициялар ташкил қилиш орқали ифодаланади.

Физика оламида тегишли тажрибалар ўтказиш натижалари муқаррар бўлгани каби кучлар нисбатини ўрнатишга мойиллик ҳам муқаррардир. Халқаро муносабатлар тизими, ҳар қандай бошқа рақобат муҳити сингари, давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг янги самарали шакл ва услубларини ривожлантиришни рағбатлантиради. ШУ жиҳатдан кучлар нисбати тамоибли тинчликни сақлашга, бир-бирини янада чуқур тушунишга, миллий, минтақавий, глобал хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. Аёнки, кучлар нисбати – халқаро муносабатларни олдиндан башорат қилишнинг шарти, у ёки бу давлатнинг ташқи сиёсатдаги субъектив омили, амбициозлигини, авантюрачилик хатти-ҳаракатларни, ташқи сиёсий мотивация тизимига эмоция (ҳиссиёт) аралашуви кабиларни камайитириш кафолатидир. Халқаро муносабатлардаги кучлар нисбати давлат механизмидаги қарши қўйиш ва тўхтатишлар тизимига ўхшаб ўртага

чиқади. Шу билан бирга, эътироф этиш лозимки, халқаро муносабатлардаги кучлар нисбатининг ҳар қандай тизими ҳеч қачон мутлақ барқарор бўлиши мумкин эмас, чунки давлат ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари доимий ҳаракатланишда бўлади. Уларнинг куч параметрлари ўзгармоқда, иқтисодиёт, ҳарбий қудрат, бошқа давлатлар билан муносабатлар ривожланмоқда. Шу сабабли халқаро муносабатлардаги ҳар қандай кучлар нисбати барқарор эмас. Миллий манфаатлар халқаро муносабатлар беқарорлигининг асосий омили бўлиб чиқади, улар кўпинча бир-бири билан зиддиятга киришади ва жамоавий бўлиб қарши туриш учун аҳамияти кам манфаатлардан воз кечиб, энг низоли қутбга қарши туриш шарти билан давлатлараро ҳамкорликнинг тегишли конфигурациясини топишга мажбур қилади.

Манфаатларнинг ўзи турли хил, шу жумладан, геосиёсий таъсирлар остида доимий ва тўхтовсиз равишда ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар бир текисда содир бўлмайди, бу ҳол тизим мувозанатида доимий ўзгаришлар ва оғишларга олиб келади.

Аммо бундай вазиятда ҳам, физика қонунларидаги ўхшашликларни келтириб, айтиш мумкинки, мувозанатини йўқотган тизим бузилган мувозанатни тиклашга доимий суръатда интилади ва у яна тикланган тақдирда ҳам, одатда, бу янги асосда содир бўлади. Тизимдаги мувозанат ҳар доим нисбий, ўсувчан, ўзгарувчан эканлиги шу билан изоҳланади. Мувозанат тикланади, шу заҳотиёқ бузилади, янги асосда яна тикланади, яна бузилади. Система яшаб, фаолият ривожланишда экан, бу ҳол шу тариқа чексиз давом этаверади.

Бу ерда сиёсий таҳлилнинг аҳамияти шундан иборатки, ушбу жараённи, ҳеч бўлмаганда, минтақа даражасида бошқаришни ўрганиб олсин. Куч нисбатининг

минтақавий тизимлари яна шунинг учун ҳам энг ишончлики, унда кам сонли миллий манфаатлар иштирок этади ва улар минтақавий манфаатларни англаш асосида ўзаро мувофиқлашган бўлади. Минтақавий куч нисбати ва ундаги ўзгаришлар, аввало, унинг бевосита иштирокчилари учун аҳамиятга эга бўлади, бу глобал кучлар томонидан аралашув хавфини камайтиради.

Шундай қилиб, миллий манфаат – халқаро муносабатларнинг мураккаб ва долзарб омили. Глобаллашувнинг ҳозирги жараёнлари дунёдаги геосиёсий вазиятни баҳолашнинг энг муҳим мезонларини топиш, халқаро кучлар нисбатини ва давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида миллий манфаат мазмунидаги баъзи позицияларни қайта кўриб чиқиш заруратини шарт қилган ҳолда ушбу феномен моҳияти таҳлиliga яна ва яна қайтишга мажбур этади.

Миллий манфаатлар мазмуни нафақат ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифалари билан, балки ижтимоий муносабатлар характери, миллат маданияти, анъаналар, урф-одатлар билан ҳам белгиланади ҳамда уларни асрашга қаратилган.

Миллий манфаатларнинг йўналганлиги ва тузилиши мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ривожининг талаб ва эҳтиёжларига ҳам боғлиқ. Аммо ўзгармас, ҳаётий муҳим манфаатлар бўлиб, одатда, миллий хавфсизлик ва худудий бутунликни, халқ фаровонлигини таъминлаш, унинг маданиятини асраш ва ривожлантириш борасидаги эҳтиёжлар чиқади. Амалий ишланмалар ва сиёсий қарорлар қабул қилиш даражасидаги миллий манфаатлар энди ички ва ташқи сиёсатнинг аниқ устувор масалалари, мақсад ва уларни амалга оширишнинг воситалари шаклида чиқади. Ҳеч бир давлат ўз олдига турган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг барчасини бир вақтнинг ўзида ҳал қила олмайди. Шунинг учун айни пайтда-

ги асосий ва устувор масалаларни аниқлашга ва давлат олдида турган муаммолар занжирини тортиш шартли билан уларни ечишга зўр беришга ҳаминча зарурат туғилади.

Давлат сиёсатини ва унинг ҳаётий муҳим миллий манфаатларини аниқлашнинг фундаментал асосларидан бири унинг геосиёсий ҳолати ҳисобланади. Ўз навбатида, геосиёсий ҳолат халқаро майдонда миллий манфаатлар тизимининг ўзгарувчан характери билан, барқарорлик омилларини излаш ва халқаро муносабатларни олдиндан айтиш йўллари топиш билан давлатлар ва уларнинг миллий манфаатлари ўртасидаги кучлар нисбатини аниқлаш ва шакллантириш заруратини буюради.

Давлатнинг миллий манфаатлари ва унинг хавфсизлигини таъминлаш муаммолари мамлакат ичкарисиди ҳам, унинг яқин атрофдаги ташқарисиди ҳам можароли вазиятларни бартараф этиш, минтақавий интеграцион бирлашмалар, геосиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий хавфсизликка бўлган таҳдидлар миллий манфаатларни аниқлашнинг муҳим омили бўлиб чиқади.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Миллий манфаатлар» тушунчаси.
2. Миллий манфаатлар ва давлат манфаатларининг ўхшаш томонлари ва фарқлари.
3. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликнинг уйғунлиги.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади. - Т., Ўзбекистон, 2005.

3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. - Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 - Т., Ўзбекистон, 2002.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., Ўзбекистон, 1997.
6. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
7. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
8. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.
9. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.
10. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. - СПб.: Питер, 2005
11. Арах М. Европейский Союз. -М.: ОАО изд-во "Экономика", 1998. -С.29-35.
12. Федякин А.В Национальные интересы России и идеология политических партий: к постановке проблемы.// вестн. Моск. Ун-та. - Сер.12 -Политические науки. -1999. -№4. С.102.

III. ГЛОБАЛЛАШУВ – ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

3.1. Глобализмнинг умумий тавсифи

Ҳозирги замон сиёсий фанида “глобаллашув” термини давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги кучайиб бораётган ўзаро алоқа ҳамда боғлиқликларнинг қатор универсал жараёнлари ва ривожланишини англатиш учун ишлатилади. Глобаллашув турли йўналишдаги тенденциялар орқали шаклланган мураккаб, зиддиятли ва диалектик жараён сифатида намоён бўлади.

Сўнгги йиллардаги сиёсий ва иқтисодий жаҳон ҳамжамияти ривожининг умумий жараёнида, глобализм ривожланишининг умумжаҳон тенденцияси кучайишида интеграция ва корпорациянинг роли ошганлигидан қатъий далолат беради.

Ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг муҳим ўзига хос хусусияти бўлиб, бир томондан, халқаро сиёсий иқтисодиёт жараёни ва тузилиши ўртасидаги, иккинчи томондан, халқаро муносабатлар тартиби мазмун-мундарижаси ўртасидаги мустаҳкам алоқа ҳисобланади. Давлатлар стратегиясининг ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий жиҳатлари ўзаро боғланган бўлиб, биргаликда ҳаракатланади. Ҳозирги глобаллашув жараёнининг асосий хусусияти унинг кўп ўлчамли характеридадир. Давлатларнинг ташқи сиёсати глобал жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати ва тузилиши билан янада кўпроқ даражада шаклланиб бормоқда. Жаҳон сиёсий тизимида “ички” ва “халқаро” сиёсат ўртасидаги чегаралар йўқолмоқда ҳамда гоё ва қадриятларнинг трансмиллий оқими янада қудратли бўлиб бормоқда.

Глобаллашув муаммолари бўйича назарий ишлар сони доимий суръатда ўсаётир. Умумий нуқтаи назар шундай хулосага олиб келадикки, глобаллашув бутун жаҳон ҳамжамиятини қамраб олган универсал жараён бўлиб, уни фақат давлатлар ҳукуматлари ва халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан тартибга солиш мумкин. Ушбу жараённинг ички қарама-қаршиликлари англашилса-да, шунга қарамай, Ғарб экспертлари уни рад этиб бўлмаслик тўғрисида фикр юритишмоқда. Глобализм ушбу жараёнга алоқадор мамлакатлар ҳаётий фаолиятининг барча томонларига кучли таъсир кўрсатувчи комплекс равишдаги геоиқтисодий ва геосиёсий ҳодиса сифатида тушунилади. (Nyu Joseph, Reohane R.). Қатор тадқиқотчилар муносабатларнинг халқаро тизимига глобализациянинг таъсири фундаментал равишдан катта эканлиги концепциясидан келиб чиқишади (Haas Richard). “Анъанавийчилар” эса аксинча, гарчи глобализация ноҳукумат субъектларнинг кучайтирувчи роли сифатида тавсифланса ҳам, стратегиянинг анъанавий қоидалари, хусусан, сиёсий субъектларнинг манфаатлари ва мотивлари таҳлили, давлатлар нисбатига эришиш, зарур бўлган тақдирда, альянслар воситасида ёки мавжуд қарама-қаршиликлардан фойдаланиш орқали уни ўзгартириш сақланиб қолади, деб ҳисоблайдилар (Buzan Baggu). Бундай таҳлилчилар бозор иқтисодиёти ва янги технологияларнинг ривожланиши шароитида глобаллашувни қабул қилишга рози, аммо унинг сиёсий ва гуманитар жиҳатларига нописанд муносабатда бўладилар. Шу сабабли муаммонинг турли жиҳатларининг ўрганилганлик даражаси бир хилда эмаслигини қайд этиш лозим: глобаллашувнинг иқтисодий соҳасини (халқаро савдо, ишлаб чиқариш ва молия бозорлари омилларининг халқаро динамикаси масалаларини) тадқиқ қилиш анча илгарилаб кетган; институционал, этномил-

лий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги натижа ҳозирча анча кам таҳлил этилган. (Castells M., Pollack A.A.)

Глобаллашув – унинг доирасига давлат таянадиган ташқи контекстнигина эмас, балки давлатлар ва сиёсий ҳамжамиятлар табиатининг ўзини ҳам ўзгартирувчи жараён дур. Ҳозирги дунёда унинг ижтимоий, ғоявий-сиёсий, миллий жиҳатдан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлари ва улар билан боғлиқ зиддиятларга (ички ва ташқи) қарамасдан, бир томондан, глобал таҳдидлар, иккинчи томондан, халқаро ҳамжамиятни барча ташкил этувчиларнинг ўзаро боғлиқлиги шароитида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кучайиб бораётган глобаллашувнинг ижобий натижалари ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун кўпчилик ишларда татбиқ этишнинг аниқ соҳалари чегараларида, кўп томонлама глобал сиёсий конфигурациянинг давлатлараро тизимида давлатлар ўртасида ўсиб бораётган ўзаро боғлиқликларни, минтақавий тартибларнинг ролини таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда глобаллашув масаласи сиёсатшунослар, иқтисодчилар, социологлар, файласуфлар, географлар томонидан муҳокама этилаётган энг долзарб муаммолардан бири саналади. Иқтисодчилар иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳақида, географлар “иқтисодий архипелаглар”ни яратиш, шу жумладан, йирик мегополислар ассоциациясини тузиш тўғрисида, социологлар одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш ҳақида, сиёсатшунослар дунё икки лагерга ажралган вақтда «совуқ уруш» тугаганини, давлатларнинг ўзаро боғлиқликлари, улар суверенитетининг камайганлиги тўғрисида сўз юритадилар. Аслида глобаллашувнинг ўзи нима – афсонами ёки ҳақиқат? Агар ҳақиқат бўлса, у ким учун ҳақиқат – юқори ривожланган мамлакатлар, жаҳон иқтисодиёти элитаси учунми ёки бутун ер шарини учунми?

Давлатларнинг яқинлашуви инсоният бутун тарихи давомида юз берди. XIX асрдаёқ тадқиқотчилар ягона жаҳон маконининг яқин келажаги ҳақида ёзгандилар. Аммо иқтисодиёт, фан ва техника тараққиёти ҳамини ҳам силлиқ бормаган. Давлатларнинг яқинлашув суръати инқилобий тезлик билан кечган иккита тарихий давр тўғрисида гапириш мумкин:

а) XIX–XX асрлар чегараси. Ушбу даврда инсоният глобал миқёсда ўзаро савдо ва инвестициянинг тарқалиши эвазига, телефон, юк кемалари ва конвейерлар туфайли яқинлашиш босқичига қадам босди. Глобаллашув асосчилари Р.Кобден ва Ж.Брайт эркин савдо жаҳон иқтисодий ўсишини тезлаштириши ҳақидаги шиорни илмий жиҳатдан асослаб беришди. Ўзаро иқтисодий боғлиқлик туфайли мисли кўрилмаган ривожланиш асосида халқлар ўтмишдаги келишмовчиликларни унутиб, ҳамкорлик учун жипслашади. Глобаллашувнинг жаҳон ҳамжамиятига таъсири ғояси Норман Эйнжеланинг “Буюк иллюзия” (1909 й.) китобида янада ривожлантирилган. Унда муаллиф давлатларнинг, хусусан, Буюк Британия ва Германиянинг ўзаро боғлиқлиги мустаҳкамланиб бориши туфайли глобал можаролар юз бермаслигига ўқувчиларни ишонтирган. Ҳаёт буни рад этди: китоб нашр қилингандан сўнг 5 йил ўтгач, Биринчи жаҳон уруши бошланди, у XX асрнинг 70 йилларига қадар глобаллашув жараёнини «музлатиб» қўйди;

б) 70 йилларнинг охири информатика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларидаги инқилобларга асосланган глобаллашувнинг иккинчи туғилиши сифатида тарих саҳифасига кирди. Сўнгги 30 йилда компьютерлар умумий сонининг қуввати ҳар 18 ойда икки мартага ошди, 1991 йилдан бошлаб ахборотлар ҳажми дискларнинг ҳар квадрат сантиметрида йилига ўртача 60 %га кўпайди. Ахборот етказиш харажатлари кескин қисқарди: ҳозир

улкан ҳажмдаги ахборотлар телефон, оптик кабель ёки радиосигналлар орқали ер шарининг исталган нуқтасига етказилиши мумкин, бу ҳол энг фаол тарзда иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. ТМҚ ролининг юксак даражада ўсиши глобаллашув иккинчи босқичининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Компания дунёнинг 75 мамлакатидан кўпроғида вакилликка эга. Халқаро сиёсий жараёнда уларнинг роли ошиб бормоқда. Улар қийинчиликсиз миллий чегараларни кесиб ўтмоқда ва ривожланган давлатлар ҳукуматларига ўз хоҳиш-иродасини ўтказмоқда. Ҳозир дунёда ТМҚ ривожланишининг ўзига хослиги товарларнинг асосий қисми чет элдаги шахобчалари томонидан ишлаб чиқарилаётганидир (одатда, Осиё мамлакатларида). Товарлар, хизматлар ва сармояларнинг кўчиб юриши, қайта жойлашиш йўлидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши кўпгина мамлакатларнинг стратегиясига айланди.

Глобаллашув жараёни кенг қамровли хусусиятга эга бўлгани сабабли улар турли илмий фанлар қизиқиши доирасига киради, шу билан бирга, бундай фанларнинг ҳар бири нафақат муаммонинг ўзига тегишли жиҳатларини ўрганади, балки ўзига тушунарли аппаратдан ҳам фойдаланади. Шунинг сабабдан ҳанузгача “глобаллашув” тушунчасининг умум қабул қилинган таърифи йўқ. Иқтисодчилар учун ушбу жараёнда асосийси – масаланинг молиявий томонидир, яъни, трансмиллий корпорациялар (ТМҚ)нинг вужудга келиши, жаҳон савдосини жадаллаштириш, иқтисодиётни минтақавийлаштириш. Файласуфлар учун глобаллашувнинг моҳияти инсоний қадриятларни умумлаштиришдан иборат. Социологларни бу феноменда, аввало, дунёнинг турли минтақаларида инсонларнинг ягона яшаш тарзининг вужудга келиши қизиқтиради ва ҳ.к.

Париж сиёсий тадқиқотлар институти профессори Б.Бади глобаллашувнинг уч ўлчамини ажратиб кўрсата-

ди, ушбу ҳодисага бошқа барча ёндашувларни ҳам бирлаштиради:

- асрлар давомида ривожланиб келаётган тарихий жараён;

- ягона тамойил асосида ҳаётни, дунёни гомогенизациялаш, ягона қадриятларга содиқлик, барча урф-одатлар ва ахлоқ меъёрларига амал қилиш;

- давлат суверенитети бузилишининг асосий омили ҳисобланган кучайиб бораётган ўзаро боғлиқликни, трансмиллий нодавлат тузилмалар – этник диаспоралар, диний ҳаракатлар, глобал фирмалар, гуруҳларнинг ўсиб бораётган таъсирини эътироф этиш;

- мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги глобаллашув моҳиятини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзаро боғлиқликнинг ўсишида ёки “жаҳон ҳамжамиятини жаҳон жамиятига айланиши” да кўрадилар.

Глобаллашувга берилган баҳоларнинг турли-туманлиги жараёнларнинг ўзи зиддиятли эканлигини ҳам акс эттиради: барча ҳодисалар ўзаро боғлиқ бу дунёда умуминсоний манфаатлар ва миллий-этник ўзига хослик ўртасидаги, глобаллашув ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши, ижтимоий умумийлик ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва ҳоказолар.

Айни пайтда ушбу жараёнлар турли давлатлар/минтақаларда уларнинг турли тарихий траекториялари, маданияти, сиёсий иқтисодиёти, тегишли инфраструктуралари, саноат ва илмий-техник ривожининг турлича даражаси, турли ҳамжамиятлар имкониятлари, ижтимоий-сиёсий кучлар, ташкилотларнинг манфаатлари, шунингдек, реал вазифаларнинг қўйилиши ва эришилган (қисқа, ўрта, узоқ муддатли) мақсадлари билан турлича намоён бўлади.

Глобаллашувни ўрганишда учта асосий сиёсий ёндашув мавжуд: либерал, радикал ва неореализм. Ушбу ёндашувларни кўриб чиқишдан мақсад шуки, уларнинг ҳар бири келгуси тараққиётни белгилашда халқаро сиёсий иқтисодиётнинг назарий масалаларини қандай ҳал қилар экан, хусусан, қуйидаги масалаларни:

- ҳудудий чегаралар орқали иқтисодиёт ва сиёсат соҳасининг ўзаро алоқаси;

- рақобатлашаётган давлатлар тизимида қарор қабул қилишда давлатнинг роли;

- давлатнинг ташқи ва ички манфаатларининг ўзаро алоқаси.

Умуман, глобаллашув нуқтаи назаридан анъанавий реализм ва либерализм алоҳида қизиқиш уйғотади. Анъанавий реализмнинг фарқловчи хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади: иқтисодиёт ва сиёсат ўртасидаги аниқ ажралиш ва сиёсатнинг иқтисодиётдан устуворлиги. Давлат халқаро муносабатларнинг ягона ва асосий иштирокчиси саналади. Асосий мақсад – хавфсизлик ва давлат яхлитлигини сақлашда (халқаро муносабатлар салоҳияти зиддиятлидир); халқаро муносабатлар концепцияси соҳалардан бирортасида инкор қилинади.

Анъанавий либерализм тарафдорлари шундай ҳисоблайдиларки, халқаро муносабатлар тизимининг асосий иштирокчилари – индивидуумлардир; умуман халқаро муносабатлар – иқтисодий соҳада агентлар ўртасидаги муносабатлардир; давлатнинг асосий мақсади нафақат хавфсизликни таъминлаш, шу билан бирга, персонал эркинлик ва қўп томонлама ҳамкорликни кучайтириш ва яхшилаш орқали кишилар фаровонлигини оширишга қаратилган самарали сиёсат юритишдир. Либерализм сиёсий жиҳатдан кўра иқтисодий томонга, халқаро меҳнат тақсими ва ҳамкорликка устувор аҳамият беради; асосий тамойил – иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартибга солишидир.

Анъанавий реализм қоидалари мантиққа тез берилади. Анъанавий реализм концепцияси сиёсий жиҳатлар иқтисодий жиҳатлардан юқори қўйилган ёндашув ҳисобланиб, у давлат олдида турган миллий хавфсизлик масаласини унинг бутун фаолиятидаги энг асосий масала сифатида белгилайди. Айни чоғда давлат – халқаро муносабатларнинг ягона, бўлинмас ва рационал иштирокчиси дир, нодавлат тузилмаларнинг муҳимлиги ҳисобга олинмайди. Шундай ҳулоса қилиш мумкинки, ушбу концепция тарафдорлари барча халқаро ишларни асосий давлатлар қўлидаги қурол, деб қарайди. Халқаро ташиқлотлар урушни бартараф этишга қодир эмаслигига мутлоқ ишонч ҳосил қилиш реалистларни нодавлат тузилмалар билан низоларни ҳал қилиш имконияти мавжудлигини рад этишга мажбур қилади. Ҳар қандай давлатнинг энг характерли вазифаси хавфсизлик дилеммасининг (security dilemma) ҳал этилишидир, деб ҳисоблашади ушбу ёндашув тарафдорлари. Ушбу мактаб вакилларининг фикрига кўра, ҳар қандай тузилма, айниқса, давлат “эгоизм” тамойиллари асосида иш кўриши лозим. Бунинг устига, реалистик ҳамкорлик ва халқаро муросага эришувнинг ҳар қандай имкониятини рад этадилар (Маккавелли: “It is better to be loved and feared, but if you have to choose it is better to be feared”). Келтирилган ушбу фикрдан кўриниб турибдики, реалистлар ҳамкорликдаги ўзаро манфаатни эмас, балки бошқалар олдидаги қўрқувни ёки бошқалардан устун бўлиш истагини қўймоқдалар. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг янада ортиқ даражада ўсиб бориши билан бирга, глобаллашув ва халқаро ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётган бир даврда анъанавий реализм концепцияси маъқул саналмайди. Куба ва Шимолий Корея мамлакатлари ушбу назария тадбиқига яққол мисол бўла олади.

Либерал ёндашувнинг муҳим тамойилларидан бири – нодавлат ташкилий тузилмаларнинг муҳимлигини эътироф этишдир. Реалистлардан фарқли ўлароқ, ушбу мактаб тарафдорлари иқтисодий соҳадаги халқаро ҳамкорликни давлатнинг ташқи сиёсатида устувор ҳисоблайдилар, халқаро муносабатларни эса иқтисодий соҳада индивидуумлар ўртасидаги муносабатлар, деб билишади. Либераллар хавфсизликни сақлашни турли иттифоқлар тузишда кўради, уларнинг фикрича, хавфсизлик дилеммаси ўйлаб топилган нарса, чунки демократик мамлакатлар ўртасида уруш бўлиши мумкин эмас. Давлат халқаро муносабатларнинг унитар ва ягона иштирокчиси сифатида эмас, балки асосий субъектлар – индивидуумлар қатори яна бир ташкил этувчи сифатида қаралади. Либерализм иқтисодиёт соҳасида бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш тамойили ва давлатнинг эркин аралашувини тарғиб қилган ҳолда неоклассик қарашларни ёқлайди.

Бир қарашда “реалистик пессимизм”нинг мутлақ тескариси бўлиб кўринган либерализм камчиликларга ҳам эга. Иқтисодий агентлар фаолиятини ижтимоий-сиёсий контекстдан ташқарида кўриб чиқилиши тўлиқ бўлмайди. Шунинг учун халқаро муносабатларнинг бутун манзараси ҳақида етарли даражада тасаввур беролмайди. Либералларнинг иқтисодиёт соҳасида бир нуқтага тўпланганлиги халқаро муносабатлар табиатини тўлиқ тушунишда лаёқатсизликка олиб келади. Назарий жиҳатдан “халқаро муносабатларнинг глобаллашуви” тушунчасининг ўзи халқаро муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлиги концепцияси билан зич боғланган. Ўзаро боғлиқлик – кўп ўлчамли ҳодиса, негаки, у глобал, минтақавий, континентал даражада намоён бўлади. У кўп секторал хусусиятга эга, чунки жамиятлар

фаолиятининг сиёсий, экологик, техник ва ижтимоий-маданий соҳаларига бир вақтнинг ўзида тегиб туради.

Ҳозирги дунё ўзаро боғлиқликда, ўзаро алоқадорликда, ахлитликда эканлигини тасдиқловчи асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

– халқаро меҳнат тақсимооти асосида ишлаб чиқаришнинг байналлашуви;

– бугунги кунда, баъзи истисноларни ҳисобга олмганда, барча мамлакатлар глобал ахборот тизими доирасида ҳаракатланаётганига сабаб бўлган икки томонлама ва кўп томонлама ахборот алмашинуви;

– ҳалокатли суръатда камайиб бораётган, аммо миллий ва жаҳон хўжалигининг меъёрдаги фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган табиий бойликлар, шу жумладан, фойдали қазилмалар, хом ашё, ёқилги, ўрмон ресурсларининг аҳволи;

– ҳозирги замоннинг барча қарама-қаршиликлари ва муаммолари тепасига асосий зиддият – тинчлик ва уруш хавфи, инсониятнинг яшаб қолиши ёки ҳалок бўлиши ўртасидаги қарама-қаршилик.

Шундай қилиб, бу XXI аср бошидаги жаҳон тараққиётини, умумжаҳон миқёсида ижтимоий ривожланишнинг янги босқичини, фан-техника ютуқлари натижасида сифат жиҳатдан янги ижтимоий алоқа ва жараёнларни характерловчи асосий тушунчадир. У инсоният фаолиятининг турли соҳаларида юз бераётган кўплаб ўзгаришлардан вужудга келмоқда. Глобаллашув кечагина бўшлиқда вужудга келгани йўқ. Унинг пайдо бўлиши саноат инқилоби, янги транспорт ва алоқа воситаларининг яратилиши, жаҳон бозорининг шаклланиши, оммавий миграция, халқаро алоқа ва алмашинувларнинг жадаллашуви мамлакат ва халқларнинг тарқоқ бўлишларига барҳам берди. Жаҳон хўжалик алоқалари қизгин ривож топмоқда, халқаро муносабатларни тартибга со-

лишнинг жаҳон тизими яратилмоқда, маданий ўзаро таъсирлар жадаллик билан кечмоқда, узоқ масофалар нисбатан осон босиб ўтилмоқда, дунё яхлит қиёфага кира бошлади.

Цивилизация ривожини ва тараққиётини нечоғлик узлуксиз бўлса, глобаллашув ҳам шундай. Масала шундаки, глобаллашув бугун, эрта, индин... кимга ва қандай фойда келтиради? Бугун глобаллашув аниқ фойда олаётган, яқин келажакда қарор топажак вазиятнинг тегишли имконият ва афзалликларини ҳисоблаб чиқаётган мамлакатлар ва халқаро кучлар учун фойдалидир. Цивилизацияга юз тутган бирор мамлакат йўқки, хорижий инвестиция ва юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини жалб қилиб, ўз халқининг турмуш даражасини оширишга интилмаган бўлсин. Келажак ҳақида қайғурадиган мамлакат ресурсларни тўплашга, минтақада жамоа хавфсизлик тизимига кириш ёки уни вужудга келтиришга, БМТ сингари нуфузли ташкилотларга киришга интилаётган мамлакатдир. Бундай мамлакат жаҳон бозорида рақобатбардошликка, барқарорлик ва хавфсизликка эришишни асосий мақсад қилиб оладики, бу омиллар ўз-ўзидан ҳар қандай миллатнинг равнақи, унинг хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий асосларини вайрон этмаслигини кафолатлайди.

Шу муносабат билан А.И.Уткиннинг глобаллашув моҳияти ҳақидаги фикрлари қизиқиш уйғотади. У XXI аср бошида ишлаб чиқилган Ахборот технологиялари тўғрисидаги битим, телекоммуникация ва молия хизматлари, Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти механизми ҳақидаги кўп сонли битимларни таҳлил қилиб, шундай ёзади: “Сармоя ва савдо оқимларини қайта жойлаштириш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш етакчи мамлакатларнинг стратегияси бўлди. “Осиё йўлбарслари” ва бошқа бир неча мамлакатлар нисбатан арзон ишчи кучи

билан юқори технологияни самарали қўшишнинг кутилмаган салоҳиятини намоён қилдилар, бу ҳол осонлаштирилган ўзаро айирбошлаш шароитида тез иқтисодий ўсишга олиб келди”¹⁶. Шарқий Осиё бундай ҳаракат натижасида ўзининг иқтисодий ривожланиши бўйича Шарқий Атлантикага яқинлашди. Сўнгра муаллиф йиллик даромад аҳоли жон бошига ўртача 10 минг доллардан ошганда, глобаллашаётган иқтисодиёт дунёсига кириш мумкин бўлишини таъкидлайди.

Агар глобаллашув илк босқичининг биринчи юз йилида унинг асоси ва таянчи бўлиб, Британия империяси (унинг саноат базаси, молияси ва ҳарбий-денгиз флоти) хизмат қилган бўлса, ҳозирги босқичда эса тезлашган глобаллашув жараёнида “Вашингтон консенсуси”га таянган ва жаҳон савдоси йўлидаги ғовга қарши турган Америка Қўшма Штатлари турибди. АҚШ жаҳон иқтисодиётини очиш ва кўп томонлама халқаро институтлар барпо қилиш учун ўз ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий салоҳияти, гегемонлигидан кенг фойдаланмоқда. (Ўттиз йил аввал савдо Америка Қўшма Штатларига унинг ялпи ички маҳсулотининг тахминан 10%ни берган бўлса, янги минг йиллик бошига келиб бу кўрсаткич 30%га ортди).

Глобализация амалий жиҳатдан, аввало, турли иқтисодиётлар ўртасидаги тўсиқларни камайтиради, бу савдо айирбошлашга ёрдам беради.

Глобаллашув давлат тарафидан эмас, балки бозор кучлари, балансланган бюджет, хусусийлаштириш, инвестициялар ва бозор оқимларининг очиқлиги, барқарор валюта билан белгиланадиган жараёндир. Глобаллашув ҳаёт гомогенизацияси – нархлар, маҳсулотлар, соғлиқни сақлаш даражаси ва сифати, даромад даражаси, банк фоиз ставкалари жаҳон даражасига тенглашиш тенден-

¹⁶ Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. –М.: Логос, 2002. –С. 35.

циясига эга бўлишини англатади. Глобализация нафақат жаҳон иқтисодиёти жараёнларини, балки унинг тузилишини ҳам ўзгартиради – интеграция даражаси яхлит шаклга етган глобал миқёсдаги ўзаро боғлиқликни юзага келтиради. Шу билан бирга, ўзаро боғлиқ иқтисодиёт билан глобаллашган иқтисодиёт ўртасида сифат жиҳатдан фарқ бўлади. Бу ўринда нафақат савдо оқимларининг кенгайган ҳажмлари, балки ягона давлат бозорига ўхшаш дунё бозори тўғрисида ҳам гап бормоқда.

Глобаллашув суверен давлатлар ўртасидаги тўсиқларни камайтирар экан, ички ижтимоий муносабатларни ўзгартиради, “марҳаматли” муносабатлар ва ижтимоий ғамхўрликни талаб қилувчи барча “ўзига хос”ларни қаттиқ тартибга солади, ҳар қандай партикуляризмни қатъий узади, самарасизликни шафқатсиз жазолайди, шу билан бирга, самарадорликнинг халқаро ғолибларини саҳийларча тақдирлайди.

Аввалги жаҳон тизими сушт ривожланган (илтифот юзасидан ривожланаётган деб аталган, аммо улар кўпчилигининг ривожланишга озгина бўлсин алоқаси йўқ) мамлакатлардан экспорт қилинган хом ашёларга асосланар эди. Бу хом ашёлар саноати ривожланган мамлакатларга келтирилган, тайёр маҳсулотга айлантирилиб, ортга, ривожланиши сушт мамлакатлар бозорига жўнатилган. Глобаллашган иқтисодиётнинг жиддий фарқи шундаки, унда энг замонавий технологияни қўлга киритиш демократиялаштирилган, осонлаштирилган. Барча мамлакатлар ушбу технологиядан фойдаланиш имконига аввалги бирон-бир вақтдан кўра анча тез ва осон эришади, уларга зарур бўлган хом ашё материаллари сотувчиларини топши, ишлаб чиқарувчиларнинг пулини яратиш, пудратчилар билан келишиш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда улкан ва ўсиб бораётган жаҳон иқтисодиётининг

сўзсиз зарур, қўшилувчи қисми бўлиш имконига эгадир.

Буларнинг ҳаммаси, одатда, назарий жиҳатдан мумкин, ҳаётда эса, масалан, инвесторларни жалб қилиш учун, энг камида, ички сиёсий барқарорлик ва маҳаллий элитанинг ўз халқига мамлакатни ривожлантириш режасини, таклиф этилаётган йўл учун бериладиган эвазлар маъно-мазмунини тушунтира олиш лаёқати зарур бўлади. Шундай шарт-шароитлар бўлмаган чоғда мамлакатда тартибсизлик ҳукмрон бўлиши ва модернизация зўрлашга қарши адолатли низо бўлиш эҳтимоли ошиб кетади. Аввало, технологик янгиликлар ва ижобий ўзгаришларни қадрлайдиган ҳақиқий ягона халқаро тизим вужудга келади. XXI асда асосий куч тузилмаларни такомиллаштиришга, инфраструктураларни ривожлантиришга, ахборотни эгаллашга, микроэлектроника ютуқларига эришишга, оч қолаётган дунёнинг биотехнологияларга юз тутишига, телекоммуникацияларнинг умумий тарқалишига, космик техниканинг оммавий қўлланишига қаратилади. Глобаллашган дунё ҳаёти янгиликларни яшин тезлигида жорий қилиш доимий модернизация билан белгиланади.

Глобаллашув ҳукуматни миллий иқтисодий сиёсатни қўшни мамлакатлар эҳтиёжлари ва салоҳиятли рақиблар хоҳиши билан мувофиқлаштиришга мажбур қилади. Сармоянинг тезкор ҳаракати билан туртки берилган жадал рақобат шароитида озчилик мамлакатларгина мустақил валюта сиёсатини ва иқтисодий ўзига етарлиликни таъминлашни ўзларига изн бериши мумкин. “Дунёнинг ривожланган саноат асоси”, иқтисодиётни саноатлаштирувчи ярим периферия ва қолоқ мамлакатлар периферияси ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланган аввалги меҳнат тақсимоти тизими ягона глобал иқтисодиётни яратиш томонга ўзгармоқда. Унда “глобал триада” – Шимолий Америка, ЕИ ва Шарқий/Жанубий Осиё

асосий ўрин тутайди. Бу ерда дунёнинг асосий ишлаб чиқариш кучлари ва глобал иқтисодиёт мега бозорлари жойлашган, унда глобаллашган трансмиллий корпорациялар асосий роль ўйнайди.

Глобаллашув ҳаммадан кўпроқ жаҳон иқтисодий самарадорлиги лидерларини – ўттизта давлат – Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) аъзоларини жалб қилади. Унда инсониятнинг ўн фоиздан кўпроғи яшайди, аммо улар жаҳон иқтисодиёти, халқаро банк тизимининг учдан икки қисмини эгаллайди ва техник жиҳатдан анча такомиллашган ишлаб чиқаришда етакчилик қилади. Улар ўз салоҳиятларини ер шарининг исталган нуқтасида амалга ошириш имконига эгадирлар; улар халқаро коммуникацияни назорат қилишади, энг қийин технологик ишланмаларни амалга оширишади, саноат ва аҳоли саводхонлигининг техник янгилаш жараёнини белгилайди.

Глобаллашув иқтисодий ва техник ривожланишнинг янги имкониятларини очади, жамият ва ҳар бир инсон ҳаётидаги сифат жиҳатдан илгари силжишларни, халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларни юзага келтиради. Шу билан бирга, глобаллашув анчагина хавфхатар ва таҳдидларни ҳам ўзида ташийди. Кўпгина мамлакатлар жаҳон тараққиётидан четда қолишдан хавфсирамоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан мерос қолган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаларидаги фарқ янги юз йилликда янада ошиши ва кўпгина офатларнинг манбаи бўлиши мумкин.

Бошқа трансчегаравий муаммолар: халқаро терроризм ва уюшган жиноятчилик, жангари айирмачилик, қурол ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши кабиларнинг ҳам миқёси янада кенгая бошлади. Жаҳон ҳам-жамяти ушбу чақириқларга муносиб жавоб изламоқда. Глобаллашувнинг салбий кўринишлари кенгайишига

нафақат йўл қўймаслик, балки, энг аввало, барча давлат ва халқлар учун унинг фойдасини очиш ҳам зарур. Глобаллашув ижтимоий тараққиётга – бандликни ошириш, ишсизликни камайтириш, қашшоқликни йўқотишга хизмат қилиши лозим.

Маҳаллийлашув (локализация) ва фрагментация (қисмлаштириш) шаклидаги глобаллашувга қарши ҳаракатлар ҳам пайдо бўлади, миллий кадриятларни сақлашга интилишлар кучаяди, миллат ва этносларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни фаоллашади. Маҳаллийлашув – маҳаллий мухториятни кучайтиришга бўлган талабларнинг ўсиши, бунга ривожланган мамлакатлар аҳолисининг урбанизация марказларида тўпланишининг ўсиб бораётгани ҳам ёрдам беради. Фрагментация – глобаллашув маҳсулоти, унинг миллатчилик ва этник бирлашувдан тортиб диний уйғониш ва секталаргача бўлган каби турли шаклларга кирган характеристикаси.

Глобаллашув – объектив жараён, бироқ, тўғри стратегия таёланганда муайян моментларнинг салбий таъсирларини бартараф этиш мумкин. Глобаллашувнинг фарқлаб турувчи ўзига хослиги шундан иборатки, дунёни ягона макон сифатида англаш миқёси ва теранлиги ўсиб боради, у ёки бу мамлакат ичкарисида содир бўлаётган воқеалар эса ташқи сиёсий ҳаракатлардан кўра бошқа халқ ва давлатларга анча кучли таъсир кўрсатади. Демократлаштириш, либераллаштириш, иқтисодиётнинг очиқлиги, хавфсизлик муаммоларига ёндашувни бир хиллаштириш бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлат ва халқларнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини белгиламоқда.

Глобаллашув – эволюцион жараён, унинг жадаллиги дунёнинг турли жўғрофий минтақаларида бир хил эмас, ушбу жараённинг алоҳида ташкил қилувчилари ҳам бир хилликдан узоқ.

Глобаллашув – асосий иштирокчилари иродаси ва

куч сарфлашларига у қадар боғлиқ бўлмаган стихияли жараёнлар. Шу сабабдан глобаллашув шароити ўзи билан нафақат ижобий, шу билан бирга, салбий натижаларни ҳам, ушбу жараённинг кўп сонли тарафдорларини ҳам, қарши турувчиларни ҳам юзага келтиради. Айнан стихияли глобаллашув бугунги кунда ривожланаётган дунёга катта хавф солмоқда, шу сабабдан ҳам унинг жараёнларини бошқариш зарурлиги тўғрисидаги овозлар янада баландроқ янграмоқда.

Айтиш мумкинки, глобаллашув жаҳон ҳамжамияти томонидан эришилган ўзаро боғлиқликнинг кескин даражасини қуйидаги асосда акс эттиради: иқтисодий интеграция ҳамда сармоя, товар ва ишчи кучларининг дунё бўйлаб бошқа жойга кўчиши; жаҳон илмий-техник тараққиёти томонидан рағбатлантирилган технологик интеграция; замонавий ахборот-алоқа инқилоби. Кўпгина давлатлар ўз миллий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишда жаҳон тараққиётининг ушбу феноменини, унинг мусбат ва манфий томонларини янада аниқлаштирган ҳолда ҳисобга олишга уринмоқдалар.

Кучайиб бораётган глобаллашув хўжалик жараёнларининг мураккаблашуви ва ўзаро чирмашиб кетиши фақат миллий давлат манфаатларини тенглаштириб қолмай, балки уларни жаҳон майдонида, жаҳон бозорида ҳимоя қилиш учун янги йўللارни топишга ҳам мажбур қилади.

Жаҳон хўжалигида ўзгаришлар шу қадар аҳамиятлики, “янги жаҳон иқтисодиёти” (ЯЖИ) ва “янги халқаро иқтисодий тартиб”нинг (ЯХИТ) вужудга келгани бундан далолатдир. Ушбу категориялар жаҳон хўжалиги соҳасида юз бераётган ўзгаришлар таҳлилини тўлиқроқ қайд этиш имконини беради.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияларига ёки ЯЖИ ва ЯХИТнинг энг характерли хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулотларни ялпи ишлаб чиқаришнинг аввалги

усулларини янги технологик усуллари билан алмаштириш тез содир бўлмоқда. Саноатнинг анъанавий “базавий” соҳаларининг роли ва аҳамияти ўзгармоқда. Ишлаб чиқариш тузилмасининг янги тури нафақат иқтисодиётда, балки инсон фаолиятининг барча соҳалари: фан, энергетика, агротехника, алоқа воситалари, савдо-сотиқни ташкил этиш кабиларда ҳам катта ўзгаришга олиб келмоқда.

Янги жаҳон трансмиллий корпорацияларининг вужудга келиши жараёни Ғарб мамлакатларининг трансмиллий корпорациялари (ТМК) фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Бир томондан, ЯЖИнинг ишлаб чиқаришнинг қарор топган янги технологик усуллар базасида ривожланиши ТМК манфаатларига мос даражада жавоб беради. Иккинчи томондан, ТМКнинг ўзи “янги жаҳон иқтисодиёти” ташкил топтиришнинг энг фаоллари, ҳаракатлантирувчилари ҳисобланади.

Деярли барча жаҳон хўжалигида интеграция томон ҳаракатланиши билан характерланадиган ўзаро боғлиқликнинг янги босқичига алоқадор тенденциялар кўпчиликни ташкил этади, шу билан бирга, улар миллатчилик ва протекционистик тенденцияларга қарши курашда тасдиқланади. Лекин келажакда кучли иқтисодий ўзаро боғлиқлик, очиқлик, миллий иқтисодиёт интеграцияси, илғор капиталистик мамлакатларда йирик иқтисодий ёки сиёсий кризислар бўлмаган тақдирда, белгиловчи омил бўлиб қолади.

Қайд этилган ўзгаришлар таъсири остида ишлаб чиқариш усулларида, ТМК фаолиятининг келгуси глобаллашуви ва бошқа иқтисодий ўзгаришларда “жаҳон иқтисодиёти” тушунчаси маъно-мазмунини ўзгартириб бормоқда. У борган сари “халқаро”дан “трансмиллий”га айланаётир. Трансмиллий жаҳон иқтисодиёти миллатлар ўртасидаги алоқаларга қараганда янада барқарор ва

узоқ муддатли иқтисодий алоқаларнинг белгиланиши билан характерланади. Реал қарор топган трансмиллий иқтисодиёт ҳамда трансмиллий ва минтақавий сиёсий институтларнинг ривожланмаганлиги учун уни тартибга солиш механизми ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлди.

Мустақил миллий давлатлар самарали иқтисодий сиёсатни амалга оширишда асосий институт ҳисобланмайди, бу миллатлараро жаҳон иқтисодиётига хос. Аслида ўзаро алоқадор тўртта институт мавжуд:

- миллий давлат;
- миллий давлатларга қарор қабул қилиш ваколатини жўнатадиган ЕИ, НАФТА, ЖТГБ, ХВФ каби минтақавий ҳамда халқаро ташкилотлар ва бошқалар;
- мавжуд ва ҳаракатда турган пул, кредит ва сармоя (капитал)ларнинг жаҳон бозори. Ушбу бозорнинг атори миллий давлатлар шаклидаги илгариги тўсиқларни билмайдиган глобал тартиб омиллари билан белгиланади;
- товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун бутун дунёни ягона бозор сифатида қарайдиган трансмиллий корхона – корпорациялар.

XXI аср бошларида жаҳон хўжалик алоқалари энг тез ўсиб бораётган иқтисодий фаолият соҳасини ўзида намоён этмоқда, халқаро савдо ўсиш суръатига кўра, жаҳон савдо муносабатлари иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг ички ишлаб чиқаришдаги ўсишини анча ортда қолдирмоқда. Башорат қилинишича, бу вазият халқаро меҳнат тақсимоти жараёнлари жадаллашуви тенденциясининг кучайиши натижасида сақланиб қолади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатаётганидек, ҳозирги жаҳон иқтисодиётига қўшилиш (интеграциялашув) – узоқ муддатли иқтисодий стратегияни ишлаб чиқишни, иқтисодни таркибий қайта қуришни, хўжалик алоқаларининг шакл ва услубларини тубдан қайта қуришни талаб қиладиган узоқ жараён.

Глобаллашувнинг янги босқичи иқтисодиёт соҳасидаги чуқур жараёнлар билан тавсифланади. Унинг яна бир муҳим таркибий қисми сиёсат соҳасидир. Умумжаҳон институтлари ва ҳаракатлари, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар сонининг ўсиши уни янада ёрқин тавсифлайди.

Ҳозирги замоннинг глобал муаммолари – дунёнинг энг долзарб муаммолари йиғиндисида. Уларни ҳал қилиш барча халқ ва давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Глобал муаммоларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларнинг ҳар бири комплекс характерга эга бўлиб, дунё яхлитлигининг ўсиши билан боғлиқ.

Глобал муаммолар гуруҳи асосий масала сифатида қуйидагиларни ўзига қамраб олади:

- замонавий технологик тузилмалар ўз чегарасига етганлиги сабабли барқарор иқтисодий ривожланиш йўлларини топиш;
- уруш ва тинчлик, халқаро хавфсизликни таъминлаш, қуролсизланиш ва конверсия, халқлараро ҳамкорликка оид ишончнинг мустаҳкамланиши муаммолари;
- инсониятни ракета-ядро ҳалокатларига тенглашувчи экологик коллапс таҳдиди олдида қўйган экологик муаммолар;
- ижтимоий тараққиёт ўлчами, ижтимоий, иқтисодий ва индивидуал ҳуқуқ ҳамда шахс эркинлигига риоя қилиш, халқаро жиноятчилик билан курашиш, халқаро муносабатларда инсонпарварликнинг устуворлигини қамраб олган муаммолар.

Ушбу муаммолар глобал, умуминсоний бўлганлиги сабабли, уларни ҳал этиш халқаро сиёсат эпидмарказида бўлмоғи лозим. Барқарор иқтисодий ривожланишни излаш, ишлаб чиқариш муаммолари мураккаб ҳисобланади, чунки пировард натижа унинг ҳал қилинишига боғлиқ.

Такрорлаш учун саволлар

1. Глобаллашувнинг умумий таснифи.
2. Глобаллашувнинг асосий сиёсий ёндашуви.
3. Глобаллашув муаммолари ва уларнинг гуруҳлари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 - Т., Ўзбекистон, 2002.
4. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. 12-жилд. Т., Ўзбекистон, 2004.
5. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
6. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
7. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.
8. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.
9. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. - СПб.: Питер, 2005
10. Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. -М.: Логос, 2002. -С. 35.
11. Центральная Азия: по пути безопасности и сотрудничества (Материалы Ташкентского совещания-семинара по вопросам безопасности и сотрудничества в Центральной Азии, 15-16 сентябрь, 1995 г.). - Ташкент, Ўзбекистон, 1995.

3.2. Халқаро муносабатлар тизимидаги янги субъектлар

Глобаллашувнинг энг жадал суръатда кечиши молия ва иқтисодий соҳаларда юз бермоқда. Иқтисодий глобаллашув асосида табиий ресурслар ва товар сотиш бозорлари устидан назорат учун рақобат курашининг кескинлашуви ётади. Унинг асосий ҳаракатланувчи шахслари - трансмиллий корпорациялар (ТМК)дир. Уларнинг шаклланиши йирик саноат компанияларининг иқтисодий ва молиявий манфаатлари миллий чегаралардан ўсиб ўта бошлаган XX аср бошларига алоқадор.

Ҳозирги трансмиллий иқтисодий ва молиявий тузилмалар Иккинчи жаҳон урушидан кейин янги халқаро иқтисодий тартибот шароитида вужудга келди. Бунга кўпчилик давлатларнинг протекционизм сиёсатидан воз кечгани, жаҳон савдосини тиклашга бўлган интилиш, валюта курсини назорат қилишни эркинлаштириш кабилар ёрдам берди. Нафақат жаҳон савдосининг кенгайиши, балки ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасига сармояларнинг борган сари кўпроқ қўйилиши, шунингдек, валюта ва бошқа молиявий активлар билан спекулятив келишувларнинг ўсиши молиявий эркинлаштиришнинг муҳим натижаси бўлди. 80-йилларнинг охирига келиб, жаҳон фонд биржаларидаги операцияларнинг 90 % савдога ёки сармоя қўйишга алоқаси йўқ эди.

Хорижий валюталарни кундалик айирбошлаш триллион долларга етди, бугунги кунда товар ва хизматларни сотиб олиш ёки чет эл завод ва фабрикаларига инвестираштириш учун фойдаланилаётган сумма анча юқори туради.

Глобал бозорнинг шаклланиши, турли фирмалар ўрта-сидаги кучаяётган рақобат уларни сармоияни бир жойга тўплашга, ўз атрофига янгидан-янги ишлаб чиқарувчиларни жалб қилишга, биргалашиб яшаш учун кучларни бирлаштиришга мажбур қилади. Европа иқтисодий ҳам-жамиятининг тузилиши, бир жиҳатдан, АҚШга иқтисодий қарши туриш, Американинг қудратли саноат-молия корпорациялари билан рақобат курашида яшай олиш усулидан бошқа нарса эмас. Дастлаб ушбу бирлашиш жараёни кўпроқ минтақавий даражада кечди. XX асрнинг иккинчи ярмидан минтақавий ТМҚнинг глобал миқёсга ўсиши бошланди. Бунга ер шарининг алоҳида қисмини ягона ахборот ва иқтисодий маконда боғлаб турувчи электрон алоқа воситалари соҳасидаги инқилоб кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Молия-саноат корпорациялари фаолияти чегарасининг кенгайиши – уларнинг фаолиятига давлатнинг сиёсий аралашувидан, жаҳон бозорининг инжиқликларидан ўзига хос суғурталаш ҳамдир. Бир вақтнинг ўзида айрим мамлакатларда иқтисодий пасайиш кузатилса, бошқаларда иқтисодий шов-шув кўзга ташланади. Мутлақо аёнки, бундай вазиятда пасайиш фақат битта бозорга боғлиқ бўлиб қолганларга оз даражада тааллуқли бўлади. У бир жойда йўқотганлари ўрнини бошқа жойда тўлдиради. Шу жиҳатдан саноат ва молия компанияларининг фаолияти ўз омонатларини турли банкларда сақлашга мойил хусусий омонатчилар атворидан фарқ қилмайди. Сўзсиз, бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатади. Иқтисодий фаолиятнинг анъанавий марказларида табиий ресурсларнинг тугаши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишга интилиш ишлаб чиқарувчиларни ўз ишлаб чиқаришларини хом ашё ресурсларига яқин келтиришга, уни ортиқча ва арзон

ишчи кучи бўлган минтақаларга жойлаштиришга мажбур қилади.

Фирмаларнинг глобал стратегияси жаҳон бозорларида ўзни тутишнинг қуйидаги талабларини ҳисобга олади:

– умумсайёравий бозор юритиш ва рақобатнинг мавжудлиги;

– ўз рақибларини билиш (глобал бозорлар, одатда, олигополистик тузилишга эга ва уларнинг иштирокчилари нисбатан кўп эмас);

– умумжаҳон, ҳеч бўлмаганда, АҚШ, ЕИ ва Япония миқёсидаги операцияларни назорат қилиш;

– “глобал ўйинчи” атвори, яъни рақиблар томонидан бозорлардан сиқиб чиқарилиши хавфи туғилишига қараб иш услубини ўзгартириш;

– юқори технологик саноат соҳаларида операция ўтказиш;

– қиёсий харажат қонунига мувофиқ, ишлаб чиқаришни энг даромадли жойга жойлаштириш;

– мослашувчан ахборот технологиялари ва мослашувчан ишлаб чиқариш, интеграллаштирилган фирма ичидаги бухгалтерлик ҳисоби ёрдамида фаолиятни мувофиқлаштириш;

– заводлар ва ихтисослаштирилган шохобчаларни бошқарувнинг ягона халқаро тармоғига интеграллаштириш, ўз навбатида, бошқа ТМҚ билан келишув тармоқларига интеграллаштириш.

Компаниянинг глобал стратегияси у қамраб олган барча мамлакатларда худди шундай аниқ стратегияни амалга оширганида ишлайди.

Рақобатнинг аниқ маҳаллий шароитларга мослашиш учун турли мамлакатларда стратегиядан фойдаланишда гарчи унча кўп фарқ бўлмасада, компаниянинг асосий ёндашувлари (харажатларни камайтириш, табақа-

лаштириш ёки бир жойга тўплаш - концентрация) бутун дунёда ўзгаришсиз қолади.

Ҳозирги шароитда ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган қабул қилувчи мамлакатлар, одатда, ўз ҳудудида трансмиллий компаниялар фаолиятини ёқлайди. Бунинг устига, дунёда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича мамлакатлар ўртасида рақобат мавжуд. Ушбу рақобат жараёнида трансмиллий компаниялар солиқ чегирмалари ҳамда бошқа имтиёзларга эга бўлади.

Трансмиллий компаниялар мамлакат танлашда қуйидаги асосий мезонларга кўра, инвестириштириш шарт-шароитини баҳолайди:

- маҳаллий бозорни унинг сифими, ресурслар мавжудлиги, жойлашув ўрни нуқтаи назаридан баҳолаш;
- мамлакатдаги сиёсий барқарорлик;
- хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий базаси, солиққа тортиш тизими;
- савдо сиёсати характери;
- инфраструктуранинг ривожланганлик даражаси;
- интеллектуал мулк муҳофазаси;
- иқтисодий давлат томонидан тартибга солиниши;
- арзон ишчи кучи, унинг малакаси даражаси, миллий валюта барқарорлиги, фойдани мамлакатдан олиб чиқиб кетиш имкониятлари.

Аммо қабул қилувчи мамлакатда трансмиллий компаниялар фаолияти билан боғлиқ қатор муаммолар ҳам мавжуд. Трансмиллий компанияларнинг иқтисодий операциялари натижасида бир мамлакат албатта ютади, бошқаси эса ютқазади, деган фикр кенг тарқалган чалкаш фикр ҳисобланади. Ҳаётда бундай вазиятларни истесно этиб бўлмайди, аммо бошқа натижа ҳам мавжуд: иккала томон ҳам ютуққа эришиши (ёки ютқизиши) мумкин.

Бундан ташқари, қабул қилаётган мамлакатлар трансмиллий корпорацияларнинг олаётган фойдаси ҳаддан ташқари катта, деб ҳисоблашга мойилдир. Улар трансмиллий корпорациялардан солиқ олар экан, агарда трансмиллий корпорациялар кам солиқ олинадиган мамлакатларда ўз фойдаларини эълон қилмаганларида эди, бундан ҳам кўпроғига эга бўлишимиз мумкин бўларди, деб иқдор бўлишади.

Қабул қилувчи мамлакатлар учун фойда қуйидагилар билан тавсифланади:

- улар олувчи бўлади ва шу тариқа сармоя, замонавий технология, халқаро бошқарувчилик тажрибаси, юқори малакалаштирилган меҳнат эгасига айланади;

- ТМҚ фаолияти қабул қилувчи мамлакатларнинг миллий иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришга, маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромади ҳажмини оширишга, иқтисодий ўсиш ва ривожланишини жадаллаштиришга ёрдам беради;

- ўз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларидан фарқли ўлароқ, трансмиллий корпорациялар фаолиятдан юқори миқдорда солиқлар олиш.

Бугунги кунда барча ТМҚ кенг ташқи иқтисодий экспанция олиб бормоқда. Халқаро савдонинг муайян улushi (қарийб 30%) трансмиллий корпорацияларнинг ички фирма оқимларидан иборат. Улар томонидан трансферт нархлар орқали сармояларни кўчиришнинг ўзига хос шакли яратилган. Шу жумладан, корпорация доирасида шўъба компаниялар ва шаҳобчаларга хизмат кўрсатилган ҳамда товарлар етказиб берилганда (яъни, айти бир трансмиллий корпорациянинг шаҳобчалари ўртасидаги битимлар корпорациянинг ўзи томонидан амалга оширилади) ТМҚ томонидан белгиланган (камайтирилган ёки кўтарилган) нархлар орқали шундай специфик шакл

вужудга келтирилади. Шу сабабдан трансмиллий корпорациялар маҳсулотига трансферт нархлар белгилаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Кўпчилик ТМҚ анча катта бўлиб, монопол ҳоқимиётга эгадир. Уларнинг баъзилари маблағ айланмаси ҳажмига кўра, айрим мамлакатлардан устун туради, бундай фирмаларнинг раҳбарлари, асосан, бевосита давлат бошлиқлари билан иш олиб борадилар.

Трансмиллий корпорациялар кўпгина мамлакатларда фаолият кўрсатар экан, жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этишга қодир бўлиши, уларнинг энг қудратлилари эса қабул қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий томондан назорат қилишларидан четда туриши мумкин.

Буларнинг маҳаллий аҳоли, умуман, мамлакат фаровонлиги учун қандай натижа бўлишига қарамасдан хорижий инвесторлар сиёсий раҳбарият томонидан, ўз ҳаракатларини қўллаб-қувватланишига эришганлари учраб турадиган воқеадир. Қабул қилувчи мамлакатлар ҳукуматлари томонидан тазйиқ сезган трансмиллий корпорациялар ушбу мамлакатни тарк этиб, ҳукумати анча муросасоз бўлган бошқа мамлакатларга кўчиб ўтишлар тез-тез учраб туради. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида БМТ даражасида трансмиллий корпорациялар атворига оид кодекс ишлаб чиқишга ҳаракат бўлди. Бу кодекс улар хатти-ҳаракатини маълум доирага солган ва қатор вазиятларда миллий фирмалар учун устунликлар яратган бўлар эди. Аммо бу уринишлар ТМҚ қаршилигига учради. 1992 йилда трансмиллий корпорациялар хулқатворини ишлаб чиқиш бўйича музокаралар тўхтаб қолди.

Ижобий ҳолатлар билан бир қаторда, ТМҚнинг қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодига салбий таъсири ҳам мавжуд:

– мамлакатнинг эскирган ва экологик хавфли технологиялар ташланадиган масканга айланиш хавфи;

– қабул қилувчи мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг энг ривожланган ва истиқболли сегментлари ҳамда илмий тадқиқот тузилмаларининг хорижий фирмалар томонидан эгаллаб олиниши. Хатто катта ўзгаришлар чоғида йирик молиявий ресурсларга эга бўлган ТМҚ бошқа фирмаларни қўлга киритиш учун ёмон конъюнктуралардан фаол фойдаланади;

– ТМҚ доирасида меҳнат тақсимоти тизимида қабул қилувчи мамлакатлар компанияларига истиқболсиз йўналишларни боғлаб қўйиш мумкинлиги эҳтимоли;

– трансмиллий компанияларнинг бошқа тузилмаларни ютишга ҳаракат қилиши жараён беқарорлигининг кучайишига олиб келади. Аниқ сармоя қўйишлар билан боғлиқ йирик инвестицион лойиҳалар барқарор жиҳатдан машҳурликлари билан ажралиб туради – улар узоқ тайёргарликсиз фаолият бошлашлари ёки сезиларли йўқотишларсиз тўсатдан яқун топишлари мумкин эмас. Эгаллаб олиш сиёсати, аксинча, молиявий ҳаракатчанликни маъқул кўради.

ТМҚнинг барқарор мавқеи кризислар юз берган чоғда уларга корхоналарни ёпиш, ишлаб чиқаришни қисқартириш каби қатъий чоралар кўришга имкон беради, бу ишсизлик каби салбий ҳолатга олиб келади. Деинвестиция ҳодисаси, яъни мамлакатдан сармояни ялпи олиб қўйиш шу билан изоҳланади.

Агарда ушбу давлатнинг рақобатбардошлиги муайян сабабларга кўра пасайса, трансмиллий корпорацияларнинг конъюктура ўзгаришига нисбатан ўта юқори реакцияга мойиллиги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайишига кўплаб асос беради.

ТМҚнинг ўлчамлари ва фаолият миқёси уларга ҳоқимиятдан фойдаланиш мақсадида фойдаланишга имкон

беради. ТМҚ ишлаб чиқаришни бошқа жойга кўчиришга; фойдани солиқ ставкалари юқори бўлган мамлакатдан бундай ставкалар паст бўлган мамлакатларга қайта жойлаштириш учун фирма ички нархларини шакллантиришдан фойдаланиб, ўз солиқ тўловларини камайтириши мумкин.

Трансмиллий компанияларнинг 80-йилларда бошланган ғолибона юриши миллий давлатларни, айниқса, халқаро ташкилотлар ва қарз берувчи мамлакатларга қарздорлик туфайли қарам бўлиб қолган мамлакатларни сармоя эгалари олдида “хушомадгўйлик” сиёсатини қабул қилишга мажбур этди (хорижий инвесторларга имтиёзлар бериш, уларни солиқлардан озод қилиш, даромадни хорижга кўчиришни эркинлаштириш, очик иқтисодий зоналар ташкил этиш, меҳнат қонунларини соддалаштириш). Бугунги кунда давлатлар ўртасида инвестицияларни жалб этиш бўйича, жумладан, мамлакатнинг ўз ишлаб чиқарувчилари ва фирмалари зарарига мусобақалашув хавфи пайдо бўлди.

Глобаллашув рақобат кучайиши ва монопол ҳукмронликнинг камайишига олиб келишини аниқлаштириш лозим. Кўпчилик таҳлилчилар сўнгги 20 йилда дунёда рўй берган асосий жараёнларни тавсифлаш учун “корпоратив глобаллашув” терминидан фойдаланишга қарши чиқмоқда. Бинобарин, глобаллашув ҳукуматларнинг кўпчилиги томонидан онгли ва ихтиёрий равишда ёрдам кўрсатиш билан бозор талаблари туфайли юзага келади. Ривожланаётган мамлакатлар инвестицияларни жалб қилишга интилганларида хорижий инвесторлар учун белгиланган қонуний асосдаги талаблари даражасини пасайтиради. Шу сабабли реципиент мамлакатлар ТМҚ ва бошқа хорижий инвесторлар фаолиятига нисбатан узоқ муддатли стратегияга эга бўлишлари зарур. Ўзларининг

ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсати ўлчамларига мувофиқ рақобатбардош ўсувчан иқтисодиётни шакллантириш ушбу стратегиянинг жиддий мақсади ҳисобланади. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар трансмиллий компанияларнинг “йиғув цеҳи” ҳудудлари бўлишдан, уларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва лабораторияларининг жойлашиши учун қулай шароит яратишдан қочишлари лозим, чунки шу тариқа ривож топаётган мамлакатлар илмий ва илғор ишланмалар жараёнига тортилиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Иқтисодий глобаллашув» тушунчаси.
2. Компанияларнинг глобал стратегиялари.
3. Трансмиллий корпорацияларнинг халқаро муносабатларга таъсири.
4. ТМҚларни қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодига унинг ижобий ва салбий таъсири.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., - Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 - Т., Ўзбекистон, 2002.
5. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
6. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
7. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.

8. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. – N1.
9. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. – СПб.: Питер, 2005
10. Арах М. Европейский Союз. –М.: ОАО изд-во “Экономика”, 1998. –С.29-35.

3.3. Глобаллашув ва миллий хавфсизлик: муаммоларнинг умумийлиги

Юқорида қайд этилганидек, глобаллашув ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга. Глобаллашувнинг ижобий жиҳати шундан иборатки, давлатлараро ўзаро таъсир такомиллашиб боради, давлатларнинг мувофиқлашуви, келишуви ва кооперацияси кучаяди, булар нафақат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатлар учун ҳам фойдалидир.

Глобаллашув жараёнининг кучайишига халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши, мавқеининг ошиши ёрдам беради. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга интиланган мамлакатлар халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган принцип ва меъёрларини бузишга ҳақли эмас. Миллий қонунчиликда халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келадиган нормаларнинг бўлиши нафақат жаҳон ҳуқуқий тартиботига, балки мамлакатлар ўз миллий манфаатларига ҳам жиддий хавф солади.

Умуман, глобаллашув турли мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштиришга, миллий, диний ва маданий алоқалар ўрнатишга ёрдам беради, ахборот, технология ва илмий-техник ютуқлар билан алмашinishга шароит яратади.

Шу билан бирга, глобаллашув қатор салбий томонларга эга, улар давлатлараро иқтисодий, ҳарбий-сиё-

сий ва демографик тенгсизликнинг мавжудлиги билан шартланган.

Тенгсизликнинг мавжудлиги ниқобланган шаклда давом этмоқда, унга юридик таъриф ёки баҳо бериш анча мушкул. Гап фақат айрим миллий иқтисодиётнинг ривожланган давлатлар ёки алоҳида трансмиллий компаниялар олдидаги рақобатбардошлигининг заифлигида эмас, балки ривожланишнинг илмий-технологик, ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-маданий, табиий-иқлимий ва бошқа фарқларидадир. Бундай тенгсизликнинг тарихий жиҳатлари ҳам мавжуд: қатор давлатлар муайян тарихий обрўга эришганлар, бу уларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги объектив мавқеида акс этган. Муайян соҳалар, минтақа ва давлатлар пайдо бўлди, уларга собиқ метрополиялар анъанавий равишда таъсир этишда давом этмоқда.

Давлатлар тенгсизлиги қандай бўлмасин, уни барта-раф этишнинг ягона йўли халқаро ҳуқуқ ролини ва суверен тенглик принципини амалга оширишда давлатларнинг фаол позициясини кучайтиришдир.

Давлат агар “кучлилар” ўйинига тортилишни истама-са, у ўз суверенитети ва миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эга. У халқаро меъёр ва ўлчамларга қатъий риоя этмоғи ва “ташқаридан бирор кимса” ўз манфаати йўлида мамлакатда бузгунчилик фаолиятини авж олдирмаслиги учун назорат этиб бормоғи лозим.

Қатор мамлакатлар жаҳон ва миллий иқтисодиёт ривожига таъсир этадиган даражада ривожланганлиги сабабли ўз таъсирини кенгайтиришга доимий суръатда интилади ҳамда суверенитет ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларини яширин тарзда бузадиган сиёсий воситалар ва чораларга янада кўпроқ мурожаат қилади. Одатда, бундай аралашув устамон-

лик билан ҳал этилади: ташкилий ниқоб сифатида нодавлат, ноҳуқумат ташкилотларнинг обрў ва ресурсларидан фойдаланилади, либерал-демократик ислоҳотлар мафкураси, демократик институтларни ривож топтиришга бўлган эҳтиёж ишга солинади.

Навбатдаги муаммо шундан иборатки, глобаллашув молиявий-иқтисодий ва ахборот-глобал тизимларнинг ўзаро боғлиқлигини ташкил этар экан, бу дунёнинг бир қисмига тааллуқли муаммо тез суръатлар билан кенгайиб, глобал шаклга кирганда ўзида каскадли бўҳронларни намоён этади.

Бир мамлакатдаги иқтисодий силкиниш ёки бўҳронлар минтақавий, ҳатто глобал оқибатларга эга бўлиши мумкин. Жаҳон иқтисодиётидаги пасайиш ёки турғунлик глобаллашув жараёнида қарор топган ўзаро алоқа ва боғлиқликларни узиб ташлашга популистик чақириқларни юзага чиқариши мумкин. Иқтисодий уруш, ҳаттоки, ҳарбий-сиёсий тўқнашувга айланиб кетиш хавфи бўлган иқтисодий зиддиятлар бунинг натижаси бўлиши мумкин.

Глобаллашув шаклланиш ёки ислоҳотлар босқичида турган миллий иқтисодга муайян даражада хавф туғдиради. Бу – трансформацион сиёсий тизимларга ҳам тегишли. Сиёсий тизимларнинг ривожланиши, глобаллашув тарафдорларининг фикрига кўра, глобал иқтисодиёт талабларига мос келмоғи ва “тенглаштириш” омили бўлмоғи лозим.

Алоҳида давлат даражасида қараганда, глобаллашув давлат иқтисодиёти ва жаҳон хўжалиги ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг жадаллашуви сифатида тушунилади. Алоҳида мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига тортилганлик даражаси турлича бўлиб, у мамлакат ялпи ички маҳсулотида экспорт ва импорт улуши, хорижий инвестициялар ҳажми, технологиялар алмашинуви бўйича тўлов-

ларнинг келиши ва кетиши каби кўрсаткичларга қараб баҳоланади. Тенг ҳуқуқли бўлмаган рақобат экспорт ва импорт улушини импортнинг фойдасига ўзгартириши ва шу тариқа маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги иқтисодий базасини ишдан чиқариши мумкин. Ўз навбатида, бу ижтимоий кризисли ҳодисаларга ҳамда кучли рақобат қурбони бўлган мамлакатлар ички ишларига четдан аралашув бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай мамлакатларда инвесторлар, асосан, жом ашё ва узоқ муддатли ҳамда индустриал (саноат бўйича) истиқболли лойиҳалардан манфаатдор бўлмайди.

Неолиберал глобаллашув сиёсати тенг бўлмаган ҳаёт шароитини кескинлаштиради. Глобал тенгсизлик миқёслари жиддий хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас. БМТ экспертлари маълумотларига кўра, дунёнинг 1% бой аҳолиси даромади жаҳоннинг 57% камбағал аҳолиси даромадига тенг. 25 млн. энг бадавлат америкаликнинг даромади дунёнинг қашшоқ қисмидаги 2 млрд. одамнинг даромади билан баробар эмас¹⁷.

Гап даромадлар бўйича диспаритетда эмас. Ҳозирги дунё мисли кўрилмаган тор ва “шаффоф” бўлиб қолди. Телевидение туфайли ҳар бир киши турли мамлакат – ижтимоий спектрнинг ҳар икки қутбидаги ҳаётни таққослаб кўриши ва баҳолаши мумкин. Бу глобал тенгсизликни хавфли даражага олиб келади.

Либерализация жараёнини тезлаштириб юбориш ҳамда тартибга солмаслик ўпирилишларга, айрим ҳолатларда эса, кўплаб халқлар анъаналари бузилишига олиб келади. Боз устига бу яшаш шароитининг ёмонлашуви билан бирга кечса, шу тариқа аҳоли ялпи гуруҳлари ўртасида Ғарбни ёқтирмасликка, унга душманлик кўзи

¹⁷ Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. – М.: Альпина Паблишер, 2003.

билан қарашга замин ҳозирланади. Бу қўпинча экстремистик хатти-ҳаракатлар тарзида намоён бўлади.

Бунга ахборот ва электрон массмедиа асрида маданий ва дунёқараш жиҳатдан турлича бўлган йўл тутишлар, ахлоқий тасаввур ҳамда анъаналарнинг бевосита ва жипс туташиб туришлари ҳам ёрдам беради. Бунинг заминида зиддиятлар кескинлашади. Масалан, бунинг оқибатини мусулмон оламида кузатишимиз мумкин. Неолиберал глобаллашувнинг салбий оқибатлари бу билан тугамайди. Глобаллашув атроф-муҳитни асраш ва муҳофаза қилишнинг глобал муаммоларини ҳал қилишда ижобий ютуқларга олиб келмади, у аҳволнинг ёмонлашувиغا йўл очди. Глобаллашув халқаро рақобатни кескинлаштириб, трансмилий корпорациялар фаолиятида экологияга қарши амалиётни сақлашга мажбур қилмоқда. Глобаллашувнинг оғир экологик оқибатлари қашшоқ мамлакатларда, айниқса, сезилмоқда. Табиатни асраш меъёрларининг пасайиши бу мамлакатлар учун асосий рақобат афзалликларидан бири, хорижий инвестицияларни жалб қилиш усули ҳисобланади. Тайинки, глобаллашув ўзининг ҳозирги шаклида халқаро муносабатлар барқарорлигини оширишга ёрдам бермайди. Аксинча, у “жаҳон айвонида” ижтимоий-иқтисодий кескинлик ва низоларнинг ўзига хос катализаторидир. Бойлик ва қашшоқликнинг қутбланиши, бозор учун энергетик ва бошқа ресурсларни эгаллаш учун кураш, бошқалар томонидан уларнинг моддий ва тамаддуний ўзига хослигига таҳдид сифатида қабул қилинган Ғарбнинг ахборот ва маданий экспанцияси – буларнинг барчаси миллий ва диний фундаментализм ҳамда экстремизм учун, этник айирмачилик, ксенофобия ва терроризм учун озиқ берувчи замин бўлиб хизмат қилади.

“Кераксиз давлатлар” деб аталувчиларга қарши авж олдириб юборилган “ахборот уруши” террористик ва

экстремистик ташкилотлар қўлида самарали қуролга айланмоқда. Бундай ҳодисанинг мавжудлиги, сўзсиз, ҳар қандай давлат, умуман минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигининг янги чақириқлари сифатида қаралиши мумкин. Бундан ташқари, ахборот хуружи ташаббускорларини аниқлаш қўпинча “бу кимга фойда?” деган саволга жавоб бериши мумкин. Тахмин қилиш мумкинки, “ахборот хуружи” бундан кейин ҳам теракт ташаббускорлари ва бошқа деструктив кучлар томонидан ўз асл мақсадларини ҳаспўшлаш учун қурол сифатида фойдаланади. Глобаллашув ўсиб бораётган шароитда кудратли ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ресурсларга эга давлатларнинг хатти-ҳаракатлари хавфни юзага келтиради. Дунёнинг муайян қисми ёки бирор мамлакатда ўз миллий манфаатларини амалга ошириш зарурати тўғрисида сўз бораётганда, бундай мамлакатлар учун халқаро ҳуқуқнинг ишлаб чиқилган умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари кўп ҳолларда шартли нарсага айланади.

Биринчи галда, информатика ва телекоммуникация соҳасидаги технологик инқилоб билан шартланган объектив ҳодиса сифатидаги глобаллашувни ва молиявий “еттилик” давлатларига бу жараённи, аввало, ўз манфаатларига йўналтиришга имкон берувчи неолиберал глобаллашув сиёсатини фарқлаш керак. Неолиберал (“Вашингтон консенсуси руҳидаги”) глобаллашув мафкураси ва сиёсатининг моҳияти бутун дунё бўйлаб сармоя (капитал), товар ва хизматларнинг “тенг” шароитда эркин ҳаракатланиши ва миллий тўсиқларни бартараф этиш учун қолган дунёга бозор либерализмининг мажбуран қабул қилдиришдир.

Шу билан бирга, турли мамлакатлар мавқеидаги катта фарқ ва нотенгликка аҳамият берилмаётган ва ишчи кучининг эркин ҳаракати истисно қилинаётган бўлса, қандай “тенглик” ҳақида гапириш мумкин?

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатининг куч майдонида тутган заиф позицияси (модернизация бошланиш шароитининг яхши эмаслиги, сармоя бозорлари ва янги технологияларга етишиш ҳамда савдо шароитининг тенг эмаслиги ва ш.к.) уларни технологик жараён лидерларидан келгусида ортда қолишга мажбур этади Сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликнинг қарор топган глобал тузилмасида барча давлатлар бир-бири билан ўзаро, аммо турли даражада боғлиқдир. Иқтисодий ва сиёсий муносабатлардаги мавжуд халқаро тизим ассиметрик кўринишга эга.

Глобаллашув жараёни халқаро тизимдаги конфигурацияга сезиларли таъсир кўрсатади. Аслида, ташкилий шакллар ва мамлакатлар ҳамкорлигининг янги вариантлари юзага келадиган шарт-шароитлар тўғрисида сўз бормоқда.

Бугунги кунда жаҳон бозорларида трансмиллий корпорациялар ҳукмронлик қилмоқда. Бой мамлакатлар ўзининг дунёдаги устун мавқеи туфайли хорижий активлар ва юқори малакали мутахассис кадрларни кенг миқёсда ўзига тортиш учун бозор кучларини тегишли равишда йўналтиришга қодир. Улар назорати остида бўлган молия, биржа, савдо сиёсати механизмлари молиявий ва ақлий ресурсларни бошқа мамлакатлардан, жумладан, ривожланаётган ва қолоқ давлатлардан энг бой мамлакатларга тортиб оладиган қудратли насос каби ишлайди. Дунёни ҳукмрон марказга ва қарам периферияга тақсимлаш мустаҳкамланмоқда. Бундай сиёсат мафкурачилари улар нуқтаи назаридан жуда қулай бўлган «глобаллашув» тушунчасини бажонидил илиб олди, чунки улар тасвираб берган жараён табиий, муқаррар ва муқобили йўқ шаклда гавдаланади. Лекин бу глобаллашув ва унинг оқибатларини баҳолаш борасидаги мунозараларга халақит бермади. Фикрлар хилма-хиллиги диа-

пазони глобаллашув келтирган фаровонликни мақташ ва сўзсиз ёқлашдан тортиб, уни империализм-мустамлакачиликнинг янги шакли сифатида қоралашгача тарқалган. Баъзилар унда умумий тараққиёт ва фаровонликнинг ҳаракатланувчи кучини кўрса, бошқалар ўз ҳаётий манфаатлари ва дунёдаги барқарорликка таҳдидни кўради.

Неолиберал глобаллашув халқаро иқтисодий муносабатларга путур етказди – бировлар чайқовчилик билан бойлик орттирса, қонунга зид иш қилса, бошқалар фонд биржаларидаги силкинишлар, миллий валютанинг қадрсизланиши ва сармояларнинг камайиши натижасида катта зарар кўради.

Глобаллашув жараёнига трансмиллий жинойтчилик, наркотрафик, халқаро терроризмнинг мослашуви ушбу ҳодисанинг иккинчи томони бўлиб чиқади. Халқаро жинойтчи синдикатлар ва террорчи гуруҳлар глобаллашувнинг барча ахборот ва молиявий афзалликлари билан ўзини қурољлантиради. Натижада, бугунги кунда бутун дунё бўйлаб ҳаракат қилаётган жинойтчи уюшмалар глобаллашувнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Кейинги йиллар амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бу хилдаги уюшмалар билан бундай шароитда курашиш етарли даражада қийин. Глобаллашув афзалликлари уларнинг мобиль ҳаракатланишини, ўз хатти-ҳаракатларини бир мамлакатда тайёрлаб, бошқасига ўтказиш имкониятини, ўзлари учун қулай жойда жангарилар тайёрлашни молиялаштириб, уларни керак бўлган жойга ўз вақтида етказишларини таъминлайди. Терроризм билан курашишга доир барча ҳужжатларда террористик ташкилотларга ҳарбий ёки тезкор қарши ҳаракатланишга, ушбу офат билан курашишда ҳуқуқий майдонни кучайтиришга асосий урғу берилади, аммо ушбу ташкилотлар бутун дунё бўйича тўпланган бир шароитда бу чоралар етарли бўлмапти.

Юзага келган вазиятни тубдан қандай ўзгартириш мумкин? Энг аввало, ҳозирда мавжуд чораларни уч йўналишда амалга ошириш зарур:

– нафақат террористлар, уларга алоқадор шахс ва ташкилотларни таъқиб этиш ҳамда жазолашга оид дастакларни, балки ушбу офатни тайёрлашнинг барча босқичларида унинг олдини олиш мажбуриятини давлатларга юкловчи универсал халқаро ҳуқуқий воситаларни ривожлантириш. Халқаро терроризм билан курашда иккиёқлама стандартларга йўл қўймайдиган принцип ва нормаларни қабул қилиш;

– терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича мувофиқлаштирувчи марказлар тузилмаларини ривожлантириш, уларнинг иш механизмларини ҳар томонлама такомиллаштириш, шунингдек, аксилтеррор гуруҳ ва марказларнинг қудратли моддий-техник базасини яратиш мақсадида молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;

– иккиёқлама стандартларни бартараф этишга, ҳар қандай кўринишдаги диний-сиёсий фундаментализм ва экстремизмни қабул эттирмаслик учун мутлақ руҳий иммунитетни яратишга қаратилган универсал аксилтеррор мафкурани шакллантириш ва ривожлантириш.

Жиноятчилик, наркотрафик, халқаро терроризмнинг глобал кўринишлари билан курашда бунга мос сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва ахборотга оид чоралар зарур.

Ядро таҳдиди хавфи сақланиб қолмоқда. Бу ядро қуролига эга давлатларнинг аниқ мақсаддаги ядро зарбаси ҳам, яхши режалаштирилган куч ишлатиш хатти-ҳаракати ёки коррупция туфайли ядро қуролини қўлга киритган террористларнинг ядро интендантлари ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам бу минтақавий ёки глобал ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Дунёдаги вазиятни яхши томонга ўзгартиришнинг реал имкониятлари мавжуд. Технологик ва ташкилий имкониятлар нуқтаи назаридан бугунги кунда глобаллашувнинг стихияли жараёнларини назоратга олиш лозим, жаҳон тараққиёти бошқарилишини таъминлаш учун бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқлар йўқ. Дунёнинг ўзаро боғлиқлиги янада ортган, янада кўпроқ қисмларга бўлинган бир шароитда сиёсат, бошқарув ва очиқ институтларнинг аҳамияти ортиб бораётгани жаҳон афкор омма-си томонидан кенг эътироф этилмоқда. Бунга эътироз қилувчилар кам учрайди.

Очиқ институтлар самарадорлик ҳақида, бозорларни ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга қандай ёрдамлашган маъқуллиги тўғрисида баҳслашади. Бу албатта, муҳим. Аммо шуниси ҳам муҳимки, миллий ва очиқ глобал институтлар одиллик ва бирдамлик тамойиллари асосида иш тутсинлар, амалда кишиларнинг ҳуқуқи ва шаънини, асосий эркинликларини, турмуш тарзини эркин танлаш ва уларнинг ўз маданий-тамаддуний хослигини сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида қай-гурсинлар.

Глобаллашувга, аввало, бириктирувчи омил сифатида қараш лозим. Глобаллашувнинг бу томондан фойдаси фундаментал фанларни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, илмий маълумотларнинг глобал тизимини яратиш, турли халқ ва давлатларнинг тарихий, маданий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний тажрибаларини умумлаштиришдир. Ер қуррасининг миллий-этник ва диний турфа хиллигига қарамасдан дунё ягона цивилизация моделни яратиш томон ҳаракатланмоқда. Бу модель миллий ва диний хилма-хиллик ва ўзига хосликни инкор қилмайди, аксинча, маданиятлар бири-бирини бойитишнинг ривожланган механизмлари ёрдамида суверен ривожланиш учун шароит яратади. Фақат

глобаллашувни ижобий қабул қилишгина биргаликда мавжуд бўлишнинг шундай тартибига олиб келадики, унда ҳар бир халқ, ҳар бир шахс ўз миллий ёки диний мансублигига қарамай, табиат берган инъомларга эга бўлади ва улардан фойдаланади.

Глобаллашув объектларидан ҳеч бири (стратегик, маданий, иқтисодий каби қатор параметрларга кўра) алоҳида ҳолда қандай бўлсада, бирор-бир таъсирчан ва самарали муқобилни таклиф этиш ва таърифлаш лаёқатига эга эмас. Глобал чақириқ шунга яраша глобал жавоб бўлишни кўзда тутаяди, акс ҳолда қаршилик кўрсатётган субъект вақтинча айланиб ўтилади ёки у ўзининг бор куч ва ресурсларини муқаррар ҳодиса билан курашга сарфлайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Либерал ва неолиберал глобаллашув сиёсати.
2. Халқаро иқтисодий муносабатларда неолиберал глобаллашувнинг салбий таъсири.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т., Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 – Т., Ўзбекистон, 2002.

6. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2002.
7. Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид – ҳалокатли куч (мақола ва маърузалар тўплами). – Т., Академия, 2001.
8. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. – Алматы. 2001 N12.
9. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. – N1.
10. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. – СПб.: Питер, 2005
11. Арах М. Европейский Союз. –М.: ОАО изд-во “Экономика”, 1998. –С.29-35.
12. Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. –М.: Альпина Паблишер, 2003.

IV. ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЧАҚИРИҚ ВА ТАҲДИДЛАРИ

4.1. Хавфсизликнинг миллий даражадан юқори ва миллий жиҳатлари

XX ва XXI асрлар чегарасида “совуқ уруш”нинг ту- гаши ва собиқ СССРнинг парчаланишидан сўнг халқаро муносабатлар янги тизимининг шаклланиш жараёни бош- ланди. Шу билан бирга, ҳамкорлик борасида ҳам, рақо- батчилик борасида ҳам умумий манфаатлар ва чуқур зиддиятлар, тенденциялар пайдо бўлди.

Ҳозирги глобал ва минтақавий геосиёсий жараёнлар шундан дарак берадики, дунё яқин орада хавфдан холи бўлмайди. Дунёда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий беқар- рорликни сақлаб турган жуда кўп омиллар мавжуд. Улар моҳият-эътибори билан анча барқарор ҳисобланади. Шунингдек, зиддият келтириб чиқарувчи кучли омил- лар давлат ичкарисидаги ва давлатлараро муносабат- ларда ўзини намоён этмоқда. Бинобарин, жаҳон барқар- рорлик ва тараққиёт сари ривожланиб бормоқда, деган фикр тасдиғида мантиқ кам.

Инсоният ўтган асрнинг биринчи ярмида ишончли хавфсизлик тизимини ярата олмади: бўлиб ўтган икки- та жаҳон уруши ва турли қонли инқилоблар бир неча ўн миллионлаб кишиларнинг умрига зомин бўлди. XX аср иккинчи ярмининг ўзига хос хусусияти шундан иборат- ки, жаҳон ҳамжамияти халқаро хавфсизликнинг асосий таҳдиди – янги, Ер юзидаги барча мавжудотни йўқ қилишга қодир термоядровий уруш юз бериши таҳди- дини баргараф эта олди.

XX асрнинг сўнгги ўн йилларидаги глобал ўзгариш- лар жараёни инсоният олдига янги вазифалар қўйди. Дунёни қамраб олган келажакка ишонч уларни амалга

оширишда бирламчи таъсир кўрсатди. Ўзаро душман “капиталистик” ва “социалистик” лагерлар ўртасидаги ядро уруши таҳдиди, шунингдек, рўёбга чиқмаган ком- мунистик тизимнинг зўрлик билан экспорт қилиниши хавфининг баргараф бўлиши, собиқ СССРнинг парчала- ниб кетиши, социалистик лагерларнинг қулаши ва янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши либерал дунё- қараш тантанаси учун, ҳаттоки, “тарих тутаганлиги”ни эълон қилиш учун асос берди. Халқаро ҳамжамиятнинг руҳий муҳити, аслида “платина асри”нинг¹⁸ бошлани- шидан хабар берилишига созланган эди, унда юзага ке- ладиган барча глобал муаммолар халқаро ҳамжамият томонидан баҳамжиҳат ҳамда самарали тарзда ҳал қилин- ди. Универсал ва минтақавий халқаро муносабатлар фаоллаштирилди. Мамлакатлар ҳавасга арзигулик ке- лишувни кескин халқаро инқирозларни ҳал қилишда на- мойиш этади (масалан, “Саҳродаги бўрон” операцияси- ни ўтказишда). Табиат ва жамият, инсон ва атроф-му- ҳитнинг ўзаро таъсири, шунингдек, ижтимоий жамоа- лар – халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муно- сабатлар борасидаги муаммолар бўйича қабул қилинган универсал ва минтақавий, сиёсий-ҳуқуқий декларация ва қарорлар истиқболли ғоялар билан тўла эди. Улар жаҳонда эзгулик муқаррар ғалаба қилиши ҳақидаги та- саввурлардан келиб чиққан эди.

Бироқ бу оптимизм узоққа чўзилмади, йилдан-йилга дунё оптимистлари лагери сийраклаша бошлади. Бу асо- сан “янги эра”нинг бошланишига айбдорлар тарафидан содир бўлди. Собиқ СССРнинг қатор янги мустақил дав- латлари, унинг амалга ошган ёки ошмаган сателлитла- ри, Югославия ва қандай бўлмасин ўзида социализм

¹⁸ Яъни, афсонавий “олтин аср” деб аталувчи умумий роҳат-фароғат ва гуллаб-яшнаш даврининг замонавий ўхшаш шакли. (муаллиф изоҳи).

қуришга уринган ҳамда бу гождан энг радикал тарзда воз кечган бошқа мамлакатлар фуқаролар уруши, айирмачилик, конфессиялараро ва миллатлараро можаролар олови ичида қолди. Янги мустақил давлатлар иқтисодий шокка тушириб даволаш, ҳамма жойда ижтимоий кафолатлардан махрум бўлиш, аҳолининг қашшоқлашуви ва сиёсий беқарорлик синовларига дучор бўлишди. Фақат озчилик давлатларгина ички тинчликни сақлай билди, содир бўлган ўзгаришларни босиқлик билан енгиб, оқилона қабул қила олди. Фарбнинг “иқболи кулган” мамлакатларидаги воқеликларга муносабати вазиятни оғирлаштирди. АҚШ сиёсий истеблешменти ва Фарбий Европанинг қатор мамлакатлари воқеликка четдан кузатувчи сифатида қарашди, гоҳида бўҳрон вазиятга тушиб қолган мамлакатлар манфаатлари билан ҳисоблашмай, юз бераётган воқеалардан муайян фойда чиқаришга уринди. “Совуқ уруш” вақти-вақти билан алоҳида хатти-ҳаракатлар, фикр ва мулоҳаза баён қилишларнинг умумий оҳангини бериб турди. Голиб чиққан лагеръ ўзини бунга эришган деб ҳисобламай, галабани ҳалок этгучи ва истиқболни битирувчи якунга етказиш учун барча чораларни кўраётгандек тасаввур пайдо бўлди. Тегишли миқёсдаги жамоавий, дунёвий, тўғрироқ айтганда, глобал ўз-ўзини англашга эришиб бўлмади. Дунё ҳеч қандай қаршиликсиз ўзи учун умумий қақриқ ва тақдидларни, уларни бартараф этиш йўлларини бир хилда ёки лоақал келишган ҳолда тушуниш имконидан воз кечди.

Умум бахт-саодат учун курашни кўзлаган жаҳон мафкуралари йўқлик сари кетди. Унинг ўрнида пайдо бўлган бўшлиққа жўн халоскор диний-сиёсий афсоналар, глобал либерал-демократик, маданий, экологик ва бошқа декларациялар ҳамда инсониятнинг орзусини

рўёбга чиқарувчи – на қашшоқлар, на очлар, на касаллар бўлмайдиган бутун дунёда бахт, фаровонлик ва адолатга эришишни мақсад қилган лойиҳалар ёпирилиб кирди. Дунёдаги вазият жаҳон онгининг умумий ҳосиласини топишга бир неча бор имкон берди. Айниқса, глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасида бунга кўп имконият бўлди. Аммо ҳар доим субъектив, миллий ёки минтақавий инстинктлар устун келди ва дунё бугун яна “нима муҳим: умумийми ёки алоҳида?” деган ечилмаган масала қаршисида турибди.

Мусулмон мамлакатларидан Европага кўчувчиларнинг кўпайиши, маргинал этник қўзғолонлар ва шовинистик кайфиятларнинг кучайиши, доимий равишда халқаро терроризм шаклида намоён бўладиган тажовузкор ислом фундаментализмининг фаоллашуви ва бутун Шарқда АҚШ ташқи сиёсатининг мислсиз фаоллашуви ва бошқалар билан боғлиқ жараёнларни тушунтириб беришга бўлган уринишларда цивилизациялар тўқнашуви ҳақида кўп гапирилди. Бизнинг назаримизда, бу ўринда сўз иккита нисбатан тенг ҳуқуқли томон конфликт ва цивилизациялар тўғрисида ҳам эмас, балки муайян кучнинг цивилизацияга бир томонлама тажовузи тўғрисида бормоқда. Бу куч, фикримизча, цивилизацияни диний, айниқса, жўғрофий белгисига кўра, ғайриқонуний тарзда ажратади. Маданий ва тарихий ўзига хослик, албатта бор. Тарихшунослик анъаналарига амал қилиб, улар асосида баъзан ислом дунёсини “ислом цивилизацияси”, ҳозирги Фарб дунёсини “христиан цивилизацияси” деб атайдилар. Аммо бу терминологик шартлилик бўлиб, аслини олганда, цивилизация ягонадир. Ҳеч бўлмаганда, у сўнги асрда шундай бўлди. Глобаллашув жараёнлари ҳам бундан далолат беради, негаки бунда дунё маданиятларининг кенг қўламли боғламаси унсурлари иштирок

этади. Улар цивилизация жараёнларидаги тафовут ҳақида гапиришга йўл бермайди. Иккита цивилизация мавжудлигини эътироф этиш ўз ривожланиш даражасига кўра, нисбатан тенг иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-маданий имкониятларга, аммо турлича қадриятлар ва қоида мезонларига эга иккита алоҳида дунё борлигини тан олишни англатар эди. Акс ҳолда улар қандай қилиб ажралган бўлар эди? Цивилизациялардан бири бошқа сайёрада яшамайди-ку. Унинг марказдан узоқда жойлашувини ёки варварликдан ҳам паст тараққиётни, яъни цивилизация қучоғи етмаган ёки онгли равишда тўсиқ билан ажратилган жамиятимизнинг бир қисмини бошқа цивилизация сифатида эътироф этиш мумкинми?

Агар ҳозирги цивилизацияга ташқаридан хавф солаётган нимаики бўлса, бу ҳозирги юқори технологик маданий дунёда маъқул кўрилмаган элементлар бўлиб, улар ҳақиқатан цивилизациянинг ички қарама-қаршиликлари маҳсулоти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, цивилизациялар тўқнашуви ҳақида эмас, балки уни ҳақиқатан ҳам иккита бир-бирига боғлиқ бўлмаган маданий тизимларга ажратишга уриниш тўғрисида гапириш лозим. Цивилизацияларни диний тамойилларга кўра, бир-бирига қарши қўйиш орқали, шунингдек, бунга “бой ши-моли-ғарб” – “қашшоқ жануби-шарқ” каби қотиб қолган қарашларни аралаштирган ҳолда ажратишга ҳаракат қилинади.

Акс ҳолда ислом дунёсини қолган барчага шу қадар жадал ва радикал тарзда қарши қўйилишини қандай баҳоламоқ мумкин? Бундай ажратишни мўлжаллаган кишилар буни яшираётганлари йўқ, бунинг устига иккала томондан ҳам. Шуниси қизиқки, ушбу томонлардан бири ҳарбий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан унча юқори бўлмаган ресурсларга эга бўлгани ҳолда бу борада кўпроқ

тиришқоқлик кўрсатмоқда. Мазкур томон фақат тарғибот-ташвиқот, руҳий таъсир ва террор усулларигагина таяниб иш тутмоқда. Улар “ўз” цивилизацияларини яратиш, нимага эришади?

Тажовуз ва экспанциянинг сиёсийлаштирилган мафкураси сифатида исломдан фойдаланаётган экстремистлар “Дар ал-ҳарб” (гайридинлар яшайдиган жой) гайридинлардан озод қилиниб, “Дар ал-ислом”га (ислом эътиқодчилари яшайдиган жойга) айлангирилиши кераклиги тўғрисида гапиради. Биринчи босқичда кўкларга кўтариб мақталган халифаликни тузиш кўзда тутилади.

Экстремистлар жиҳод – “Дар ал-ислом” ва “Дар ал-ҳарб” ўртасидаги муносабатларнинг меъёрдаги ҳолати эканлигини тарғиб қилади. “Дар ал-ҳарб”нинг мавжуд бўлишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Жиҳод ҳеч қачон тўхтамайди, у узил-кесил галабагача давом этади. Ундан оғишган ҳар қандай киши – сотқин. “Дар ал-ҳарб”га зарар етказувчи ҳар қандай хатти-ҳаракат оқланади ва унга руҳсат этилади. Гайридинлар ҳукмронлигидан озод қилинган ер “фей” (“афа’а” – қайтиш сўзидан, “қайтарилган”) тсифасига ўтади ва барча мусулмон жамоаси (умма)нинг мулкига айланади.

“Халифалик” ўз иқтисодиётини самарали ва мувозанатга келтирилган меъёрлар асосида, замонавий бозор талабларига мос қураётган илғор демократик мамлакат сифатида ўйланмайди.

Шунингдек, “халифалик” ҳамма нарса марказига инсон қўйилган, жумладан, фан ва маданият соҳасида эркин имкониятга эга мамлакат сифатида асло тушунилмайди, балки уни дастлаб ўзининг яшаб қолиши учун курашаётган, сўнгра дунёга ҳукмрон бўлиш учун курашадиган ҳокимият шакли сифатида олиб қарайди.

Агар ушбу ғоя назарийчилари трактлари ўрганилса, ушбу янги давлат-жамият моделининг тоталитаризмга

ўхшашлигини кўриш қийин эмас. Маълумки, тоталитар давлатлар пайдо бўлдими, бундай ҳокимият тартибининг душманлари бор-йўқлигига қарамай, ўзининг мавжудлик шаклига кўра, доимий тажовуз ва террорга эҳтиёж сезади. Бу нарсалар бўлади, чунки унинг табиати ўзи шунақа. Бундай давлатнинг душманлари йўқ бўлганда, у мавжуд бўлишдан тўхтади.

Бу хилдаги диний-тоталитар мафкуранинг моҳиятига берилмасдан бир фикрни айтамыз: унда тушуниш, қабул этиш, қисман қўшилиш мумкин бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар қандай музокарага интилиш бу мафкура кимга қарши қаратилган бўлса, ўшанга муқаррар мағлубият олиб келади. Ушбу мафкура тарафдорлари уни ўзгартирмоқчи ёки тузатмоқчи, айниқса, бирон жиҳатдан бўш келмоқчи эмас. Ўз вақтида немис фашистлари бу хусусиятни яхши намоиш этган эди. Халқаро муносабатларни глобал равишда ҳарбий-сиёсий мувозанатга келтириш тизимининг йўқлиги айрим мамлакатларнинг глобал миқёсда ҳам, минтақавий миқёсда ҳам гегемонлик кўрсатишлари учун шароит яратди. Халқаро ҳуқуқнинг бажарилишини назорат қилишнинг самарали эмаслиги ва уларни ҳаракатга келтиришнинг тегишли механизмларига эга бўлган санкциялар тизими йўқлиги ҳам бунга ёрдам бермоқда. Натижада, қатор мамлакатлар ё либерал-демократик тартибнинг адолатли шиорлари билан ниқобланиб, очикчасига ёки экстремистик гуруҳ ва ҳаракатларни ташкил этиш ҳамда молиялаштириш орқали яширин равишда сайёранинг катта сиёсий ҳудудини ўз назорати остига олишга уринмоқда. Бунинг натижасида геосиёсат назарияси сиёсатчилар ҳамда ахборот-таҳлилий доиралар ўртасида яна долзарб ва оммавий бўлиб қолди. Шу сабабдан биз бугунги кунда халқаро ташкилотларнинг роли ва таъсирининг ўзгариши жараёнларига эгамиз. Масалан, БМТ бюрократлашиб бормоқда, си-

расини айтганда, ушбу ташкилот йилдан-йилга ўз аҳамиятини йўқотаётир, у ваколатидаги масалаларни ҳал қилишда борган сари самарасиз бўлиб қолмоқда. Эҳтимол, ушбу ташкилотнинг роли атайлаб пасайтириляётгандир, негаки у глобал ва минтақавий миқёсларда гегемонистик тенденцияларнинг ривожланишига тўсиқ бўлиш учун сафарбар қилинган. ЕХХТ каби қатор минтақавий ташкилотларнинг роли ҳам ўзгармоқда. Хусусан, ундан баъзида давлатларнинг ички ишларига аралашиб қуроли сифатида фойдаланилмоқда. Умуман, УХХТ жамоавий хавфсизлик ва иқтисодиёт, экология соҳаларидаги ҳамкорликнинг, ЕХХТдаги демократик янгиланишларнинг механизми бўлиш, давлатлар ўртасида ишончли ривожлантиришга ёрдамлашиб каби зиммасидаги ролини аста-секин йўқотмоқда.

Аксинча, муайян мамлакатларнинг геосиёсий манфаатларига жавоб бериши мумкин бўлган (уларга сиёсий, молиявий, моддий-техник ва бошқа таъсир этиш механизмларига эга бўлган) ташкилотлар таркиби кенгайиб, ҳозирги дунёнинг янги халқаро ва ҳарбий-сиёсий воқеликларига мувофиқ модернизациялашиб, янгича ҳаётга эга бўлмоқда. Бу ўринда сўз, аввало, НАТО ҳақида бормоқда. Ҳозирги халқаро вазиятга мос реакция сифатида янги кўп томонлама минтақавий ва минтақалараро тузилмалар пайдо бўлмоқда. Улардан баъзилари, масалан, МДҲ мавҳум истиқболга эга. ГУАМ сингарилари ягона шиор остида ташкил топган эди, аммо ҳақиқий мақсади кейинроқ маълум бўлди: ушбу уюшма бошқанинг ўйинида роль ўйнаши лозим эди. Тузилмаларнинг баъзилари зўр эҳтиёж маҳсули бўлиб, тегишлича ташкил топган, шу сабабли уларнинг истиқболига умид боғлаш мумкин (ШХТ, Евро АЗЭС ва бошқалар). Аммо, янги таҳдид ва чақириқларга жамоа бўлиб қарши туриш, асосан, глобал миқёсдаги халқаро кооперация ва

ҳамжиҳатлик етарли эмаслиги туфайли оқсамоқда. Урушлар ва кенг миқёсли террористик хатти-ҳаракатлар дунёни ларзага солмоқда, наркотрафик, очлик ва қашшоқлик билан курашда сезиларли галабага эришиб бўлмаётир, бир қатор иқтисодий ва гуманитар муаммолар ҳал қилинмасдан қолмоқда.

Дунё миқёсида мавжуд муаммолар ёмонлашаётган экологик вазият бўйича ўз ечимини топмаётир. Атроф-муҳитга инсон фаолиятининг таъсири ва табиатни ифлослантириш ҳалокатли, ўнглаб бўлмас характер касб этаётгани давом этмоқда. Инсониятга нафақат биологик, балки ижтимоий-иқтисодий зиён етказишга қодир эпидемик касалликларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Эпидемия билан курашга ҳам, унинг олдини олиш чоратадбирларига ҳам катта харажат сарфлаш зарурати ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади.

Глобал демографик муаммо ҳал бўлмаётир. Муайян вазиятда баъзи ҳудудларда аҳоли ўсишини чеклаб бўлмайди, бошқасида унинг камайишини тўхтатиб бўлмайди. Бунинг устига, мамлакат ва минтақа ривожининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти етарли даражада юқори бўлмаган жойларда аҳоли ўсиши тўғри келмоқда. Демографик бўҳрон, асосан, даромади юқори ва ўрта даражада бўлган мамлакат учун характерлидир. Кўпинча, демографик зарар асосан муҳожирлар ҳисобидан қопланмоқда, бу ҳам тажовузкор миллатчилик кайфияти, диний экстремизм каби четга оғадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг вужудга келишига шароит яратади.

Аҳолининг умумжаҳон кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сифати ва суръатларидан, шунингдек, инсоннинг оддий ижтимоий-биологик эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратишдан анча ортда қолмоқда. Дунё аҳолисининг катта қисми қашшоқ эканлиги цивилизация тараққиётининг қатор муҳим ижтимоий-иқти-

содий, сиёсий, экологик, демографик ва бошқа муаммоларини ҳал этишда асосий тўсиқ ҳисобланади.

Халқаро уюшган жиноятчилик ўсишда давом этмоқда. Халқаро терроризм таҳдидининг ўсиши глобал, минтақавий ва миллий даражада бир хил тарзда намоён бўлмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизм инсониятнинг барқарор ривожланиш йўлида жиддий хавфлардан бири бўлиб турибди. Терроризм билан кураш бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини шакллантириш жараёни кетмоқда. Экстремизм ўзининг барча кўринишлари билан дунёнинг кўпчилик минтақаларида барқарорликка жиддий таҳдид солмоқда. Диний экстремизм тарғиботи тўғридан-тўғри террор ташкилотлари қаторига жалб қилиш учун мафкуравий тайёрлашни ўзида намоён этади. “Ҳизб ут-таҳрир” каби ташкилотнинг фаолияти, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилганлиги бежиз эмас.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши аллақачон маҳаллий даражадан чиқиб, миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид даражасига етди. У халқаро жиноятчилик ва терроризмни маблағ билан таъминлаш манбаи бўлиб турибди. Наркомафия улкан иқтисодий салоҳиятли глобал кучга айланди. Унинг молиявий имкониятлари жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари бюджетидан анча ошиб кетди. Халқаро наркомафия учун барқарор бўлмаган ҳудудлар, маҳаллий можароларнинг янги ўчоқлари ҳамда узлуксиз давом этадиган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий кескинлик фойдалидир. Ҳар қандай беқарорлаштирилган мамлакат – наркобизнес ва наркотрафик учун “ишончли бозор”дир. Афғонистонда ҳарбий қарама-қаршилиқ барҳам топишига ва мамлакатда иқтисодий тикланиш жараёни бошланишига қарамай, Ғарбий Европада истеъмол қилинаётган героиннинг 80%и Афғонистондан келмоқда. Ушбу гиёҳванд моддаларнинг

ярми Европага Марказий Осиё орқали етказилмоқда. Гиёҳванд моддалар уюшган жиноятчиликнинг муштаҳамланишига сабаб бўлади. Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиш ғояси энг радикал исломий экстремистик гуруҳлар учун ҳам, қуролга эҳтиёжманд бўлганлар учун ҳам жозибадор бўлиб бормоқда. Наркотик моддалар савдоси билан курашда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, донор мамлакатлар халқаро ҳамжамияти моддий қўллаб-қувватлаши ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ушбу курашда жиддий натижага эришиш мумкин. Кучлар ишга солинишига қарамасдан зарур ресурсларнинг етишмаслиги гиёҳванд моддалар муаммоси билан курашда асосий тўсиқлардан бири бўлмоқда. Халқаро ташкилотлар Марказий Осиёда наркотиклар муаммосини ўрганишга катта маблағ сарфлашни давом эттираётган бўлса-да, уларнинг минтақадаги мамлакатларга амалий ҳаракатлар борасида ёрдами кам бўлмоқда. Марказий Осиё давлатлари халқаро наркосиндикатларнинг кенг миқёсли тажовузи қаршисида туриб қолди. Бундай шароитда гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича БМТ Бошқармаси шафелиги остида мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлар, таъсирчан халқаро дастурлар зарур.

Ядро қуролларидан тийилиш ва унинг тарқалиши, ядро қуроллари бўйича мусобақалашув, қуролсизланиш ва қуролларни тарқатмаслик бутунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Глобаллашув, ҳозирги дунё ўзаро боғлиқлигининг кучайиб бориши, икки ёқлама мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган технологияларнинг кенг тарқалганлиги ва бунга эришиш мумкинлиги шароитида бу таҳдид кўпгина давлатларнинг миллий хавфсизлигига, умуман, халқаро барқарорликка дахл қилиб, трансмиллий характерга эга бўлди.

Халқаро ҳамжамият XX асрнинг иккинчи ярмида де-

мократия, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш, кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт шароитларини яхшилаш томон катта қадам босди. Аммо у зўравонликни, унинг турли, жумладан, жиноят шаклидаги кўринишлари - жиноятчиликка оид қонунлар билан таъқиқланган, ижтимоий хавфли, жинойи бўлган ва жазога тортиладиган хатти-ҳаракатларни йўқота олмади.

Дунёда умумий жиноятчилик йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, у йилига 5%га ўсиб бормоқда. Энг кўп жиноят АҚШда содир этилади - йилига 35 миллионгача. Россияда ҳам жиноятчилик кескин ортди, бу ерда жиноятлар сони фақат 1995 йилнинг ўзида 3 млн.га етди, жиноятчи гуруҳлар сони эса 1990-1994 йилларда 10 мартага кўпайди. Шу билан бирга, оғир жиноятлар салмоғи ошиб бормоқда. Улар томонидан етказилаётган моддий ва маънавий зарар кўлами борган сари ортиб бораётир. Айниқса, шуниси хавотирлики, дунёдаги кўплаб кишилар уларнинг қурбонига айланмоқда.

Ҳозирги замон жиноятчилигининг характерли хусусияти унинг ташкилий жиҳатдан устунлигидир. Жиноятларнинг ташаббускори ва ижрочилари сифатида фақат алоҳида шахсларгина эмас, балки қурол-яроғларнинг янги туркуми, алоқа ва коммуникация воситалари, қўриқлаш сигнализациялари, тингловчи қурилмалар, радиотелевизион ва компьютер тармоқлари билан қуролланган уюшган гуруҳлар чиқмоқда. Бундай жиноятчи гуруҳлар ихтиёрида ихтисослашган штаблар, тезкор хизматлар, оцерацияларни амалга оширишнинг олдиндан ишлаб чиқилган режалари тайёр туради. Сўнгги паллада улар жипслилиги, ташкилотчиликнинг юқори даражаси, жинойи ҳаракатларнинг пухта тайёрланиши, умумий газна мавжудлиги, қатъий амал қилинадиган ҳокимият иерархияси ва интизом билан ажралиб турувчи "жинойи ҳамжамият"га бирлашади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ислом дунёси ва Ғарб дунёси ўртасидаги миллий хавфсизлик масалалари.
2. Эстремизм, экология, демография, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва ядро қуролининг тарқалиш таҳдидларининг халқаро хавфсизликка таъсири.
3. Халқаро терроризмнинг халқаро муносабатларга таъсири.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 - Т., Ўзбекистон, 2002.
5. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
6. Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид - ҳалокатли куч (мақола ва маърузалар тўплами). - Т., Академия, 2001.
7. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
8. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.
9. Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. - М.: Альпина Паблшер, 2003.

4.2. Глобал ва регионал ривожланишнинг экологик муаммолари

Атроф-муҳит, табиат ва инсон ресурслари муаммолари ҳамон долзарблигича қолмоқда. Улар моҳияти ва кўламига кўра, бутун инсониятга реал хавф ҳисобланади. Бугун бирорта инсон йўқки, ер ресурслари бир кун келиб тугашига ишонмаса. Экологик маданият ривожланаётганига қарамай, атмосферага зарарли чиқиндилар чиқаришнинг кўпайиши, сув ресурсларининг ифлосланиши, иқлим ўзгариши кабиларга дуч келиб турибмиз.

Экологик кризис давом этмоқда. Биз инсон фаолиятини қанча кўп ўргансак, экологик офатлар кишилар наздида одатий нарсага айланиб бораётганлигини шунча кўп тушунмоқдамиз. Ерда ҳаёт мавжуд бўлишига таҳдид табиатга нисбатан муносабатларни ўзгартириш омили бўлишдан тўхтамоқда.

Инсонни ўраб турган табиий муҳитнинг ёмонлашуви унинг барча муҳим компонентларига: атмосфера ва муҳит, сув ресурслари ва дунё океани, Ернинг тупроқ қатлами ва ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсир этганлиги далили билан ҳеч ким тортишиб ўтирмайди. Бироқ муҳофаза чораларини кўриш масаласида етарли ресурслари бўлмаган давлатлар ҳамда жамоат ташаббускор гуруҳларигина муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Саноат объектлари ва автомобилларнинг заҳарли моддаларни ҳавога чиқариши натижасида атмосферанинг юқори даражада ифлосланиши, айниқса, хавфли тус олмоқда. Дунёнинг металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё, ўғит ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган қатор ҳудудларида ҳавода 200 гача ва ундан ортиқ турда турли зарарли моддалар мавжудлиги аниқланган. Уларнинг

умумий миқдори эса концентрациянинг ўртача даражасидан 10 ва ундан кўп марта ортиб кетади. Азон қатламининг емирилиши муаммоси кун тартибидан тушгани йўқ. Атмосферанинг ифлосланиши ўсимликларни нобуд қиладиган, сув ҳавзаларини зарарлантирадиган, ер қобиғи ҳолатини, ҳайвонот дунёси яшаш шароитини кескин ёмонлаштирадиган кислотали ёмғирларни ҳам келтириб чиқаради.

Сўнги ўн йилларда сув ресурслари – дарёлар, кўллар, сув омборлари, ички денгизларнинг умумий ҳолати сезиларли ёмонлашди.

Ер ресурсларидан ваҳшийларча фойдаланиш оқибатида ҳайдаладиган ерлар тобора камайиб бормоқда. Бу ер юзи аҳолиси тез суръатларда кўпайиб бораётган пайтда содир бўлмоқда. Инсоният бир пайтлар ҳосилдор бўлган қарийб 2 млрд. гектар ерни сахро ва деҳқончилик учун яроқсиз ҳудудларга айлантириб бўлди.

Биосфера ҳолати ва сифатини кўп жиҳатдан белгилаб турувчи омил – ўрмон ресурсларига катта зарар етказилмоқда. Ўрмонлар нафақат углеводородни сақлайдиган, балки уни атмосферага тарқатадиган улкан манбадир. Шунингдек, улар атроф-муҳитнинг газ, сув, иссиқлик меъёрини тартибга солиб туради, ёғоч, озиқовқат ва бошқа кўплаб ресурслар манбаи саналади.

Ернинг биологик ранг-баранглигининг қисқариши табиий муҳитга антропоген таъсирнинг ўта хатарли оқибатидир. Ўтган юз йил давомида 25 мингга яқин ўртача ўсимлик тури, мингдан ортиқ ёввойи ҳайвон турлари, юзлаб уй ҳайвонларининг ноёб зотлари йўқолди ёки йўқолиш арафасида турибди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, биосфера яна 10-15% гача уни ташкил этувчи турларни йўқотиши мумкин экан.

Глобал энергетик кризис таҳдиди кучайиб бормоқда. Дунё нефть захиралари тугамоқда. Нефть жаҳон иқтисодиёти тараққиётига таъсир кўрсатадиган даражада қимматлашиб боряпти. Шунга ўхшаш ҳолат 1972 йилда юз берган эди. Ўшанда нефтнинг дунё нархи ўн баробар ошиши билан энергетик кризис жаҳон ҳамжамиятини оғир синовларга дучор қилган эди. Нефть қимматлашувининг мислсиз ўсиши энергиянинг бошқа манбаларига тезда ёйилди, минерал хом ашёнинг кўпгина турларига дахл қилди, саноатнинг қатор соҳаларида, биринчи галда, энергия сифимли ишлаб чиқаришда сивация юзага келишига сабаб бўлди, жаҳон иқтисодий ривожланиши умумий суръатининг пасайишига, ишсизликнинг ўсишига олиб келди. Ҳукуматлар ишбилармонлар дунёси, аҳолининг янги энергетик вазиятга, жаҳон энергетик бозоридаги шарт-шароитларга мослашиши учун ўнлаб йиллар керак бўлди. Бир қатор ривожланаётган мамлакатлар (Ҳиндистон, Бразилия, Хитой ва ш.к.) иқтисодиёти ва аҳолисининг тез ўсиши энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Шу аснода, минерал хом ашё ва ёқилғи табиатнинг бошқа ресурсларидан фарқли равишда ишлаб чиқарилмайдиган, яратиб бўлмайдиган хилга мансубдир. Фойдали қазилмалар захираси бир кун келиб тугаши маълум.

Бундан ташқари, энергетик ресурслар истеъмолининг ўсиши минерал ёқилғи ишлаб чиқаришнинг табиий-жўгрофий шароитини ёмонлаштиради. Натижада геологик разведка, энергия ресурсларини қазиб олиш ваташиб келтириш учун сарф-харажатлар ошиб бормоқда. Нефть ва газ қазиб чиқариш ҳудудлари уларни истеъмол қилувчи асосий марказлардан борган сари узоқлашиб бормоқда. Россия, АҚШ, Канада, Норвегия син

гари шимолий мамлакатлар, шунингдек, Буюк Британиянинг нефть ва газ қазиб олишлари тобора Арктика денгизи шельфларининг аҳоли кам ва кимсасиз ҳудудларига кўчиб ўтмоқда.

Кузатувлар натижасига кўра, айнан арктик ва субарктик ҳудудлар – минтақаларда минерал ресурслар энг кўп тўпланган ҳисобланади.

Энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши, асосан, экстенсив йўл билан, яъни энергия ресурсларнинг янгидан-янги ҳажмларини муомалага киритиш орқали амалга ошироқда.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривож ва техник тараққиётнинг мавжуд даражаси жаҳон ҳамжамиятига энергиянинг анъанавий манбаларини муқобили билан, биринчи галда, ядровий энергия билан алмаштиришнинг тўлиқ хавфсизлик қафолатини таъминлашга имкон бермайди. Инсоният олдида инсон ҳаёти ва уни ўраб турган табиат учун буткул хавфсиз ва ишончли бўлган энергия манбаларидан фойдаланишга, уни оқилона сарфлашга, барқарор, иқтисодий самарадор энергия таъминотига ўтиш вазифаси турибди.

Марказий Осиё минтақасида экологик ҳалокатнинг хавфли зоналаридан бири юзага келди. Президент Ислам Каримов қайд этганидек, “Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир”.

Орол денгизининг қуриб бориши минтақанинг долзарб экологик муаммоси ҳисобланади. Бир авлод кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлгани ҳеч қачон рўй берган эмас. Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён туфайли Оролбўйи минтақасида табиий муҳитнинг бузили-

ши экологик фожиа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки денгиздан анча наридаги ҳудудларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши мазкур фожиа оқибатларидир. Ушбу табиат кризиси (бўҳрони)нинг салбий таъсири узоқларга тобора тез тарқамоқда. Қарийб 35 миллион киши Орол денгизи акваторининг ҳалокатли қисқариши туфайли вужудга келган муаммо таъсирида қолди. Аёнки, Марказий Осиё давлатлари фақат ўз ҳаракатлари билан вазиятни тўғрилай олмайди.

Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ЮНЕП шафелиги остида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича Кенгаш тузиш тўғрисида илгари сурилган таклиф муҳим аҳамиятга эга. Ушбу орган молиявий маблағларни жалб қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштира олиши, Марказий Осиёда экологик аҳволни яхшилаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Атроф-муҳит, табиат ва инсон ресурслари муаммолари.
2. Марказий Осиё минтақасида экологик ҳалокат.
3. Глобал энергетик кризис таҳдиди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997.

4. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 – Т., Ўзбекистон, 2002.
5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъул-миз. 9-жилд. – Т., Ўзбекистон, 2001.
6. Возжеников В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. – М., 2000.
7. Саидолимов С. Проблемы безопасности в Центральной Азии. – Т., Akademiya, 2003
8. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарк, 2002.
9. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. – Алматы. 2001 №12.
10. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. – №1.
11. Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. – М.: Альпина Паблшер, 2003.

4.3. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ичимлик суви муаммолари

Дунё улкан муаммога дуч келиб турибди: бугунги кунда 800 млн. киши очликдан қийналмоқда;¹⁹ умумий аҳоли сони 300 млн. дан ортиқ бўлган 28 мамлакат сув танқислигини бошидан кечирмоқда; 1,7 млрд. киши меъ-ёрдаги сув таъминоти ва санитариядан фойдаланиш имконига эга эмас; ҳар йили қарийб 1,5 млрд. киши сув орқали ўтган юқумли касалликлардан азият чекмоқда. Боз устига 30 йилдан сўнг дунё аҳолиси 7,8 млрд. кишига етади, келгусида уларнинг 80% дан кўпроғи ривожланаётган мамлакатларда, 60% дан кўпроғи кенгаётган шаҳарларда яшайди. Қишлоқ хўжалиги – сувдан асосий

¹⁹ Розугрант М.В., Сай К. Водный дефицит и продовольственная безопасность: альтернативное будущее 21 века. // Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.

фойдаланувчиларнинг сув билан таъминланганлик муаммоси жаҳоннинг кўп минтақаларидаги озиқ-овқат хавфсизлигининг мураккаб омилларидан биридир. Суғорма деҳқончилик – 72% га яқин глобал сув чиқариш иншоотларини ва ривожланаётган мамлакатлардаги 90% шундай иншоотларни ҳисобга олганда – яшил инқилоб пайтида, хусусан, Осиёда миллий глобал озиқ-овқат захираларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшди. Бироқ суғориш соҳасида сув билан таъминланганлик бошқа тармоқларда: саноатда, уй-рўзгор хўжалиги ва атроф-муҳитда сувдан фойдаланишнинг тез ўсиб бораётгани тўғрисида хавф-хатарга дуч келиши мумкин. Сувга бўлган эҳтиёж суғориш ва сув билан таъминлаш тизимига янги сармоялар қўйиш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш орқали қисман қондирилади.

Сув билан таъминлашнинг ноанъанавий манбаларини кенгайтириш учун баъзи имкониятлар мавжуд. Аммо кўпгина қурғоқчил ва ярим қурғоқчил минтақаларда – мавсумий намгарчилик ҳудудларида – манбалар сувга сероб эмас. Янги сув ресурсларини ривожлантириш учун сарфланадиган катта иқтисодий ва экологик харажатлар эса сув таъминотини кенгайтиришни чегаралаб қўймоқда. Бинобарин, ортиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун янги захиралар етарли эмас. Натижада суғорма деҳқончиликда ва озиқ-овқат хавфсизлигида сув чиқариш иншоотларининг роли кейинги йилларда катта эътибор жалб қилмоқда. Суғориладиган экинзорлар, ҳайдаладиган ерлар лалмикор деҳқончиликда ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бирга, бу мамлакатларни озиқ-овқат билан таъминлай оладими, миллий ва глобал озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилашга етарлими? Бу – бутун дунёдаги энг қийин ва долзарб масала. Тахминларга кўра, сувга бўлган талаб, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда жадал ошиб боради.

Сувга бўлган талаб қишлоқ хўжалигига қараганда, шаҳар ва саноат соҳасида ўсиб боради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, суғориш ишлари ва сувдан фойдаланишдаги баъзи ҳолатларда сувга бўлган талабнинг тез суръат билан ортиши, айниқса, маиший ва саноат мақсадларида эҳтиёжнинг кучайиши озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ўсишини жиддий равишда сусайтириши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг нархи сувдан таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Ғалланинг, хусусан, гуруч, буғдой, маккажўхори ва бошқа маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархи суғориш соҳасидаги сув билан таъминланганлик даражасига жуда сезгир бўлади. Суғориладиган ерларда ҳам, лалмикор ерларда ҳам сувни бошқариш ва ундан фойдаланиш соҳасида ижобий ўзгаришлар бўлмаётган бир пайтда суғоришда фойдаланиладиган сув ҳажмининг қисқариши ишлаб чиқаришнинг ўсишини пасайтиради ва учинчи дунё мамлакатларига салбий таъсир кўрсатиб, ғалла нархини кескин ошириб юборади.

Сайёрамизнинг фазодан туриб туширилган суратлари сувларнинг чекланмаган захираларидан дарак беради²⁰.

Ер қуррасидаги қарийб 97% сувни океан ва денгизлар ташкил қилади. Бу сув жуда шўр бўлиб, фойдаланиш ва сув таъминоти учун яроқсиздир. Фақат 2,5% ни чучук сув ташкил этади, унинг учдан икки қисми музликлар ва қутбларнинг музликларида мавжуд. Чучук сувнинг 0,77% гина сувли сатҳларда, ботқоқликлар, дарё, қўллар, ер ва атмосферада мавжуд бўлиб, иқтисодий эҳтиёж ҳамда сув экотизими учун фойдаланилиши мумкин.

Чучук сувнинг қарийб учдан икки қисми атмосферага қайтганда, тўпланган сув миқдори ёғингарчилик (119000

²⁰ Шади А. Проблемы и возможности глобального развития орошения // Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.

км³), буғланиш ёки транспирация билан тақсимланади. Умумий глобал оқиб тушган сув (Антарктида музининг эриши истисно қилинганда) 44500 км³. йилни ташкил қилади. Афсуски, бу замон ва маконда ўта нотекис тақсимланган. Сув оқиб тушишининг ярмидан кўпи Осиё ва Жанубий Америка ҳиссасига тўғри келади (тегишинча 31% ва 25%), Европада бу миқдор 7% ни, Австралияда эса 1% ни ташкил этади. Сув оқиб тушишининг катта ҳажми (80% дан кўпроғи) аҳоли зичлиги юқори бўлмаган шимолий ва экваториал зоналарда тўпланган. Сув ресурслари, одатда, гидрологик циклда тўпланади, тўлади, тозаланиб, қайта фойдаланилади. Мазкур жараёнда сувнинг тўпланишидан кўра, ундан фойдаланиш кўпроғи ташкил қилади. Постель ва бошқа олимларнинг фикрича (1966), инсоният мавжуд оқиб тушган сувнинг 54% дан фойдаланмоқда, аҳолининг ўсиши ва иқтисодий ривожланиш сабабли бу рақам 2025 йилга келиб 70% га етади.

Агар сув ресурслари ҳажми сўнгги 100 йил давомида ўзгаришсиз қолаётган бўлса, буни унинг сифати ҳақида айтиш мумкин эмас. Ҳозирги вақтда чучук сув тизими кўп даражада ифлосланган. Бу сув ресурслари тақчиллигига, шунингдек, тармоқлар ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келди. Сувнинг тобора кўпроқ қисми қишлоқ хўжалигидан маиший ва саноат эҳтиёжлари учун жалб қилинмоқда. Бундан ташқари, урбанизация жараёни мегаполислар учун сувга бўлган талабни оширди ва қишлоқ хўжалиги катта майдонларининг йўқолишига олиб келди. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги, асосан, суғориш соҳасида чучук сувнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади.

Ер шари аҳолиси мисли кўрилмаган тезлик билан ўсиб бормоқда, сув ва озиқ-овқатта бўлган талаб ҳам худди шундай суръатда ўсиб бораётир.

Сайёрамизда аҳолининг кўпайиши йилига 1,3% ни ташкил этади, яъни ер шари аҳолиси ҳар йили 77 миллионга кўпаймоқда (БМТ, 2001 йил маълумотлари). БМТ 2050 йил учун туғилишни камайтиришга хизмат қиладиган турли ҳимоя воситаларини ишлаб чиқди. Аҳолининг ўсиши ҳозирги кун суръати билан давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб ер шари аҳолиси 10,9 млрдга етади. Аҳолининг ўртача миқдори 2050 йилга нисбатан – 9,3 млрдни, энг кичик сон 2050 йилга нисбатан – 7,9 млрдни ташкил этади. 1979 йилдан буён суғориладиган ер ҳажми аҳоли жон бошига нисбатан мунтазам равишда камайиб келмоқда. Йилига 2 млн. гектар суғориладиган ер шўрланиши ва ботқоққа айланиши туфайли ҳисобдан чиқмоқда (Постель, 1997 йил). Сув билан таъминлаш камайиб, аҳоли жон бошига 1700 м³. кўрсаткичга пасайса, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш мумкин бўлмай қолади, натижада мамлакатлар четдан келадиган озиқ-овқатга қараб қолади. Глайк ҳисоб-китобларига қараганда (1998 йил), чекланувчи бош омил – озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун сув танқислиги масаласидир. Аҳолининг кўпайиши, қишлоқ хўжалик ерларининг қисқариши, суғоришга яроқли бўлган сув ҳажмининг камайиши – озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид туғдиради (Браун, 1997 йил). Халқаро озиқ-овқат институти (IFPRI) маълум қиладики, озиқ-овқат етиштиришда сувнинг аҳамияти тараққиётнинг бош масаласига айланади.

Аҳолининг ўсиши ва саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, суғориладиган экин майдонларининг кенгайиши ўтган аср мобайнида улкан сув инфраструктурасининг ўсишига олиб келди. 1900 йилдан 1995 йилгача даврда суғориладиган ер майдонлари 50 млн. гектардан 250 млн. гектаргача кўпайгани ҳолда, чучук сув танланиши 7 баробарга ортган. 1900 йилдан 1990 йилгача чучук сув танланиши йилига 580 дан 3580 км³.гача кўпайган.

Бугунги кунда дарё, кўл ва ернинг нам сатҳларидан ажратиб олинадиган чучук сув миқдори йилига 3.800 км³. ни ташкил этади. Бу кўрсаткич бундан 50 йил аввалгига нисбатан икки баробар кўп демакдир. Шу вақтнинг ўзиде, аҳоли сони ўсиш суръатларини ҳисобга олганда, жон бошининг сувга бўлган эҳтиёжи ортгани сайин, сув йилдан-йилга камайиб бораётганини назарда тутиш зарур.

Тўғонлар ва сув ҳавзаларини қуриш натижасида ичишга мўлжалланган сув ҳажми ортиб бораётганига қарамай, сайёрамиз аҳолисининг 40%и мунтазам равишда сув танқислиги азобини чекиб келаётир. Ривожланаётган дунёда 1,2 млрд. одам тоза сув ичиш имкониятидан маҳрум (ЮРЕП маълумотларидан, 2001 йил). Икки млрддан уч млрдгача бўлган одамга анҳор суви етмайди, 2,2 млрд. қишлоқ аҳолиси ҳам шу ҳисоб ичида (Косгроув ва Рийсберман, 2000 йил). Анҳор сувидан маҳрумлик натижасида ҳар йили 5-10 млн. одам ҳаёт билан видолашмоқда (ЮНЕП, 2001 йил маълумотлари). Ер юзида сув танқислиги хавфи ўта авж олган ҳудуд Яқин Шарқ бўлиб, ундаги 14 та мамлакатнинг 9 таси сувсизликдан азият чекмоқда.

2025 йилга келиб, дунёда мутлақ сув етишмаслиги хавфи остида яшаётган аҳоли сони 1,8 млрдга етади. 2050 йилда 4,2 млрд. одам инсоннинг энг муҳим эҳтиёжи учун ишлатиладиган кунлик сув (50 литр) ҳам етишмайдиган шароитда кун кечиришга мажбур бўлади (ЮНЕП). Сув танқислиги, қашшоқлик, очлик – қишлоқ жойларда яшовчи миллиардлаб маҳкумларнинг пешонасига битилган ёзиқ бўлиб қолади. Янги минг йиллик бошида 2-3 млрд. одам умумий қиймати кунига атиги 2 долларликкина бўлган озиқ-овқат истеъмол қиладиган бўлса, 1 млрд. одамники эса 1 долларга ҳам етмайди. 800 млн. одам эса мунтазам очлик шароитида кун кечиришга мажбур.

Сув, ер, озиқ-овқат, ишчи ўринлари ва молия ресурсларининг етишмаслиги дунёни “мулкдор” ва “мулксиз”ларга бўлиб, уни беқарорлаштиради.

МКИД статистик маълумоти (2000 й.) шуни кўрсатадики, умумий суғориладиган майдон 255 млн. гектарни ташкил этади. Тўрт мамлакат - Ҳиндистон, Хитой, АҚШ ва Покистон жами суғориладиган ерларнинг ярмини эгаллаган. 10 мамлакат барча майдоннинг учдан икки қисмини банд қилган.

Кўпчилик мамлакатлар, жумладан, Хитой, Миср, Ҳиндистон, Индонезия ва Покистон озиқ-овқатнинг ярмидан кўпини суғориладиган ерларда ишлаб чиқаради. Ўтган асрда озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг асосий ўсиши суғориладиган ерларнинг кенгайиши ҳисобига бўлди, чунки улар анча юқори ҳосил беради, бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш имкони ҳам бор. Санаб ўтилган мамлакатнинг барчасида озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун йирик тўғонлар ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан суғориш соҳасининг ривожини жиддий сусайди. Келгуси 25 йилда суғориладиган ерлар майдони кўпи билан бир йилда 0,6 % га ортади. Бу жараён қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзон нархда эканлиги, энергия нархининг юқорилиги ва қишлоқ хўжалигида инвестиция даражаси паст бўлган 80-йилларнинг иқтисодий шарт-шароитлари туфайли келиб чиққан. Янги ерларни ўзлаштириш нафақат машаққатли, шу билан бирга, қимматга тушадиган ишдир. Масалан, Ҳиндистон ва Индонезияда янги ерларни ўзлаштириш баҳоси 1970 йилга қараганда икки баробарга кўпайган, бу кўрсаткич Таиландда – 40%га, Филиппинда – 50%га ортган (Постель, 1999). Янги майдонларни ўзлаштириш харажатлари Жанубий Осиёда 1370 АҚШ долларидан Сахелда 18269 АҚШ долларигачадир (Бутунжаҳон банки).

Суғорма деҳқончиликда сув маҳсулдорлигининг ошиши асосий омил ҳисобланади. Сув бирлигига қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса, келгусида озиқ-овқатта бўлган талабни қондириш учун шунча кам сув талаб қилинади. Лалмикор ерларнинг имкониятлари чекланганлиги сабабли суғориладиган ерлар бундан кейин ҳам озиқ-овқатнинг асосий қисмини етказиб бериши кутилмоқда. Иқлим шароитлари туфайли лалмикор деҳқончилик учун ер сатҳининг 46% яроқсиздир. Баъзи мамлакатларда сув тақчиллигидан суғорма деҳқончилик қисқариб бормоқда, сув эса маиший ва иқтисодий эҳтиёж учун фойдаланилади. Шу сабабли озиқ-овқатлар кўпроқ четдан олиб келинади. Қаттиқ сув танқислигини бошидан кечираётган мамлакатлар сони тобора кўпайиб бораётганлигидан ривожланаётган дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг ўсиши давом этиши кутилмоқда.

Иқлим ўзгариши озиқ-овқат ишлаб чиқаришга ўз таътипларини киритиши мумкин. XX асрда углерод икки оксиди эмиссияси 1990 йилда 534 млн. т. дан 1997 йилда 6,59 млрд. т. гача 12 баробарга ошди. Газларнинг кўп тўпланиши натижасида атмосферадаги иссиқлик миқдори ортиб бормоқда. Иқлим ўзгариши глобал сув ресурсларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишга олиб келади. Ҳароратнинг ўртача 1-2 С га исиши ва ёғингарчиликнинг 10% га қисқариши йиллик сув оқиб тушишини 40-70 % га қисқартириши мумкин. Барча иқлим моделлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳавонинг исиши ёғингарчиликка салбий таъсир кўрсатади. Эвапотранспирациядан ошиб кетадиган шимоллий кенгликларда ёғингарчилик миқдори кўпайиши кутилмоқда. Айни пайтда ҳарорат юқорилиги ва ёғингарчилик миқдорининг озлиги сабабли шимол ёзи мобайнида шимоллий ва ўрта кенгликларда катта майдонларда ер сатҳининг қуриши тахмин қилинмоқда. Бу ҳол ҳозирдан оқ суғориладиган ерларни ҳисобдан чиқариб, гид-

роэлектрэнергия (сув электр энергияси) ишлаб чиқаришни қисқартириб, ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим турлари йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шахар агломерацияси ва турмуш даражаси ўсишини чегаралаб, сув тақчиллигини бошидан кечираётган минтақаларга кучли таъсир кўрсатмоқда. Сув тошқини ва қурғоқчилик каби ҳодисалар, айниқса, қишлоқларда озиқ-овқат билан таъминланганлик даражасини пасайтиради ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ошириб юборади.

Аҳолининг ўсиши, саноат ривожини ва сугорма деҳқончилигининг кенгайиши ўтган асрда жаҳон сув ресурсларига босимни кучайтирди. Аҳоли жон бошига сувга бўлган талабнинг ўсишига мувофиқ аҳоли жон бошига сув билан таъминланганлик камайди. Чучук сув билан таъминлаш 1990 йилда 580 км³. дан бир йилда 3580 км³. гача кўпайди. Чучук сув билан умумий таъминланганлик 1950 йил 12000 км³. дан ҳозирги пайтда 7300 км³. гача камайди. 2050 йилга келиб сув билан таъминланганлик бир йилда 4580 км³. гача камайиши кутилмоқда. Шуниси аниқки, инсоният сув танқислиги палласига қадам қўймоқда.

Сув тақчиллиги жаҳон галла савдосига салбий таъсир этади. Сув танқислиги ортгани сари айрим давлатлар ўзини боқишга қурби етмайди. Бу озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатади. Айниқса, ривожланган мамлакатларда янги тўғонлар қурилиб, сув инфраструктураси кенгайтирилади. Шундай бўлсада, сувни тежаш ва сугориш учун дренаж сувлардан қайта фойдаланиш услублари чуқур ўрганилиши, янада қатъият билан жорий этилиши лозим.

Бошқарувнинг яхши механизм ва технологиялари ҳамда очиқ бозорлар иқтисодий вазифалари жиҳатдан сувга қиймат беришга ва ундан фойдаланишда соғлом

рақобатни яратишга катта ёрдам беради. Айни пайтда табиий тизимларни тугатиб битирмаслик ва экотизимни муҳофаза этиш учун тегишли тартибларни жорий этиш зарур.

Такрорлаш учун саволлар

1. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари.
2. Жаҳонда сув танқислиги муаммолари.
3. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ичимлик суви танқислиги муаммоларини замонавий технологиялар ёрдамида ҳал этиш йўллари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т., Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 - Т., Ўзбекистон, 2002.
6. Возжеников В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. - М., 2000.
7. Саидолимов С. Проблемы безопасности в Центральной Азии. - Т., Академиа, 2003
8. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
9. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
10. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.

11. Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. – М.: Альпина Паблишер, 2003.
12. Розугрант М.В., Сай К.. Водный дефицит и продовольственная безопасность: альтернативное будущее в 21 веке. // Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.
13. Шади А. Проблемы и возможности глобального развития орошения // Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.
14. Валентини К.Л., Оролбаев Э.Э., Абылгазиева А.К. Водные проблемы Центральной Азии. – Б.: 2004.

4.4. Демографик муаммолар

Аҳоли ўсиш суръати ва тузилмасида Ер юзида унинг жўгрофий жойлашишида юз бераётган катта ўзгаришлар атроф-муҳитга, табиий ресурслар ҳолатига, энергия таъминоти даражасига, озик-овқат хавфсизлигига кучли таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган демографик силжишлар шу қадар жиддийлигидан улар дунё аҳамиятига молик мустақил муаммога айланди.

Ҳозирги замонда дунёда демографик жараёнларнинг бирламчи ва асосий ўзига хослиги – аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб боришидир. Агар XX асрнинг биринчи ярми мобайнида Ер юзи аҳолисининг умумий сони 1 млрд киши, яъни 1,5 млрддан 2,5 млрдгача кўпайган бўлса, кейинги ўн йилликларда аҳоли 3,5 млрдга ёки 2,4 мартага ортди. 1999 йилда аҳоли сони 6 млрдга етди. Тахминларга кўра, 2025 йилда ер юзи аҳолиси 8 млрд. бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, аҳолининг ўсиши дунёда бир текисда кечаётгани йўқ. Жаҳон иқтисодиётининг асосий марказлари – Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Япония, Австралия, Янги Зеландияда – ҳаммасини бирга олган-

да – аҳоли сони 1950-1996 йилларда 1,5 мартага ошди, Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ иттифоқда 1,6 мартаба кўпайди. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатларда аҳоли мазкур йиллар мобайнида 2,7 марта, жумладан, Африкада – 3,3 марта, Лотин Америкасида – 3 марта, Осиёда – 2,2 мартага ортди. Натижада Ер юзи аҳолиси умумий сонидан ривожланаётган мамлакатлар улуши сўнгги ярим асрда 2/3 дан 4/5 гача кўпайди.

Ғарчи дунёда аҳоли умумий сони ортиб бораётган бўлсада, унинг ҳар йилги ўсиш суръати ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб пасая бошлади: 1964 йилда 2,2 % бўлган эг юқори чўққидан 1997 йилда 1,4 % гача қисқарди. Башоратга кўра, узоқ ўн йилликларга чўзиладиган, шу тариқа инсониятни ҳалокат ёқасига қўядиган кучли ва чўзилган “демографик портлаш” бўлиши лозим эди. Кўпчилик демографлар кўплаб мамлакатларда, жумладан ривожланаётган мамлакатларда ҳам фертиллик коэффициентининг – онанинг ҳаёти давомида туғиладиган болалар сонининг камайиши каби омилни етарлича баҳолай олмади.

Шу орада, масалан, Ҳиндистонда ушбу кўрсаткич 90-йилларнинг ўрталарида 60-йилларга қараганда 41 фоизга пасайди, ҳар бир оилада ўртача 3,8 болани ташкил этди. Индонезия ва Бразилияда ҳар бир оилада ўртача бола сони бу вақтда 55 %га – 6,4 тадан 2,9 тагача қисқарди. Хитойда эса бу кўрсаткич янада юқори бўлди – 68 %, оилада болалар сони 6,2 тадан 2 тагача қисқарди. Умуман, дунёда фертиллик пасайиши унча катта бўлмади (оила ўртача битта болага қисқарди), шундай бўлса-да, бу ҳол демографик муаммонинг кескинлигини юмшатишга, ер юзи аҳолисининг мисли кўрилмаган ўсишини тўхтатишга имкон берди.

Бундай ўзгаришлар иқтисодий тараққий этган мамлакатларда аҳоли фаровонлигининг ўсиши, ислохотлар,

ўз иқтисодиётини саноатлаштириш йўлида турган кўпгина ривожланаётган мамлакатларда қашшоқликнинг камайиши ва турмуш даражасининг кўтарилиши натижасидир. Ушбу айтилганларнинг кейингилари қаторига Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Бразилия сингари аҳолиси кўп мамлакатлар киради, улар дунё аҳолисининг 45 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, мазкур ва бошқа мамлакатларнинг туғилишни чеклаш сиёсатига ўтиши ҳам бу масалага ўз таъсирини кўрсатди.

Иккинчи йирик демографик силжиш – ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида аҳоли “ёшариши”нинг, аксинча, ривожланган мамлакатлар аҳолиси кексайиши жараёнидир. Урушдан кейинги дастлабки уч ўн йилликда 15 ёшгача бўлган болалар улуши ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг 40-50% гача кўпайди. Натижада, ҳозирги пайтда мазкур мамлакатларда меҳнатга лаёқатли ёш ишчи кучининг энг кўп қисми тўпланган. Дунёда, айниқса, қашшоқ ва ўртача қашшоқ мамлакатларда йирик меҳнат ресурслари бандлигини таъминлаш бугунги кунда халқаро аҳамиятдаги долзарб ижтимоий муаммо ҳисобланади. Айни пайтда ривожланган мамлакатларда узоқ умр кўрувчиларнинг кўпайиши ва туғилишнинг камайиши бу ҳудудларда кексалар улушининг кўпайишига олиб келди, бу нафақа, соғлиқни сақлаш ва васийлик тизимига катта юк бўлиб тушмоқда. Ҳукуматлар XXI асрда кексалар муаммоларини ҳал қила оладиган янги ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқишлари лозим.

Демографик муаммо кескинлигини иқтисодий ва ижтимоий омиллардан мавҳумлаштириб баҳолаш мумкин эмас. Аҳоли тузилиши ва ўсиш суръатидаги ўзгаришлар жаҳон иқтисодиёти потенциалидаги номутаносиблик ва ижтимоий фаровонликнинг негизида содир

бўлмоқда. Иқтисодий ривожланган давлатларнинг катта бўлмаган гуруҳида ер юзи аҳолисининг қарийб 1/7 қисми яшаган бир пайтда, уларда жаҳон ялпи маҳсулотининг 4/5 қисми ишлаб чиқарилади, ялпи ички маҳсулот эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ривожланаётган мамлакатларга қараганда 20 марта кўп. Шунга мувофиқ, биринчи гуруҳ мамлакатларида соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни асрашга сарфланадиган харажатларнинг умумий даражаси ниҳоятда юқори, бинобарин, бу ерда узоқ умр кўриш ривожланаётган мамлакатлар гуруҳидагига қараганда анча баланд.

Ер юзи аҳолисининг 6,7 % яшайдиган собиқ СССР ва Шарқий Европа мамлакатларига келганда, улар дунё ялпи маҳсулотининг 6 %ни ишлаб чиқаради. Лекин ЯИМни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий ривож топган мамлакатлардан 5 марта ортда қолмоқда.

Савол туғилади: инсоният келгусида дунёнинг бой ва қашшоқ қутблари ўртасидаги чуқур номутаносибликни ҳал эта оладими? Тахминлар кўрсатишича, XXI асрнинг яқин 20 йилида ривожланаётган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръати бўйича ривожланган мамлакатлардан деярли 2 марта ошиб кетади, дунё ялпи маҳсулотида уларнинг улуши ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридаги 19,5% дан 2020 йилга келиб 29,1 %гача кўпайиши мумкин. Шу билан бирга, жаҳоннинг асосий хўжалик марказлари ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ қисқарадими-йўқми, бу келгуси ўн йилликларда содир бўладиган демографик ўзгаришларнинг суръати ва характерига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Демографик муаммолар.
2. Аҳоли кескин ўсишининг халқаро муносабатларга таъсири.
3. Демографик муаммоларнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т., Ўзбекистон, 2001.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 – Т., Ўзбекистон, 2002.
6. Возжеников В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. – М., 2000.
7. Саидолимов С. Проблемы безопасности в Центральной Азии. – Т., Akademiya, 2003
8. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2002.
9. Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид – ҳалокатли куч (мақола ва маърузалар тўплами). – Т., Академия, 2001.
10. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. – Алматы. 2001 N12.
11. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. – N1.
12. Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. –М.: Альпина Паблицер, 2003.

4.5. Мамлакат ички ишларига аралашувнинг янги усуллари

Жаҳон сиёсатининг глобаллашуви, мусулмон Шарқи билан насроний Фарби ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фарқлар, иқтисодий, технологик ва маънавий соҳаларда устунликнинг ўсиб бораётгани халқаро муносабатларда янгича ёндашувларни тақозо этаётир. Жаҳон жамоатчилигининг мамлакат ички ишларига аралашув ҳуқуқи борасидаги баҳс Фарбдаги сиёсий доираларда ҳам, илмий доираларда ҳам давом этмоқда. Бу фақатгина халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун эмас, балки гуманитар сабабларга кўра, демократия ўрнатиш масалаларини ҳам қамраб олаётир.

Демократик тараққиётнинг муваффақият қозонаётган тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина масалаларнинг одилona ечим топишида, чунончи давлатни бошқаришда фуқароларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлашда; давлат аппарати фаолияти устидан жамоат назоратини таъминлашда; ҳукумат ва жамият ўртасида ўзаро муносабатларда; фуқаролар фаоллигини, миллий ўз-ўзини англашни, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавиятини юксалтириш каби масалаларда жамият ташкилий асосини таркиб топтирувчи демократик институтлар билан биргаликда нотижорат нодавлат ташкилотлар (ННТ) тизими ҳам зарур экан. Бу ҳокимият билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари давлат ва жамиятни гуллаб-яшнатишда асосий шарт эканлиги билан изоҳланади.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асосий йўналиши – демократик кадриятларни, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўлмоғи шарт. Нодавлат ва жамоатчилик ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятдаги манфаат-

лар мувозанатини таъминлаш ва қувватлантиришга, сиёсий ва ижтимоий соҳада давлат тузилмаларига бас кела олувчи тузилма сифатида хизмат қилиши керак. Шаклланиш ва жамиятда обрў-эътиборининг мустаҳкамланишига кўра, фуқаролик институтлари давлат ва ҳокимият тузилмаларининг фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишда муҳим воситага айлана боришлари шарт.

Сўнги пайтларда собиқ шўролар иттифоқи таркибидаги мамлакатларда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа нодавлат ташкилотларнинг роли ва аҳамияти кучайиб бораётганлигидан дарак бермоқда. Шу билан бир вақтнинг ўзида чет эллардаги жамоат-сиёсий марказлар фаолиятининг қатор мамлакатлардаги ички сиёсий вазиятга бузғунчи таъсири ошиб бораётгани кузатилади.

Бизнинг ҳудудда, умуман, жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиё республикаларининг сиёсий ҳаётида ҳам жамоат ташкилотларининг, турли чет эл ва маҳаллий нодавлат ноτιжорат ташкилотларнинг роли кучаяётганини кўрсатмоқда.

Ноҳукумат ташкилотлар фаолияти ривожини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтда экология, аёллар муаммолари, тиббиёт, маданият, санъат, фан, таълим, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби соҳаларда етарли даражада барқарор ва мустаҳкам жамоат ташкилотлари гуруҳлари вужудга келмоқда. Натижада ижтимоий-иқтисодий ва жамоатчилик сиёсий ривожланишнинг устувор соҳаларида ўз фаолиятларини амалга ошираётган жамоат ташкилотлари, жамғармалар, нодавлат ноτιжорат ташкилотлар ва бошқа тузилмалардан иборат сектор шаклланди.

Давлат органларининг нодавлат ноτιжорат ташкилотлар билан ўрнатилган амалий ҳамкорликнинг асосий мақ-

сади – ижтимоий йўналтирилган нодавлат ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни мукамаллаштириш, уларнинг фаолиятига самарали таъсир кўрсатишдир. Давлат органларининг чет эллик ва маҳаллий нодавлат ташкилотлар билан, шунингдек, халқаро ва чет эл ташкилотларининг маҳаллий ННТ билан амалий ҳамкорликлари қонунийлик тамойилларига асосланиши керак.

“Чет ўйинчи”лар ёллаган нодавлат ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар таъсир кўрсатувчи восита бўлиб, улар кўпинча ички сиёсий бузғунчи хатти-ҳаракатларни мустақил равишда ўтказди.

Илгарилари геосиёсий масалаларни ҳал қилишда жиззаки мамлакатлар, империялар ҳарбий-сиёсий кучларга, фитна ва тўнтариш ясовчи ташкилотларга суянган бўлса, бугунги кунда глобализация даврида вужудга келган янги технологиялар билан қуролланган ҳолда ҳукуматларнинг қонуний алмашинувга ўхшаган хатти-ҳаракатларини ташкил этишнинг ўзи етарли бўлиб қолди.

Ҳозирги пайтда “рангли инқилоб” деб номланаётган хатти-ҳаракатлар ана шундай янги воситалардан бўлиб, бу бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи томонидан бошқа бир давлатни – бирмунча беқарорроқ ҳокимиятга эга бўлган иқтисодий жиҳатдан етарли даражада ривожлана олмаётган, ўзига етарли даражада мустақил бўлолмаган, аммо муҳим геосиёсий вазиятни эгаллаган, ҳар қандай агрессорни жалб эта оладиган ресурсларга эга бўлган, миллий манфаатларни тўлалигича амалга оширишга қурби етмаётган давлатни сиёсий жиҳатдан “эгаллаш” учун ўзидаги демократияни тикиштиришни, яъни сиёсатни, сиёсий “қарамлик”ни амалга оширишни назарда тутди.

“Бахмал инқилоблар” сценарийси асосида амалга оширилган ички сиёсий бўҳронлар тараққиётини таҳлил қилсак, бу борада ҳам, яъни “рангли инқилоблар”ни

амалга оширишда бирмунча қонуниятлар борлигини пайқаб олиш мумкин.

Бу турдаги инқилобларда бир қанча омилларнинг мажбурий тарзда иштирок этишини кўриш мумкин. Энг муҳим омил – узоқ йиллар мобайнида мунтазам равишда тўпланиб келган ички норозиликлар захираси. Иккинчиси – давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги сиёсати. Шунингдек, ҳукуматнинг мамлакат аҳолиси билан алоқанинг қанчалик мустаҳкамлиги, улар ўртасида ўзаро тушунарли мулоқотнинг бор-йўқлиги ҳам муҳим. Бу борада энг даҳшатли нарса – ҳокимият билан халқ ўртасида ўзаро муносабатларда қар-соқовлар мулоқотини эслатувчи суҳбатдир. Зеро, ўзида масъулиятни ҳис қилган ҳокимият билан уни сайлаб қўйган халқ ўртасида бундай мулоқот бўлиши мумкин эмас.

Юқорида айтиб ўтилган вазиятларнинг барчасини таҳлил қилиб, баҳолаб чиқилгандан кейингина ташқаридан туриб амалга ошириладиган таъсир омили ҳақида гапириш мумкин. Агар мамлакат ички ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим муаммолар йиғилиб қолиб, ўз ечимини топмаётган бўлса, натижада жамиятда норозиликлар кўпайиб, сўнгги нуқтага етган пайтда, яъни “қозон ичидаги буғ қозонни ёриб юбориш” даражасига етганда ташқаридан таъсир ўтказиш мумкин. Ташқаридан туриб таъсир ўтказиш учун мамлакат ичида шунга яраша замин тайёрланган тақдирдагина бундай таъсир самарали бўлиши мумкин.

Бугунги кунда “демократияни ривожлантириш” деб номланаётган хатти-ҳаракатларнинг маълум даражадаги технологияси вужудга келди (Ироқ ва Яқин Шарқдаги воқеалар худди шундай технология асосида амалга ошмоқда). Агар бирор мамлакатда гўё “демократия етишмаётганлиги” сезилиб қолгудай бўлса, ўша мамлакат халқига «етишмовчилик»дан қутилишда ёрдам бериш керак, деб ҳисобланади. Худди шу мақсад йўлида, бун-

дай “етишмовчилик”ни келтириб чиқарган ва уни авж олдираётган мамлакат раҳбариятини йўқ қилиш, мамлакатни тўнтариш учун маблағ ажратилади ва кучлар сафарбар қилинади. Шу тариқа, “бахмал” ўзгаришлар, ўрин алмашишлар технологияси ҳаракатга келади: эски ҳокимият тинчгина, қон тўкмаган ҳолда “сахнадан тушиб кетади”да, унинг ўрнига шундай технологияларни ўйлаб топганлар манфаатига жавоб берадиган бошқа бир ҳокимият “сахнага чиқади”.

“Бахмал инқилоб” суверен давлатнинг ички ишларига ташқаридан туриб таъсир қилиш, ҳаттоки, аралашини ҳам қонунийлаштириб қўйишга ҳам олиб келади. Умуман, “бахмал инқилоб” учун қулай шароит яратиб қўйиш расмий ҳокимиятни обрўсизлантириш ва қонунийликдан “чиқитга чиқариш” бўйича кўп юришли мавсумий босқичдир. Кўплаб экспертлар шунини таъкидлайдики, қайси мамлакатда аҳоли сиёсий жиҳатдан “тебса-тебранмас”, ҳокимиятга нисбатан бефарқлик билан муносабатда бўлса, ана шундай маргиналлашган жамиятда “бахмал инқилоб” тактикаси жуда қўл келади.

“Бахмал инқилоб” бўлган мамлакатлардаги воқеаларни таҳлил қилсак, тўнтаришларни амалга оширишда қуйидагилар асосий, ҳал қилувчи босқич ҳисобланади:

– **ижтимоий-сиёсий вазиятни олдиндан қийинлаштириш.** Ушбу босқичнинг тайёргарлиги узоқ вақтгача давом этиши мумкин, қоидага кўра, уни бевосита амалга ошириш мамлакатнинг ички сиёсий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи воқеа (парламент ёки президент сайловлари)га бир неча ой қолганда бошланади. Бунда ташқи босим мунтазам равишда кучайтирилади, ҳокимиятни алмаштиришдан манфаатдор бўлган барча кучларни бирлаштириш бўйича ҳаракатлар фаоллашади. Шу билан бирга, ҳокимиятни обрўсизлантириш ва мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни “қўзғаб” туришга асосий эътибор қаратилади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки,

“бахмал инқилоб”дан кейин давом этадиган мунтазам сиёсий беқарорлик кўпинча ташқаридаги кучлар манфаатларига жуда мос келади, сабаби ана шундай ҳукуматнинг мустақамланмаган, заиф даврида четдан туриб мамлакат ички ишларига аралашиб учун қулай имконият бўлади;

– **инқилобий “кўпик”ларни авжлантириш даври.**

Бу ҳал қилувчи давр ҳисобланади, у сайлов натижаларини эълон қилиш арафасида бошланади. Бунда қоидага кўра, “мустақил кузатувчилар” халқаро ташкилотлар ва ҳоказоларнинг тарқатган маълумотларига асосланиб, овоз бериш, сайлов натижалари бекор деб эълон қилинади, улар уюштирилган, бузиб кўрсатилган деб талқин этилади. Мана шундай ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлардан фойдаланиб, халқ оммасини алдаш натижасида бошқариб туриш мумкин бўлган хаос яратишга киришилади. Натижада “позициявий фаоллик” кескин суръатда ошади, яъни сайлов яқунларини қайта кўриб чиқиш талаб қилинадиган митинглар уюштирилади, давлат аппарати фаол ишлашини чеклаш мақсадида стратегик объектлар ва давлат муассасалари намоёнчилар билан ўраб олинадди, товламачилик, тазйиқ, дўқ-пўписа, ахборий босим ўтказиш учун намоёнчилар кўпайтирилади, сайлов натижаларини қайта кўриб чиқиш талаб қилинган мурожаатлар уюштирилади. Шу ўринда ОАВ ва ахборот марказларининг роли ошади, негаки улар расмий ҳукумат тарқатадиган ахборот тўлқинини пасайтириш мақсадида ўз фаоллигини ошира бошлайди. Уюштирилган норозилик акциялари олдиндан режалаштирилади. Бу ерда гарчи ҳукумат билан очиқдан-очиқ курашиб учун кучлар махфий тарзда тайёрлаб қўйилган бўлса-да, улар аввалига ўзларини “тинчлик тарафдорлари” қилиб кўрсатишга уринади.

“Бахмал инқилоб”ни ўтказиш механизмлари орасида яна бир найранг дипломатик усуллардан фойдаланиш бўлиб, бунда мамлакатда демократиянинг етишмаслигига урғу берилиб, мамлакат ичидати сиёсий ва иқтисодий вазият танқид қилинган ҳолда, ташқаридан туриб кўпол равишда, тўғридан-тўғри босим ўтказишга киришилади.

Муайян мамлакатга “бошқариладиган демократия”-ни олиб кириш жараёнида ташқи кучларга кўрсатиладиган ахборот-ташвиқот мададини ҳам эсда тутиш даркор. Халқаро ва чет эл ташкилотлари фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири – мамлакатда шундай кайфиятдаги жамоат фикрини шакллантиришга қодир бўлган “мустақил” ва оппозициячи ОАВларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдир.

Мамлакатда амалга ошириладиган “бахмал инқилоб” бу ердаги барча асосий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни издан чиқаради. Бунда, энг аввало, сиёсий ҳокимият бошқараётган жараёнлар тизими тубдан барбод бўлади, ҳокимиятнинг олий сахналарида раҳбарлар алмаштирилади, “кадрларни янгилаш” бошланади. Мамлакат бир-бирини тан олмайдиган, бир-бирига ён босишга ва яқинлашишга ҳаракат қилмайдиган бир неча ҳудудларга ажралиб кетади.

Натижада:

– мамлакатда сиёсий вазият қўлдан чиқади, давлатнинг стратегиясига оид сиёсий режалари чиппака чиқади, турли сиёсий гуруҳлар ўртасида узоқ вақтлардан буён давом этиб келаётган можаролар очиқдан-очиқ сиёсий бўҳронларни келтириб чиқаради;

– жамиятдаги норозилик кайфияти ва умумий безовталиқ бориб-бориб турли қўшимча жанжал-можароларга сабаб бўладиган вазиятларни келтириб чиқаради,

охир-оқибатда эса “бахмал инқилоб”нинг қайта ўтказилишига “имконият” туғилади;

– давлатларнинг геосиёсий мўлжал олишини ўзгартиришга олиб келади, бу муайян халқаро иттифоқлар, ҳамжамият ва ташкилотларда мамлакат фаолиятини тенглаштиради; илгари ушбу мамлакатнинг асосий стратегик шериклари бўлган давлатлар билан муносабатларнинг анча ёмонлашувига сабаб бўлади.

Натижада мамлакат “бахмал инқилоб”ни ташкил этишга ёрдам берганларга қарам бўлиб қолади, ҳукуматлари эса “қўғирчоқ”қа айланади. Бу “демократияни олға силжитиш” мафкурачиларининг мақсади бўлиб, улар бундай ҳукуматлар ёрдамида кейинчалик ўз геосиёсий, геоиқтисодий ва бошқа манфаатларини илгари суради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши.
2. «Бахмал инқилоб» ва «рангли инқилоб»ларнинг ижобий ва салбий томонлари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т., Ўзбекистон, 2004.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. За безопасность и мир надо бороться. Т.10 – Т., Ўзбекистон, 2002.

5. Возжеников В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. – М., 2000.
6. Саидолимов С. Проблемы безопасности в Центральной Азии. – Т., Akademiya, 2003
7. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2002.
8. Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид – ҳалокатли куч (мақола ва маърузалар тўплами). – Т., Академия, 2001.
9. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. – Алматы. 2001 N12.
10. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. – Алматы. 2001. – N1.
11. Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. –М.: Альпина Паблишер, 2003.

Реферат ва мустақил иш мавзулари

1. Халқаро муносабатларнинг замонавий мактаблари.
2. Халқаро муносабатлар тизими.
3. Халқаро муносабатларни тизимий таҳлил этиш.
4. Халқаро муносабатларнинг иштирокчилари.
5. Халқаро муносабатларни ўрганиш услублари.
6. Халқаро сиёсат.
7. Халқаро муносабатларнинг субъектлари.
8. Халқаро сиёсат иштирокчилари.
9. Глобаллашув стратегияси ҳақида умумий тушунча.
10. «Халқаро тартиб» тушунчаси.
11. Халқаро сиёсатда куч-қудрат омили.
12. Бир қутбли дунё.
13. Кўп қутбли дунё.
14. Ўзбекистон – халқаро муносабатларнинг субъекти.
15. Халқаро сиёсат иқтисодиёти.
16. Давлатларнинг ўзаро яқинлашув босқичлари.
17. «Глобаллашув» тушунчаси.
18. Халқаро муносабатларнинг нодавлат иштирокчилари.
19. Глобаллашувнинг янги мустақил давлатларга таъсири.
20. Глобаллашувнинг халқаро муносабатлардаги муаммолари.
21. Глобаллашувнинг умумий таснифи.
22. Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнига тортилиши.
23. Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари.
24. Глобаллашувнинг салбий жиҳатлари.
25. Глобаллашув ва Ўзбекистон манфаатлари.
26. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви.
27. Янги жаҳон иқтисоди.
28. Янги халқаро иқтисодий тартиб.
29. Жаҳон хўжалигининг асосий тенденциялари.
30. Трансмиллий корпорациялар.
31. Трансмиллий корпорацияларни қабул қилувчи мамлакатларга ижобий ва салбий таъсири.
32. Иқтисодий глобаллашув.
33. Децентрализация жараёнлари.
34. Минтақавий интеграция.
35. Минтақавий давлатлараро ҳамкорлик.
36. Минтақавий иқтисодий интеграция.
37. Эркин савдо худуди.
38. Умумий бозор.
39. Сиёсий интеграция.
40. Регионализм кўринишлари.
41. Неореализм.
42. Неолиберализм.
43. Регионализмнинг тизимий назариялари.
44. Жаҳон сиёсатида минтақавий блоклар.
45. Европа Иттифоқи.
46. НАФТА.
47. Америка эркин савдо худуди.
48. Трансатлантик иқтисодий шерикчилик.
49. Иқтисодий ҳамкорлик Осиё-Тинч океани форуми.
50. Халқаро ташкилотларнинг турлари.
51. Халқаро ташкилотларнинг халқаро муносабатлардаги ўрни.
52. БМТ – халқаро муносабатлар тизимида.
53. НАТО – халқаро муносабатлар тизимида.
54. МДҲ – халқаро муносабатлар тизимида.
55. ШХТ – халқаро муносабатлар тизимида.
56. Халқаро иқтисодий ташкилотлар.
57. Халқаро молиявий ташкилотлар.
58. «Бахмал инқилоб»ларнинг халқаро муносабатларга ижобий ва салбий таъсири.
59. «Рангли инқилоб»ларнинг халқаро муносабатларга ижобий ва салбий таъсири.
60. Мусулмон Шарқи билан насроний Ғарби ўртасидаги зиддиятларнинг халқаро муносабатларга таъсири.
61. Демографик муаммоларнинг халқаро муносабатларга таъсири.
62. Аҳоли кескин ўсишининг халқаро муносабатларга таъсири.

63. Демографик муаммоларнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари.
64. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари.
65. Жаҳонда сув танқислиги муаммолари.
66. Атроф-муҳит, табиат ва инсон ресурслари муаммолари.
67. Марказий Осиё минтақасида экологик ҳалокат.
68. Глобал энергетик кризис таҳдиди.
69. Халқаро терроризм ва унинг халқаро муносабатларга таъсири.
70. Ядро қуролининг тарқалиш таҳдиди ва унинг халқаро муносабатларга таъсири.
71. Халқаро муносабатларда миллий манфаатлар.
72. Миллий манфаатлар ва давлат манфаатлари ўртасидаги фарқ.

Фан юзасидан тавсия этиладиган махсус адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қура-миз. 7-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъул-миз. 9-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2001.

10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2002.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққи-ёт йўли. 11-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2003.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қуд-ратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2004.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2005.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. 14-жилд. -Т., Ўзбекистон, 2007.
15. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми.
16. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: асосий омиллар. - Т., 2001.
17. Валентини К.Л., Оролбаев Э.Э., Абылгазиева А.К. Вод-ные проблемы Центральной Азии. - Б.: 2004.
18. Возжеников В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. - М., 2000.
19. Саидолимов С.Т. Проблемы безопасности в Централь-ной Азии. - Т., Akademiya, 2003
20. Стратегик ҳамкорлик. - Т., Шарқ, 2002.
21. Нусанбаев А. Глобализация и транзитное общество // Саясат. - Алматы. 2001 N12.
22. Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. - Алматы. 2001. - N1.
23. Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. -М.: Альпина Паблишер, 2003.
24. Розугрант М.В., Сай К. Водный дефицит и продоволь-ственная безопасность: альтернативное будущее в 21 веке.// Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003.
25. Шади А. Проблемы и возможности глобального разви-тия орошения // Информационный сборник 2 (20) НИЦ МКВК июль, 2003. Турсунов А.С. Конституционные ос-

- новы внешней политики Республики Узбекистан – Автореф. дисс. на соиск. степ. д.п.н. – Ташкент, 2002.
26. Современные международные отношения. / Под ред. А.В.Торкунова. – М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2000.- С.70-93.
27. Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. – М., Логос, 2002, –С.38-39.
28. Косолапов Н. Внешнеполитическое сознание: категория и реальность // Мировая экономика и международные отношения. –№9, 1999. С.8.
29. Циганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. М. 2003.
30. Под редакцией Ланцова С.А., Ачкасова В.А. Мировая политика и международные отношения. – СПб.: Питер, 2005
31. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. – Т., 2002.
32. Арах М. Европейский союз. – М.: ОАО изд-во “Экономика”, 1998.
33. Федякин А.В. Национальные интересы России и идеология политических партий: к постановке проблемы. // вестн. Моск. Ун-та. – Сер.12 – Политические Науки. 1999. №4. С.102.
34. Центральная Азия: по пути безопасности и сотрудничества (Материалы Ташкентского совещания-семинара по вопросам безопасности и сотрудничества в Центральной Азии, 15-16 сентября, 1995 г.). – Ташкент, Узбекистан, 1995.

Мундарижа

КИРИШ	3
I. ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ ВА ОМИЛЛАРИ	
1.1. Замоनावий халқаро муносабатларнинг умумий таснифи	5
1.2. Глобализациянинг ижтимоий муносабатларга таъсири	22
1.3. Халқаро муносабатлар ривожланишининг минтақавий омили	36
1.4. Халқаро муносабатлар ва халқаро ташкилотлар эволюцияси	46
II. МИЛЛИЙ ВА МИЛЛИЙ ДОИРАДАН ЮҚОРИ МАНФААТЛАР – ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ СИФАТИДА	
2.1. Глобал ва минтақавий манфаатлар тизими ҳамда улар институтларининг ривожланиш тенденциялари	56
2.2. Миллий манфаатлар	72
III. ГЛОБАЛЛАШУВ – ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА	
3.1. Глобализмнинг умумий таснифи	94
3.2. Халқаро муносабатлар тизимидаги янги субъектлар	115
3.3. Глобаллашув ва миллий хавфсизлик: муаммоларнинг умумийлиги	124
IV. ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЧАҚИРИҚ ВА ТАҲДИДЛАРИ	
4.1. Хавфсизликнинг миллий даражадан юқори ва миллий жиҳатлари	136
4.2. Глобал ва регионал ривожланишнинг экологик муаммолари	149
4.3. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ичимлик суви муаммолари	154
4.4. Демографик муаммолар	164
4.5. Мамлакат ички ишларига аралашувнинг янги усуллари	169
Реферат ва мустақил иш мавзулари	178
Фан юзасидан тавсия этиладиган махсус адабиётлар	180